НЕГА САВОДИМИЗ «ГУЛЛАГАН?!» 12

14 БИТИКТОШЛАРДА ВАТАН ТУЙҒУСИ

WWW.MV-VATANPARVAR.UZ

VATAN@EVO.UZ

VATAN – MUQADDAS, UNI HIMOYA QILISH SHARAFLI BURCHDIR!

VATANPARVAR

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефон орқали сканер қилинг.

2020 йил 28 февраль, № 9 (2864)

O'ZBEKISTON

HAFTA ICHIDA

● Самарқанд шаҳрида Австрия Республикаси ва Самарқанд вилояти ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида бизнес-форум ўтказилди. Унда Австрия компаниялари вакиллари ва вилоятнинг 40 га яқин ишбилармонлари иштирокида B2B ва G2B форматида учрашувлар ўтказилди, муҳим келишувларга эришилди.

● Литва Сейми спикерининг ўринбосари Ирена Шяулене бошчилигидаги делегация аъзолари 26 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Б. Алихонов билан учрашди. Томонлар парламентлараро ҳамкорлик истиқболлари, савдо, инвестиция, соғлиқни сақлаш, инновация ва таълим соҳаларидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилишди.

● Хоразм вилоятида ўтган Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида иккинчи ҳудудлараро ҳамкорлик форуми доирасида икки мамлакат ҳукумат раҳбарлари иштирокидаги ҳукуматлар делегациялари учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашув якунида йўналишли чора-тадбирлар режаси кўринишидаги 16 та ҳужжат имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ва Қозоғистон Республикаси Бош вазири Асқар Мамин Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида II ҳудудлараро ҳамкорлик форумининг якуний декларациясини имзоладилар.

ЎзА материаллари асосида тайёрланди.

«ЭНГ ИЛҒОР МУТАХАССИС-КИНОЛОГ»

4-5

Катта лейтенант Азиз НОРҚУЛОВ суратга олган

8 ҲАРБИЙ ТИББИЁТНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

11 МУАЛЛИМ... КОМАНДИР... ҚАҲРАМОН

17 ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ЎҚИТУВЧИСИ

21 ЕР ОСТИ ҲАРБИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАРИ

7-бетда

ПОЛИГОНДА МУЖАССАМЛАШГАН МАҲОРАТ МАКТАБИ

10-бетда

ГЕНЕРАЛНИ УШЛАГАН БОТИР

22-бетда

ЧИҚИНДИ ПОЛИЦИЯСИ КЕРАК(МИ?)

Мудофаа вазирлиги тизимига оид сўнгги янгиликлар билан қуйидаги манзиллар орқали танишинг: t.me/mudofaa_press facebook.com/UzArmiya instagram.com/uzbekistanarmy

ХАБАРЛАР

КЎНГИЛГА ТАШРИФ

Тошкент вилояти Пскент туманида 7 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси истиқомат қилади. Улардан бири Янгиобод маҳалласида умргузаронлик қилаётган Абдурасул ота Қодировдир.

Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқов ва Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси бошлиғи полковник Акмал Ортиқов бошчилигидаги бир гуруҳ ҳарбийлар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент вилоят кенгаши фаоллари, Пскент тумани ҳокимлиги вакиллари отахон билан самимий суҳбат қуришди.

Тошкент вилояти Пскент тумани, Саидобод маҳалласи, Улуғбек кўчаси, 7-уйда яшовчи 102 ёшни қаршилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Эргаш бобо Каримов ҳолидан ҳам хабар олинди.

Мазкур тадбирлар давомида уруш қатнашчиларига ногиронлик аравачаси, кулоқчин, ҳасса каби керакли воситалар топширилди. Шунингдек, улар тиббий кўрикдан ўтказилиб, соғликларини тиклаш учун 21 турдаги зарур дори-дармон ва тиббий анжомлар берилди.

Шу куни Пскент туманидаги 30-болалар мусиқа ва санъат мактабида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва Қуролли Кучлар фахрийлари билан давра суҳбати ташкил этилди. Унда туман ҳокимлиги вакиллари, ўқитувчи ва мураббийлар, ўқувчилар қатнашди. Самимий суҳбат, айниқса, урушда беш ўғлини бой берган матонатли онахон Зулфия Зокирова ҳақидаги видеоролик барчанинг қалбини тўлқинлантириб юборди.

Бобур ЭСОНОВ

«ВАТАНПАРВАРЛАР БОҒИ»ГА ЯНГИ КЎЧАТЛАР ЎТҚАЗИЛДИ

Фарғона шаҳрига йўлингиз тушса, 1-Меҳрибонлик уйига, албатта, кириб ўтинг. У ерда 100 дан ортиқ меҳрга ташна, кўнгли ярим, кўзлари ҳамиша йўлга тикилган ўғил-қизлар бор.

Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони полковник Лутфулла Бузруков бошчилигидаги ҳарбий хизматчилар Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳолидан доимий хабар олиб туради. Бу галги ташрифда ҳам Ватан ҳимоячилари ва жажжи болажонлар ўртасидаги суҳбат ватанпарварликка бориб уланди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус ижроси ҳарбий хизматчилар томонидан айнан Меҳрибонлик уйларида ҳам давом этмоқда. Ташриф болажонларнинг дам олиш кунига тўғри келгани ҳам айни муддао бўлди. Болалар билан биргаликда Меҳрибонлик уйи боғига янги кўчатлар ўтқазилди ва боққа «Ватанпарварлар боғи» деб ном берилди.

Қўмондон томонидан Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига турли хил ўқув адабиётлари ва эсдалик совғалар тақдим этилди.

Сержант Бобомурод НУРАТОВ

Муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақирув эълон қилинди

«Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида» Президент қарори (26.02.2020 й.) қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистоннинг чақирув ёшидаги фуқаролари 2020 йилнинг март-апрель ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилади.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинади.

Шунингдек, муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчилар 2020 йилнинг март-апрель ойларида Қуролли Кучлар резервига бўшатилади.

ЎзА

ҲАМКОРЛИК

АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди ўртасида ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жиноятларнинг барвақт олдини олиш бўйича ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

Ушбу меморандум Мудофаа вазирлиги қўшинларида ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларга барҳам бериш бўйича ўзаро ҳамкорликнинг мазмуни, соҳалари ва тартибини белгилаб беради.

Меморандум иштирокчилари икки томонлама муносабатларнинг истиқболларини белгилаш, профессионал армияни ривожлантиришда ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олиш ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ҳамкорлик қиладилар.

Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР АКАДЕМИЯСИДА

ҚЎМИТА ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Жорий йил мамлакатимизда «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» деб эълон қилиниши муносабати билан тадбир ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Эркин Салихов қўмита томонидан амалга оширилаётган ишлар, таҳлил ва қонунлар ижроси юзасидан парламент назорати бўйича маълумот берди. Шундан кейин давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг фаровон ва тинч ҳаётини таъминлаш йўлида амалга ошираётган кенг кўламли ислоҳотлари ва ташаббуслари ҳақида тўхталиб, қабул қилинаётган янги қонунлар ҳамда уларнинг мазмун-моҳияти хусусида фикр юритди. Қўмита аъзолари, депутатлар Тўлқин Каримов ва Нигора Қутлимуратова Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифалар, жорий йилда амалга ошириладиган ишлар ва мудофаа масалалари бўйича таҳлилий маъруза қилдилар.

Қуролли Кучлар академияси профессор-ўқитувчилари, тингловчилар ва курсантлар самимий тарзда кечган учрашувда ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Эркин ОТАМУРОДОВ

МУНОСАБАТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикасига расмий ташрифи якунлари хусусида

ДЎСТИНГ КИМЛИГИНИ АЙТ...

Шавкат Мирзиёевнинг Туркияга ташрифи икки қардош халқлар ва давлатлар ўртасидаги яхши ниятли яқин муносабатлар халқимизнинг ишончи ва бир-бирига садоқатини ифодалайдиган янги босқичга кўтарилганини кўрсатиб турибди. Мирзиёев билан Эрдўғон ўртасидаги самимият, ҳурмат-эътибор, дўстона илтифот қардошлик, биродарлик, эътиқодда узвийлик кўприкларини ўрнатган оқсоқоллар – Сулаймон Демирел билан Ислом Каримовни эслатди. Демирел ҳар сафар Ўзбекистон тупроғига қадам қўйишни муқаддас жойларни зиёрат қилишдан бошлар эди. Мана, бир неча йилдирки, Эрдўғон ҳам шундай йўл тутяпти. У олдин улуғларимизни зиёрат қилиб, улар руҳипокига Қуръон тиловат қилиб, сўнг Мирзиёев билан мулоқотга киришяпти. Азизлар, бундай муносабатда ҳикмат ва оқибат бор. Бир миллат ва бир дин вакиллари бир-бирларига хиёнат қилаётган бугунги кунда бундай ҳикматона қардошлик ҳис-туйғуларидан таъсирланмаслик мумкин эмас.

Гап Туркиянинг катта ва кучли давлатлигида ёки ўзбеклар билан туркларнинг тили ва дини бирлигида эмас. Ўзбекистон бошқа катта ва кучли давлатлар билан ҳам стратегик ҳамкорлик ўрнатган. Бироқ уларнинг ташқи сиёсати билан Туркиянинг ташқи сиёсати ўртасида катта фарқ бор. Туркия ташқи сиёсатидаги қатъиятлик, изчиллик, холислик, вазиятга қараб турланиб-тусланмаслик, бағрикенглик, инсонпарварлик каби сиёсий мезонлар амалий хатти-ҳаракатларда ўзини оқлади. Назаримда, ҳозир Ўзбекистон юритаётган мустақил ташқи сиёсат ана шундай хатти-ҳаракатлар билан ҳамоҳанг. Эрдўғон билан Мирзиёев олиб борган мулоқотлар ва улар берган баёнотларда айтилган сўзларда ана шу ҳамоҳанглик сезилиб туради.

Менимча, Туркия билан Ўзбекистон муносабатларида жаҳон дипломатиясига ўрнак бўладиган бир ҳолат кўзга ташланади. Яъни бошқаларда кузатилаётганидек, сал нарсага тош отиш ёки тамға босиш механизмини ишга солиш йўқ. Салкам 29 йилдан бери бундай ҳолат ҳали бирор марта ҳам кузатилмади. Буни эслатиб ўтишимизга сабаб шуки, яқинда Туркиянинг стратегик ҳамкори бўлган бир давлат ўз оммавий ахборот воситаларида Туркия Сурия билан Ливия ҳудудида Усмонийлар империясини тикламоқчи деб туҳмат қилди. Одатда, катталарни бомбалаб ўлдириб, уларнинг ёш болаларига ширинлик тарқатадиган бу давлат ўттиз йилдирки, бизни гоҳ «Толибонлар», гоҳ Ўзбекистон ислом ҳаракати билан қўрқитиб келади. Бундай пайтда Туркияга ўхшаган ишончли стратегик ҳамкорлар жуда ҳам зарур, албатта. Шавкат Мирзиёев қўшни қардош давлатлар ва халқлар билан ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтариб, ана шундай хавф-хатарлардан бирининг йўлини тўсди. Тўғриси, Туркия, Эрон, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон каби давлатлар билан ҳам муносабатларимиз қанчалик ишончли ва мустаҳкам бўлса, биздан бошқа хавф-хатарлар ҳам шунчалик йироқлашади. Энг муҳими, узоқдаги аламзада шовинистик кучларнинг иғвоси ва фитнасига нисбатан ўта ҳушёр бўлишимиз керак.

Азизлар, бизнинг стратегик ҳамкоримиз кўп. Ҳар бирига улар ўзларини қандай тутишларига қараб, баҳо бериш керак. Не ажабки, бири биз энди озод ва мустақил эканлигимизга қарамай, ўзининг буюкдавлатчилик ва буюкмиллатчилик кўз қарашларидан келиб чиқиб муносабатда бўлса, бири мусулмончилигимизни била туриб, атайлаб динимиз ва диндош биродарларимизни ҳақоратлаш билан муносабатда бўлади. Биз қандайдир иқтисодий ёрдам учун динимиз ва виждонимизни сотадиган халқ эмасмиз. Шундай пайтда барибир Туркиянинг тутган йўлига тан берамиз. Бугунги кунда жаноб Эрдўғон жаҳон сиёсат оламининг етук лидерларидан бири сифатида камситилаётган, ҳақоратланаётган, қувғин қилинаётган, бомбалаб ёки чўктириб ўлдирилаётган мусулмонларни ҳимоя қилиш борасида журъатли ва жасоратли кураш олиб бораётганлигидан фахр-ифтихордамиз. Шавкат Мирзиёев унинг яқин сафдоши ва маслакдоши сифатида халқаро ҳаётда муштарак мақсадлар учун биргаликда курашаётганлиги бугунги мустақил Ўзбекистонимиз шаънига ярашадиган ҳолатдир. Мухолифатчиларга террорист тамғасини босиб, уларни бомбалаб ўлдириб, тирик қолган гўдак болаларига конфет ва печенье тарқатишдек «гуманизм»ни Афғонистонда ҳам, Сурияда ҳам, Украинада ҳам кўрдик. Шунинг учун Туркиянинг ҳар қандай ҳолатда ҳам тинч аҳолини, биринчи навбатда қариялар, аёллар ва болаларни сақлаб қолишдек инсонпарварлик сиёсатини биз, ўзбеклар маъқуллаймиз. Яхши подшо тахтда сақланиб қолиш учун ғайридинлар билан тил бириктириб, ўз халқини ўлдирмайди, қувғин қилмайди, аксинча уларнинг бошини қовуштиради.

Туркия ва Ўзбекистон муносабатларидан бироз четлашганимга сабаб шуки, оқил ва доно сиёсатдан ибрат олиб, тегишли хулоса чиқармас эканмиз, эртага бизнинг бошимизга ҳам шундай кўргиликларни солиш ниятида пайт пойлаётган ғаразгўй кучлар борлигини эслатиб қўймоқчимиз.

Президентимиз ташрифида кузатилган энг катта воқеа, сўзсиз, Стратегик Ҳамкорлик Кенгашининг биринчи йиғилиши ва унда имзоланган ҳужжатдир. Демак, Туркия билан Ўзбекистон ўртасидаги кўп томонлама алоқалар янада юксак босқичга кўтарилади. Ўтган йилдаги савдо-сотиқ ҳажми 2,2 миллиард долларга етган бўлса, демак, энди 5 миллиард долларлик марра кўзланади. Фақат кийим-кечаклар ва турли буюмлар алмашиш билан чегараланиб қолмаслигимиз керак. Бизда озиқ-овқат дўконларида баъзи маҳсулотларга «ҳалол» деб ёзиб қўйилади. Туркларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бу сўзни ёзиш шарт эмас. Туркияда мусулмонлар учун ҳаром ҳисобланган маҳсулотлар қонун билан тақиқланган. Улар сифати ва тўйимлилиги жиҳатидан ҳам бизнинг таомларга ўхшайди. Истамбулда кўп марта бўлганман. Ўзингизни худди Тошкентда юргандек эркин ҳис этасиз.

Туристлар оқимида Туркия жаҳонда олтинчи ўринда. Ўтган йили Ўзбекистонга етти миллион сайёҳ келганини эътиборга оладиган бўлсак, яқин йилларда Туркияга етиб олишимиз ҳеч гап эмас. Мен юртимизнинг жуда кўп зиёратгоҳларида бўламан. Қаерда бўлмайин, зиёратчилар орасида туркларнинг кўплигини кўраман. Қарияларни жуда ҳурмат қилишар экан. Кўпинча мен билан суратга тушиш илинжида илтифот кўрсатишади. Биз ҳар хил қурт-қумурсқа-ю ёввойи жониворларни истеъмол қиладиган давлатлар ресторанларида нима ейишни билмай, таъбни тирриқ қилгандан кўра, Туркияда иштаҳа очадиган таомлар еб, маза қилганимиз яхши эмасми?.. Тўғриси, тилимиз ва дилимизнинг яқинлиги, динимиз ва ибодатимизнинг бирлиги, қардошлик ва қариндошлик ришталари бизни доим Туркияга чорлаб турсин.

Агар ўтмишни эсласак, кўз олдимизга Усмонийлар, Темурийлар, Бобурийлар даври келади. Бу – туркий миллатларнинг гуллаб-яшнаган даври, мусулмонлар ҳукмронлик қилган замонлар. Бугун бизни менсимай, зўравонлик ва босим ила ўз йўриғига юритмоқчи бўлаётганларга буни доим эслатиб туришимиз зарур. Ҳатто, Византиянинг энг буюк императори Херакл ҳам буюк келажак мусулмонларга қулиб боқишини башорат қилиб, Муҳаммад алайҳиссаломнинг дини ҳақ дин эканлигини эътироф этиб, унинг элчиларини иззат-икром билан кутиб олиб, ўз атрофидаги насроний руҳонийлар кўз олдида совға-салом улашган эди. Нега энди орадан 14 аср ўтиб, кимлардир Хераклнинг эътирофига қарши хатти-ҳаракатлар қиляпти? Тарих бузғунчиликни кечирмайди, улар жазосини олади, оляпти ҳам. Жаноб Эрдўғон ана шу ҳақиқат йўлида курашиб, фаластинлик араблар, хитойлик ва мьянмалик мусулмонлар, қорабоғлик озарбайжонлар, украиналик қримтатарлар, сурияли ва ливиялик қочоқлар, Африкада таъқиб ва қувғинга учраётган мусулмонлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида БМТ, Европа Иттифоқи, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Ислом Ҳамкорлик Кенгаши ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида куч-ғайрат сарфлаётганлигидан мамнунмиз. Туркия билан Ўзбекистоннинг бу борадаги ҳамкорлиги давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ишончни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Кузатишларимга қараганда, турк тадбиркорлари ва ишбилармонлари ҳар қандай шубҳа-гумон ва иккиланишдан холи. Шунинг учун улар Шавкат Мирзиёевнинг гапларини, таклиф-ташаббуслари ва мулоҳазаларини берилиб тинглашди. Ҳар ҳолда, йўқдан бор қилишмаса-да, уқувчанлик ва изланувчанликда ҳушёр. Ишончимиз комил, улар билан бўлган учрашув ва мулоқотлар ҳар икки томон учун ҳам самара беради. Ўзбекистон раҳбари ислоҳотчи эканлигидан руҳланган турк ишбилармонлари ҳамкорликнинг янги-янги қирралари ва имкониятларини ишга соладилар, албатта. Айниқса, деҳқончилик ва боғдорчиликда, балиқчилик ва наслчиликда, тўқимачилик ва ҳунармандчиликда, касб-корлик ва бунёдкорликнинг турли тармоқларида уларнинг самарали ҳамкорлигига ишонч катта.

Ҳар қандай давлат ва халқ ўзининг буюк келажагини ишончли дўстлари ва ҳамкорлари билан бирга қуради. Ёлғиз одам яшай олмаганидек, бугунги мураккаб ва қалтис замонда ёлғизланиб қолган давлат ҳам ҳеч нарсага эриша олмайди. Бироқ дўст танлаш ва унга орқа қилишнинг ҳам ўз қонуниятлари бор. Яъни бунинг учун синовлардан ўтишга тўғри келади. Кўп давлатлар ана шу жараёндаги сиёсий ўйинларда қоқилиб ё бировларнинг ноғорасига ўйнаб, йўриғига йўрғалаб, сателлитга айланиб қоладилар ёки зўрларнинг агрессиясига учраб, озодликдан маҳрум бўлиб қоладилар. Шукрки, Аллоҳ Ўзбекистонни ҳамиша ана шундай нохуш ҳолатлардан сақлаб келяпти.

Худога шукр, бугунги кунда сўрашса, дўстимиз кимлигини айтадиган ҳолатдамиз. Аниқроғи, геосиёсий манфаатни кўзловчилар тарқатаётган вирусни юқтиришдан холимиз. Сабаби – ташқи сиёсатда танлаган йўлимиз аниқ. Агар ҳамиша дуога қўл очиб, тўғрилик ва ҳаллолик, ор-номус ва виждон, Ватан ва миллат шаъни, диний эътиқод ва диёнат йўлида адашмай қадам ташлайверсак, иншоолоҳ, яхши дўстларимиз кўпайиб, келажагимиз буюк бўлишига ишончимиз ортиб бораверади.

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист

МАРДИ МАЙДОНЛАР

Мудофаа вазирлиги миқёсидаги «Энг илғор мутахассис-кинолог» кўрик-танловининг аксарият босқичлари Тошкент вилояти мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг спорт-техник комплексида ўтказилди. Мазкур мусобақалар ёш авлодни юртга муҳаббат руҳида тарбиялаш, бўш вақтларини мазмунли ўтказишда муҳим ўрин тутмоқда. Бу йил илк маротаба ташкил этилган «Энг илғор мутахассис-кинолог» мусобақасининг 1, 2-босқичлари ҳарбий қисм ва округлар миқёсида бўлиб ўтди. Саралашларда юқори натижаларни қайд этган 22 нафар ҳарбий хизматчи ўзларининг хизмат итлари билан финал баҳсларида қатнашди.

«ЭНГ ИЛҒОР МУТАХАССИС-КИНОЛОГ»

кўрик-танлови ҳайратланарли воқеаларга бой бўлди

Бу каби мусобақалар ёш авлод вакилларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаб, уларда ҳарбийлик касби ҳақидаги билим ва таассуротларини янада оширишда ҳам муҳим ўрин тутяпти. Беллашувларни Чирчиқ шаҳридаги умумтаълим мактабларининг ўқувчилари ҳаяжон билан кузатиб боришди.

Танловнинг биринчи – «Дог биатлони» шартида қатнашчилар якка тартибда умумий 3 200 метр масофага югуриши керак. 800 метр масофа ортда қолдирилгандан сўнг 1-отиш маррасида ётган ҳолатда милтиқ ёрдамида 50 метр масофадаги 5 та нишон ёпилиши лозим. Мўлжалга тегмаган ҳар бир нишон махсус жарима майдонида бир айлана югуриш билан жазоланади. Стартдан 2.4 км масофа босиб ўтилгач, 2-отиш чегарасида тик ҳолатда ўқ узиш амалга оширилади. Барча иштирокчилар маррага биринчи бўлиб етиб келишга астойдил интилишди.

Эстафетали «Дог биатлони» шартида эса натижа жамоанинг охирги аъзоси маррага етиб келган вақт бўйича баҳоланади. Шунинг учун ҳар бир иштирокчи катта масъулият билан ҳаракат қилиши лозим.

Ўқувчи ёшлар иштирокчиларнинг хатти-ҳаракатларини ҳавас билан олқишлаб турдилар. Томошабинларнинг қувончли ҳайқириғи қарсакларга уланиб кетди. Хизмат ити барча айтилган вазифаларни тўғри бажарар, ҳатто яшириб қўйилган нарсани бехато топарди. Ушбу мусобақа улар учун ҳайрат ва янгиликларга бой бўлди.

Кузатиш завқли бўлса, уларни ҳаяжонга солиш, хизмат итларини йўриғига юритиш иштирокчилар учун шу қадар маҳорат талаб қиларди. Хизмат ити ҳам буйруқ бўйича ҳаракатланиши, масалан, турган ҳолатини ҳаракат сигнали бошлангунича ўзгартирмаслиги шарт. Шунингдек, масофадан ўтиш жараёнида ҳам белгиланган чизиқдан ташқарига чиқишига рухсат берилмайди.

Кинологлар эса югуриш техникасига амал қилиш баробарида, нафас олиб, чиқариш ритмларини бошқарар, отиш майдончасига кириб келишганида ўзларини тутиб олишга мажбур...

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида «Энг илғор мутахассис-кинолог» кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тантаналар аввалида нуронийлар, ўқувчи ёшлар ва бошқа қизиқувчилар Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, ДХХ Чегара қўшинлари ҳамда Кинология федерацияси хизмат итларининг кўргазмали чиқишларини томоша қилди. Жониворларнинг бу қадар ўргатилгани кўпчиликни ҳайратлантирди, албатта. Уларни имо-ишоралар билан ҳам, овоз билан ҳам бошқариш, йўналтириш мумкин эди.

Шунингдек, гиёҳвандлик моддаларини, хориж валютасини топиш, жиноятчини ушлаш каби турли вазифаларни йиғилганларнинг кўз олдида бажариб кўрсатди. Қолаверса, «Ўтир-тур!», «Ростлан!», «Югур!», «Кел!», «Кет!» каби буйруқларни ҳам айтилганидек амалга оширарди.

Шундан сўнг ғолиб ва совриндорларни тақдирлашга киришилди. Уларга медаль, диплом ва қимматбаҳо совғаларни мудофаа вазирининг ўринбосари полковник Ҳамдам Қаршиев топширди.

БУ КИМЛАРГА НАСИБ ЭТДИ?

«Энг жозибадор хизмат ити» номинациясида шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Бахтиёр Ҳасанов «Адольф» лақабли хизмат ити билан, «Энг чаққон хизмат ити» номинациясида шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Дилмурод Сувонов «Барон» лақабли хизмат ити билан, «Энг зийрак хизмат ити» номинациясида шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Фазлиддин Отақулов «Дора» лақабли хизмат ити билан, «Энг садоқатли хизмат ити» номинациясида шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Достон Қодиров «Вега» лақабли хизмат ити билан ғолибликка сазовор бўлди.

Шунингдек, қуйидаги йўналишлар бўйича ғолиблар тақдирланди:

«Дог биатлони» якка тартибда югуриш, «Дог биатлони» эстафета ҳамда «300 метр масофага тўсиқларни енгиб ўтган ҳолда югуриш» йўналишларида – Мудофаа вазирлиги Хизмат итлари марказий питомниги мутахассис-кинологи кичик сержант Содиқ Дилмуродов «Клиф» лақабли хизмат ити билан; «Ҳимоя қоровули хизмати» йўналишида питомник мутахассис-кинологи кичик сержант Элшод Абдуллаев «Драго» лақабли хизмат ити билан; «Моҳир ўқчи» йўналишида питомник мутахассис-кинологи шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Аҳмад Гадаев «Лерина» лақабли хизмат ити билан; «Мина қидирув хизмати» йўналишида – шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Дилмурод Сувонов «Барон» лақабли хизмат ити билан.

Жамоа ҳисобида Мудофаа вазирлиги Хизмат итлари марказий питомниги 1-, Тошкент ҳарбий округи 2-, Марказий ҳарбий округ 3-ўринни қўлга киритди. Олий ўрин «Клиф» лақабли хизмат ити билан кичик сержант Содиқ Дилмуродовга, 2-ўрин «Драго» лақабли хизмат ити билан кичик сержант Элшод Абдуллаевга, 3-ўрин эса «Дар» лақабли хизмат ити билан кичик сержант Искандар Рустамовга насиб қилди.

Катта лейтенант Азиз НОРҚУЛОВ, «Vatanparvar»

Муаллиф суратга олган

ХАБАРЛАР

МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ МАТБУОТ КОТИБИ

ўзи ўқиган мактабга борди

Риштон туманидаги 24-умумтаълим мактаби юртимизнинг чегара олди ҳудудида жойлашганига қарамай, ўқувчиларнинг чинакам зиё масканига айланган. Мазкур билим ўчоғидан шу кунгача кўплаб давлат ва жамоат арбоблари, етук мутахассислар етишиб чиқди. Айни кезда улар юртимиз тараққиётига турфа соҳалардаги самарали меҳнати билан ҳисса қўшиб келмоқда.

Ушбу таълим даргоҳининг битирувчиларидан бири подполковник Баҳром Зулфиқоров мудофаа вазирининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси – матбуот котиби лавозимида хизмат қилмоқда. У бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар билан ўзи ўқиган мактабда меҳмон бўлди. Бундан кўзланган асосий муддао ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ўқувчилар билан қизғин ва очиқ мулоқот тарзида ўтган учрашувда мактаб директори, тажрибали устоз-муаллимлар Баҳром Зулфиқоровга берилган саволлар беиз кетмагани ва у билан ҳақли равишда фахрланишларини эътироф этдилар.

Қўқон шаҳридаги ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари, маҳалла фаоллари, нуронийлар, маърифатли онахонлар қатнашган тадбирда ватанпарварлик тўғрисида дилдан суҳбат қурилди.

Ўқувчилар меҳмондан олий ҳарбий таълим муассасасини имтиёзли равишда битиргандан сўнг кундалик фаолият тарзини тўғри белгилашда нималарга эътибор қаратгани, ҳарбий хизматнинг тартиб-таомиллари хусусида ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олди.

Учрашув Риштон туманидаги 60-умумтаълим мактабида ҳам ўтказилди.

Дилшод ШУҲРАТ ўғли

КЎМАККА ШАЙ ПОСБОНЛАР

Чимбой тумани Уста овулида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси 96 ёшли Турениязов ота Абулов яшайди. Нукус ҳарбий госпитали шифокорлари ҳамда бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар совға-саломлар билан ушбу манзилсари йўл олди. Отахон госпиталь мутахассислари томонидан тиббий кўрикдан ўтказилиб, унга зарур дори-дармон воситалари топширилди.

2018 йилда уруш фахрийсининг аҳволи оғирлашиб, тўшакка михланиб қолди. Кенжа ўғли ва келини қарамоғидаги Турениязов отага туман марказий тиббиёт муассасасидан доимий патронаж хизмати сифатида ҳамшира ажратилган.

Нукус гарнизонидаги ҳарбий қисм қўмондонлиги Турениязов ота яқинларининг тоза ичимлик суви бўйича мурожаатини ҳал этадиган бўлди. Ҳарбий қисмда фильтрланган тоза ичимлик суви масъуллар томонидан ҳар ҳафта фахрий хонадонига келтирилади.

Абуловлар истиқомат қилаётган овулда 30 га яқин хонадонлар бор. 2016 йилдан бери мазкур ҳудуд табиий газ таъминотидан бутқул узилган. Овулнинг бу муаммоси мутасадди ташкилотлар томонидан тез кунларда ижобий ҳал бўлишига ишончимиз комил.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати

ХАБАРЛАР

УЛАР МУДОМ ЭЪЗОЗДА!

Фашистлар устидан қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги арафасида Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти қўмондонлиги, Чирчиқ шаҳар мудофаа ишлари бўлими вакиллари ва бир гуруҳ курсантлар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Василий Жучков ҳамда Григорий Колосов хонадонларида бўлишди.

Айни йигитлик чоғида қон кечган уруш қатнашчилари ХХ асрнинг энг даҳшатли йиллари хусусида сўзларкан, тинчлик аталмиш олий неъматнинг нақадар саодатли эканлигини ўз кўрган воқеликлари мисолида қиёслади.

– Юртимизда биз, уруш қатнашчиларига доимо давлат даражасида эътибор қаратилишидан ғоят мамнунмиз, – дейди В. Жучков. – Йил давомида ҳарбий хизматчилар турли совға-саломлар билан келиб, биздан хабар олишади, узоқ суҳбатлашишади. Урушнинг машъум шаҳарларида кечган ҳал қилувчи жанглар тафсилотлари, халқимизнинг мардонаворлиги ва кўрсатган жасоратлари ҳақида сўзлаб беришимни сўрашади. Уларга минг раҳмат.

Лейтенант Алибек ОМОНТУРДИЕВ

МАКТАБДА БЎЙ ЧЎЗГАН МАҚСАД

Мактабимизнинг собиқ ўқувчилари орасида юртимизнинг нуфузли олий ҳарбий таълим муассасаларида таҳсил олаётган кўплаб ўғлонлар етишиб чиққан. Энг қувонарлиси, уларга издош, ҳарбий хизматни шараф билувчи укалари ҳам саноқсиз. Таълим муассасасида билим олаётган ўқувчилар қалбида ҳарбий-ватанпарварлик, ҳарбий хизматга ҳавас туйғуларининг шаклланишида мактаб маъмурияти вакиллари – С. Юсупов, Ў. Сафаровнинг амалий кўмаклари, хусусан, ташкилий масалалардаги қўллаб-қувватлашлари ҳам ижобий самара бермоқда.

Ўқувчиларимиз ҳарбий қисмларда очиқ эшиклар куни доирасида ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этиб, чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанидан ўзлаштирган назарий билимларини том маънода мустаҳкамламоқда.

2019/2020 ўқув йили мобайнида мактабнинг «Бургут» жамоаси вилоят миқёсида ўтказилган «Темурбеклар» ҳарбий-спорт ўйинларида биринчи, «Ёш қутқарувчи – кўнгиллилар» мусобақасида учинчи ўринни қўлга киритди.

Габбар ХРАТОВ,
Термиз туманидаги 6-умумтаълим мактаби чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиси

ОЙНА ОРТИДАГИ МОЗИЙ

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг бир гуруҳ курсантлари ва муддатли ҳарбий хизматчи, оддий аскарлари – Қуролли Кучлар, Темурийлар тарихи давлат музейлари ҳамда Абдулла Қодирий уй-музейига экскурсия қилди.

Ҳарбий хизматчилар Темурийлар даврининг ўрта асрлар ҳарбий-сиёсий, маданий ва маърифий қудратини кўрсатувчи осори атиқалар, сўнгги икки аср давомида юртимиз ҳудудида янги ҳарбий билимларнинг ёйилиш тадрижи ҳамда ўзбек жангчиларининг Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага қўшган улкан ҳиссаси акс этган тарихий экспонатлар, далиллар, қолаверса, ўзбек романчилиги асосчиси Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берувчи қизиқарли маълумотлар билан танишди.

Подполковник Бобур РАЖАБОВ

МИНБАР

«Бугунги кунимиз ва келажагимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларни катта мақсадлар сари сафарбар этиш, ўз салоҳиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратиш ҳамда уларни ҳақиқий ватанпарвар, ҳар жиҳатдан комил инсонлар қилиб тарбиялаш ишларида сусткашликка йўл қўйиш бу – уларга нисбатан хиёнатдир».

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ЁШЛАР – ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ

Дунё шиддат билан ўзгараётган, минтақалар ва давлатлар ўртасида сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий курашлар тобора кескинлашаётган бир шароитда мамлакатимиз аҳолиси ва ёш авлод вакилларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари биз учун янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бу эса ёшларимизда ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, она юрт тақдири учун масъулият туйғусини мустаҳкамлаш, уларни ўз касбига садоқатли ва ҳар томонлама етук кадрлар этиб тарбиялаш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўришимизни тақозо қилмоқда.

Ватанпарварлик ёшларда бурч, шахсий масъулият ҳисси, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини, фаол ҳаётий фуқаролик позиция ва қатъий эътиқодини, касбий маҳоратини шакллантирадиган қудратли воситадир. Шу боис ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Хавфсизлик кенгашининг миллий армиямизни янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш масалаларига бағишланган кенгайтирилган йиғилишида аҳоли ва ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги ишларни жадаллаштириш бўйича Мудофаа вазирлигига катта ишонч билдирдилар.

Шу муносабат билан Марказий ҳарбий округ қўмондонлиги томонидан аҳоли ўртасида, таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда уюшган ва уюшмаган ёшлар билан ҳарбий-ватанпарварлик йўналишидаги тадбирларни тизимли ташкил этишга киришилди. Аҳоли ва ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда қатъий фуқаролик позициясини кучайтириш борасида «Навоий тажрибаси», «Жиззах тажрибаси» ва «Самарқанд тажрибаси»га оид янги тизим жорий этилди.

Ватанга садоқат билан хизмат қилиш, юрт тинчлигини асраш, Ватан равнақи учун фаол бўлишга ундайдиган ижтимоий, маънавий-ахлоқий фазилатларни қарор топтириш, мамлакатимизнинг барча соҳалари учун жонкуяр, ҳалол, ўз касбига садоқатли ва етук кадрлар захирасини шакллантириш каби мақсадлардан келиб чиққан ҳолда Навоий, Самарқанд ва Жиззах вилояти ҳокимликлари ва ҳудудий давлат идоралари, ташкилотлар, хўжалик бошқаруви ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим муассасалари билан ҳамкорликда аҳоли ва ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда қуйидаги вазифаларни белгилаб олдик:

ёшларнинг Ўзбекистон Республикаси, унинг халқи ва Президентига садоқат, юксак ватанпарварлик фазилатларини шакллантириш;

ёшларнинг фаол ҳаётий позицияси ва қатъий эътиқодини, Ватан тақдири учун масъулиятини кучайтириш, турли кўринишдаги ахборот-психологик хуружларга нисбатан мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш;

Ватан озодлиги йўлида жасорат кўрсатган буюк аждодларимиз ҳамда Ўзбекистон мустақиллигини ҳимоя қилиш учун жон фидо этган миллий қаҳрамонларимиз билан фахрланиш, уларга муносиб бўлиш туйғусини шакллантириш;

ёшларга буюк тарихимиз, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини чуқур тушунтириш, улар қалбида миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтириш;

ёшларнинг қалби ва онгига жонажон Ватанимизни ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканлиги, Ватан чақириғига доим шай туриш, юрт учун фидойи бўлиш лозимлигини чуқур сингдириш;

кенг жамоатчилик ва ёшларга Ватанимиз мустақиллиги, юртимиз барқарорлиги ва хавфсизлиги, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялашда миллий армиямизнинг ўрни ва аҳамиятини, жанговар салоҳиятини тушунтириш;

ёшларга оид давлат сиёсатининг моҳиятини, ёш авлод вакилларига кўрсатилаётган эътибор, уларнинг интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун яратилаётган шарт-шароитларни аниқ мисоллар билан тарғиб қилиш.

Аҳолини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва фуқаролик позициясини шакллантириш борасида профилактик ҳисобда турган, салбий иллатларга мойил ёшлар билан ишлаш жараёни янада жадаллаштирилди.

Ҳарбий қисмларнинг дала-ўқув майдонларида ўтказиладиган жанговар тайёргарлик машғулотлари ва тактик ўқувларда ёшлар иштироки таъминланмоқда. Жумладан, «Каттақўрғон» дала-ўқув майдонида Навоий вилоятида профилактик ҳисобда турган, салбий иллатларга мойил ёшлар билан «Қўмондон сабоғи» машғулоти ташкиллаштирилди. Маҳалла оқсоқоллари ва нуронийлар билан ҳамкорликда аҳоли ва ёшларни аждодларимизнинг тарихий мероси билан таништириш, кексаларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга маънавий кўмак бериш мақсадида манзилли ишлар амалга оширилмоқда.

Яқинда Навоий шаҳри Ҳаёт маҳалласида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Иброҳим бобо хонадонига Марказий ҳарбий округ қўмондонлиги офицерлари Навоий шаҳридаги 10-умумтаълим мактаби ўқувчи ёшлари билан биргаликда ташриф буюришди. Учрашувда отахон уруш йилларида ўзбек халқининг кўрсатган жасорати ва қаҳрамонликлари юзасидан ёшларимиз билан жонли мулоқот қилди.

Маҳаллаларда катта обрў ва ҳаёт тажрибасига эга, оиласи билан ўзгаларга намуна бўлаётган кекса отахон ва онахонлардан иборат «Фахрийлар кенгаши» аъзолари ҳарбий қисм ва муассасаларда меҳмон бўлишмоқда. Уларнинг панду насиҳатлари ҳарбий хизматчилар ва ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга катта ёрдам бермоқда.

Полковник Айбек САИДОВ,
Марказий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони

МАЛАКА

ПОЛИГОНДА МУЖАССАМЛАШГАН МАҲОРАТ МАКТАБИ

Марказий ҳарбий округга қарашли «Каттақўрғон» полигонида Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия ҳамда Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари мутахассислари иштирокида қўшма машғулотлар бўлиб ўтди.

Муаллиф суратга олган

Унда юртимиз осойишталигини таъминлаётган артиллерия нишонини йўналтирувчи мутахассислар бир неча кун давомида назарий ҳамда амалий машқларда ўз тажриба ва кўникмаларини оширдилар.

Тажрибали мутахассислар томонидан ҳарбий хизматчиларга картография, нишонга олиш ускуналаридан фойдаланиш, кундузи ва кечки вақтларда артиллерия нишонини йўналтириш бўйича назарий дарслар ўтилди. Уларга қандай ҳолатларда миномёт ва артиллерия ҳисобларидан якка ҳамда бир вақтнинг ўзида батарея ёки дивизионлар иштирокида ўт очиш ҳақида маълумотлар берилди.

Шунингдек, ҳарбий хизматчилар миномёт ва артиллерия нишонини йўналтириш бўйича компьютерлаштирилган тренажёрда шартли душман колоннасига ҳужум ташкиллаштириш машқларини бажардилар.

Мутахассислар артиллерия қўшинлари билан биргаликда машқларни бажариб, жанговар тайёргарлик бўйича отиш нуқталарида амалга ошириладиган жараён билан ҳам яқиндан танишдилар. Кейин Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия ҳамда Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг артиллерия нишонини йўналтирувчи мутахассислари белгиланган маррадан отиш машқларини бошқариб турди.

Кичик сержант Муҳиддин САМАДБОЕВ:

– Назарий ва амалий машғулотларда артиллерия қўшинлари қўмондонининг иштирок этиши, биз билан ўзининг қимматли тажрибасини ўртоқлашиши мақсадлар бир йўналишга қаратилганидан далолат беради. Бундан ташқари, артиллерия қўшинларида хизмат қилган фахрийларимизнинг йиғин давомида бевосита қатнашгани, берган маслаҳат ва ўгитлари биз каби ёш ҳарбий хизматчиларга тажриба мактаби бўлиши шубҳасиз. Артиллерия ва миномёт ҳисобларидан ўт очиш жараёнини турли нишонга олиш ускуналаридан кузатиб, белгиланган нишон нуқталари ҳақида маълумотларни бериб турдик.

Лейтенант Баҳромжон МИРЗАЕВ, Миллий гвардия қўшинлари гуруҳ командири:

– Ҳамкорликда ўтказилаётган машғулотлар Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самараси бўлиб, мазкур йиғин бизнинг амалий ва назарий билимларимизни такомиллаштириб боришда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, бир неча кун давомида ўтилган дастурлар бўйича олган тажрибамизни республикамиздаги энг катта полигонда отиш машқлари орқали синовдан ўтказиш ҳам ўзига хос маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилади.

Лейтенант Азизжон УМАРОВ, Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳ командири:

– Яқиндагина «Каттақўрғон» полигонининг фойдаланишга топширилгани ҳақидаги лавҳаларни томоша қилгандим. Мана, бугун айнан шу ерда машғулотлар жараёни иштирокчиси сифатида полигоннинг барча қулайликларга эга ва кенг имкониятларидан фойдаланиб турибман. Бу йиғин давомида олган билимларим келгусида хизмат бурчимни ўтаётган ҳарбий қисмдаги бошқа артиллерия нишонини йўналтирувчи мутахассисларнинг ҳам тажрибасини оширишида муҳим аҳамият касб этади.

Артиллерия нишонини йўналтирувчи мутахассислар иштирокидаги жанговар машғулотларни Нуробод, Каттақўрғон тумани ёшлари ва фахрийлар ҳам бевосита томоша қилдилар. Бу каби тадбирларга ёшларнинг жалб этилиши уларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Асрор РЎЗИБОЕВ, «Vatanparvar»

ХАБАРЛАР

МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ВА ЁШЛАР

Миллий гвардия қўмондонлиги ташаббуси билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар кенгаши ҳамкорлигида Ёшлар марказида «Янги Ўзбекистонни биргаликда қурамиз!» шиори остида туркум тадбирларни ўз ичига олган форум ташкил этилди.

Тадбир талабалар шаҳарчасининг ёшлари учун Миллий гвардия ва Қўриқлаш хизмати тизимида мавжуд ҳарбий техника, қурол-аслаҳа ва объектни қўриқлашга оид махсус воситаларнинг кўргазмаси билан старт олди. Мусиқий чиқишлар билан бир қаторда Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари – бокс бўйича Олимпиада ўйинларининг чемпиони Фазлиддин Ғойибназаров ҳамда профессионал боксда WBA ва IBF йўналишларида жаҳон чемпиони Муроджон Аҳмадалиев томонидан маҳорат дарси ўтказилди. Қисқа машғулотлар чемпион ва ёшларнинг дўстона суҳбатига уланди.

Шундан сўнг тадбир ташкилотчилари-ю иштирокчилари Маданият саройига – «Миллий гвардия ва ёшлар» учрашувига таклиф этилди. Унда Миллий гвардия қўмондонининг ўринбосари Ш. Шакиров, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи раисининг биринчи ўринбосари А. Жумабоев, Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти бошлиғи М. Рустамбаев, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар кенгаши раиси Д. Раҳимова ва бошқалар сўзга чиқди.

Миллий гвардия қўмондонлиги иштирокидаги бошқа учрашувлардан фарқли равишда мазкур тадбирда эътибор ёшларнинг кўплаб таклиф ва муаммолари ечимига қаратилди. Ёзма тарзда келиб тушган мурожаатлар бўйича эса Миллий гвардия қўмондонлигининг ишчи гуруҳи ташкил этилди.

Миллий гвардия билан ёшлар масалалари йўналишида доимий ҳамкорлик ўрнатган ташкилот вакиллари ва фаол ёшлар эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Мазкур форум ҳарбий хизматчилар ва фаол ёшлар иштирокидаги махсус флешмоб билан ўз якунига етди. «Гвардия ва ёшлар» флешмоби давомида ёшлар ҳарбий хизматчилар билан яқиндан мулоқот имкониятига эга бўлдилар.

Бу каби учрашувлар республикамиз бўйлаб давом этмоқда.

Оддий аскар Нафосат ЗАФАРОВА,
Миллий гвардия медиа маркази
ҳарбий хизматчиси

«ВАТАНГА ҚАСАМЁД» МОНУМЕНТИ ПОЙИДА

Ўзбекистон «Ветеран» жангчи-фахрий ва ногиронлар жамоатчилик бирлашмаси, Мудофаа вазирлиги фахрийлари, ҳарбий хизматчилар, Юнусобод туманидаги Ёш волонтёрлар мактаби тарбияланувчилари, Сергели тумани «Жасорат» тўғараги ёшлари Қуролли Кучлар давлат музейи майдонида жамландилар.

Улар «Ватанга қасамёд» монументи пойига гулчамбарлар қўйиб, юрт осойишталиги йўлида ва Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ватандошларимизнинг хотирасини ёд этдилар. Музейнинг анжуманлар залида ёшлар ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги бадиий чиқишлар намойиш қилди.

Шундан кейин самимий суҳбат жанггоҳларда кечган воқеаларга уланди. Бугунги кунлар қадри, ота-боболар жасорати, мардлик ва ватанпарварлик ҳақида сўз юритилди.

Камолиддин АСРОР

ЙИҒИН

ҲАРБИЙ ТИББИЁТНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

> Инсон тоби қочганда, тиббиёт ходими нажот фариштасидек кўринади. Беморга нажот берувчи эса чуқур тиббий билим ва малакага эга бўлиши керак.

Муаллиф суратга олган

Мудофаа вазирлиги тиббий таъминот хизмати раҳбарияти таркибининг пойтахтимизда ўтказилган уч кунлик ўқув-услубий йиғини айни масалаларга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

Дастлаб Қуролли Кучлар академиясида ташкил этилган йиғинда вазирликнинг тиббий таъминот бошқармаси, барча ҳарбий округлар бошқарув аппарати тиббий таъминот хизмати, Марказий ҳарбий санатория ва ҳудудий ҳарбий госпиталлар, ҳарбий-тиббий комиссия, тегишли лаборатория ва поликлиника бошлиқлари Президентимизнинг Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши ва Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳияти хусусида фикр алмашди.

Тадбирда таъкидланганидек, шифокорларнинг жамиятдаги ўрни ва мақомини ошириш, улар учун муносиб меҳнат шароитини яратиш, мажбурий тиббий суғуртага оид қонунлар қабул қилиш, дори воситалари ҳаракатини назорат қилиш, контрафакт маҳсулотлар айланишига чек қўйиш, дориларнинг нархини онлайн тартибда кузатиб бориш бўйича амалий чора-тадбирлар кўриш талаб этилмоқда. Шунингдек, қатор госпиталь ва ҳарбий қисм тиббиёт пункти биноларини янгидан қуриш, капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш орқали бўлинмалар инфратузилмаси такомиллаштирилаётгани қайд этилди. Уларни тиббий техника, жиҳозлар, санитар автомобиллар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Ҳарбий тиббиёт таълими жараёнида ёш кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, бу борада халқаро ҳарбий ҳамкорликни кучайтириш, тор тиббий мутахассисликлар бўйича илмий тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш, инсон саломатлигининг ҳарбий хизматга яроқлилигини кўрикдан ўтказиш, ҳудудларда мобиль ҳарбий-тиббий комплексларни ташкиллаштириш ишларини изчил давом эттириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Маърузаларда Мудофаа вазирлиги қўшинлари тиббий таъминотининг ўтган ўқув йилидаги сарҳисоби ва келгусида ҳарбий тиббиётни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари муҳокама этилди. Жумладан, моддий-техник база, даволаш-диагностика ва соғломлаштириш ишларининг ҳолати, соҳага оид қонун, қонуности ва вазирлик бошқарув ҳужжатлари талабларининг ижроси атрофлича таҳлилга тортилди. 2020 йилда вазирлик қўшинларини дори-дармон, тиббий мол-мулк ва жиҳозлар билан таъминлаш, санитария осойишталиги бўйича олиб борилган тадбирлар самарадорлигини ошириш бўйича зарур кўрсатмалар берилди.

– Ўтган йили Умумармия ўйинларининг «Ҳарбий-тиббий эстафета» мусобақасида олий ўринни эгалладик ва жорий йилда ҳам «Фориш» полигонида ўтказиладиган ушбу беллашувга пухта тайёргарлик кўрилади, – дейди Мудофаа вазирлиги тиббий таъминот бошқармаси бошлиғи тиббий хизмат полковниги Абдувоҳид Азимов. – Йил адоғига қадар 5 та мобиль ҳарбий-тиббий комплекс яратилиб, барча тор мутахассислар имкон қадар беморга яқин жойда тез тиббий ёрдам кўрсатади. Бу комплекслар орқали округ гарнизонларида тиббий хизмат бошлиқлари мунтазам равишда тренинг машғулотини олиб боради. Ҳарбий қисм ва муассасаларда санитария-эпидемиология назорати ҳамда ветеринария хизматлари, авиация тиббиётини ривожлантириш долзарб масалалардан бири бўлиб турибди.

– Танқидий-таҳлилий руҳда ўтган йиғинда тиббиётнинг қуйи бўғинлардаги долзарб муаммолари кун тартибига қўйилди, – дейди Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бошлиғи ўринбосари тиббий хизмат полковниги Баҳодир Абдулаҳадов. – Хусусан, вазирликнинг тиббий таъминот бошқармаси раҳбарияти томонидан ҳарбий қисмлардаги шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишда қўлланиладиган шкаф-жавонларнинг бутлиги, ходимларнинг билим-савияси, ютуқ ва камчиликлар мониторинги натижалари маълум қилинди. Шундан келиб чиқиб, жорий йил ҳарбий тиббиёт ходимлари учун «Касбий юксалиш йили» деб белгиланди. Бутун дунёда армия куч-қудрати учта асосий тамойил – жанговар, жисмоний ва албатта, ҳарбий-тиббий тайёргарликка асосланади. Ҳарбий хизматчилар орасида соматик касаллик (ўлим ҳолати) кузатилмаслиги дунё мамлакатларининг тиббий таъминот даражасини белгилайди. Зотан, ҳарбий хизматчиларнинг соғлиғини авайлаб-асраш долзарб вазифамиздир.

Йиғиннинг иккинчи куни «Ҳарбий тиббиётнинг долзарб масалалари» мавзусидаги I илмий-амалий анжуман билан бошланди. Тошкент шаҳридаги Инҳа университети мезбонлик қилган анжуманда Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия тиббий таъминот бошқармаси ва марказий поликлиника мутасаддилари ҳам иштирок этди.

Тадбирда «Жанг майдони ва фавқулодда вазиятларда ярадорларга жарроҳлик ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш йўллари», «Ярадор ва беморларни оммавий қабул қилишда шифохоналар ишини ташкил этиш», «Тинчлик вақтида жароҳатланган ва беморларни эвакуация қилиш», «Ҳарбий хизматчиларда рабдомиолиз натижасида келиб чиқадиган ўткир буйрак шикастланиши», «Ҳарбий хизматга чақирилувчиларда қон касалликларини эрта аниқлашнинг долзарб тамойиллари» сингари мавзулардаги маърузалар йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Инновацион ғоя ва технологияларнинг тиббиёт соҳасида тутган ўрни рақамли тиббиёт билан бевосита боғлиқ. Йиғин доирасида ҳарбий тиббиётда фойдаланишга мўлжалланган замонавий тиббий жиҳоз ва асбоб-ускуналар кўргазмаси намойиш этилди. Самимий мулоқот ва савол-жавоб тарзида ўтган анжуманда соҳадаги муаммоларнинг ечимига қаратилган таклиф ва хулосалар ишлаб чиқилди. Анжуман сўнгида барча қатнашчиларга сертификат топширилди.

Тошкент гарнизони тиббиёт хизмати фахрийлари билан учрашувдан сўнг ҳарбий шифокорлар йиғини ўз якунига етди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
«Vatanparvar»

СИЁСИЙ ШАРҲ

МЮНХЕН АНЖУМАНИ:

дунё хавфли оқимда

Эрондан Гонконгача, Украинадан Ливиягача халқаро зиддиятлар авж олган бир пайтда дунё етакчилари 14-17 февраль кунлари Германияда уч кунлик Мюнхен Хавфсизлик конференциясида қатнашди. Коронавирус эпидемияси ва глобал иқлим ўзгариши йиғинда муҳокама қилинадиган масалалар рўйхатидан ўрин олди.

Хавфсизлик бўйича Мюнхен анжумани 14 февралда 56-марта ўз ишини бошлади. Анжуманга унинг кўп йиллик раиси Вольфганг Ишингер бошчилик қилди. У ҳозирги даврни «жазоланмаслик даври» деб атаб, давлатлар «бир-бири ҳақида эмас, балки бир-бири билан гаплашиши кераклиги»ни айтди. Ишингер БМТ каби халқаро институтларни бу борадаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга чақирди.

Анжуманда 800 дан кўпроқ делегат, жумладан 150 тага яқин давлатнинг раҳбарлари, бош вазирлари ва ҳукумат аъзолари иштирок этди. Мюнхен анжумани 1963 йилда НАТО-га аъзо давлатлар мудофаа вазирликлари вакилларининг йиғилиши сифатида ташқил этилган. Ҳозирда халқаро анжуман ўнлаб давлатларнинг сиёсатчилари, дипломатлари, ҳарбийлари, тадбиркорлари, илм-фан ва жамоат арбоблари учун халқаро мунозара майдонига айланган. Анжуман анъанавий равишда Мюнхеннинг тарихий марказида жойлашган «Bayerischer Hof» меҳмонхонасида бўлиб ўтди. Унда асосий эътибор Яқин Шарқ, Арктика, Болқон, Қора денгиздаги вазиятларга, энергия хавфсизлиги ва киберхавфсизлик, қуролланишни назорат қилиш масалаларига қаратилган. АҚШ Мюнхенга Давлат котиби Майк Помпео ва мудофаа вазири Марк Эспер етакчилигида катта делегация жўнатди. Вашингтон бу билан дунёдан узилиб қолмаганини кўрсатди. Айни пайтда АҚШ сўнгги чорак асрда Европадаги энг катта ҳарбий машғулотларини бошлаяпти. АҚШ Европадан узоқлашяпти, деб айтаётган пайтимизда буни ҳисобга олиш лозим.

Вашингтон Мюнхенда Эрон масаласини ҳам кўтарди. Шу йил бошида АҚШ дрон орқали Ироқда Эрон генерали Қосим Сулаймонийни ўлдиргандан бери минтақа нотинч. Конференция мезбони Волфганг Ишингер эса Эрон ядро битимига оид келишувни қайта жонлантиришдан умидвор. Сулаймонийнинг Ироқ ҳудудида ўлдирилиши Бағдодни ҳам норози қилди. Ироқ парламенти беш минг кишилик АҚШ қўшинларини мамлакатдан чиқариш ҳақида қарор чиқарди. ИШИДга қарши Ироқ аскарларини тайёргарликдан ўтказишни НАТО ўз зиммасига олмоқчи. АҚШ мудофаа вазири Марк Эсперга кўра, бу таклиф Вашингтонга маъқул.

Суриядаги ихтилоф Яқин Шарқнинг энг оғриқли нуқтаси бўлиб қолмоқда. Анқара яқин икки ҳафта ичида ўлдирилган турк аскарлари учун Дамашқдан ўч олинишини айтди ва шундай ҳам қилди. Ливиядаги уруш ҳам Европа кўриб чиқадиган масалалар рўйхатида. Афғонистондаги тинчлик музокараларида силжиш борлиги хабар қилинмоқда. АҚШ ва «Толибон» келишувга яқин турган бўлиши мумкин.

Анжуманда Хитой ташқи ишлар вазири қатнашди. Коронавирус эпидемияси, Гонконгдаги намойишлар ва Хуавей компаниясига нисбатан мавжуд халқаро қаршилик конференцияда муҳокама қилинди. Бу орада Россиянинг Шарқий Украинада исёнчиларни қўллашда давом этаётгани Европани безовта қилмоқда. Франция яқинда Москва билан мулоқотни қайта бошлашга чақирди. Дунёда зиддиятлар кучайиб борар экан, халқаро ҳамжамият етакчилари уч кун Мюнхен марказидаги меҳмонхонада келажак ҳақида баҳс олиб борди.

Яқин Шарқ ва Афғонистон каби уруш олови сўнмаётган ҳудудлар сафига Ироқ, Судан, Миср, Ливия, Сурия, Мали каби мамлакатлар қўшилиб, нотинчлик, беқарорлик ўчоқлари йилдан йилга кўпайиб бораётган экан, бу ҳол дунёга уйғоқ боқаётган, соғлом фикрли ҳар бир инсонни ташвишлантирмасдан қўймайди. Ер юзида яна қуролланиш пойгаси авжига чиқмоқда. Айниқса, араб давлатларидаги қуролланган ихтилофлар катта молиявий зарарга олиб келди. Жаҳон банки раҳбари ўринбосари Маҳмуд Муҳиддиннинг маълум қилишича, 2010 – 2018 йиллардаги Сурия, Ливия ва Ямандаги ихтилофлардан араб оламига етказилган зарар 900 млрд долларга етган.

АФҒОНИСТОН БАРЧА УРУШЛАР ОНАСИ

Аслида Афғонистон уруши бошқа барча зиддиятлар, ихтилофларнинг «онаси»га айланиб боряпти. Шунинг учун Вашингтон ҳам толиблар билан ўт очишни тўхтатиш борасида музокараларни давом эттирмоқда. Мюнхен анжумани олдидан АҚШ ва «Толибон» зўравонликни етти кунга тўхтатиш бўйича музокара ўтказган. НАТО етакчилари Брюсселда Афғонистондаги вазиятни муҳокама қилиши ортидан Трамп маъмурияти бу маълумотни тасдиқлади. Сўнгги хуружда икки АҚШ аскари ҳалок бўлгач, мудофаа вазири Марк Эспер АҚШ ва «Толибон» биргаликда Афғонистонда зўравонликни камайтириш таклифини олға сурганини эълон қилди. Эспер келишув тафсилотларига тўхталмади, аммо бу муддат «Толибон»нинг тинчлик ҳақида жиддий ўйлаб кўриши учун етарли эканига ишонишини айтди. «Бизнингча, етти кун етарли муддат. Лекин қарашимиз шуки, бу жараён давом этишининг шартлари бор», деди мудофаа вазири. Пентагондаги етакчи расмийлардан бирининг айтишича, «Толибон»нинг ўз сўзида қанчалик самимий эканини аниқлаш учун АҚШ вазиятни яқиндан кузатмоқда.

Трамп маъмуриятига кўра, вақтинчалик сулҳ «Толибон ва Кобул ўртасида музокараларни бошлаш йўлида қўлга киритилган муҳим муваффақият. Президент Трамп туганмас урушларга, жумладан, Афғонистондаги урушга якун ясаш ниятида эканини айтиб келади. Аммо экспертлар «Толибон» билан келишишда эҳтиёт бўлиб, буни маълум шартлар эвазига амалга оширишни сўрамоқда. Акс ҳолда, дейди улар, АҚШ кучлари ва иттифоқчилари жанг майдонида оғир оқибатлар билан юзлашиши мумкин. Мудофаа вазири Эспер ва АҚШ қўмондонларининг айтишича, улар Афғонистондаги Америка кучлари сонини 8 600 га туширишга рози. Агар зўравонликни тўхтатиш бўйича сулҳ натижа берса, АҚШ аскарларини камайтириш режаси ҳам амалга ошади.

ҲАРБИЙ БАЛАНС ҚАНДАЙ?

Мюнхенда хавфсизлик анжумани арафасида 2019 йилда мудофаага энг кўп пул сарфлаган 15 та давлат рейтинги тақдим этилди. Халқаро стратегик тадқиқотлар институти анжуманда «Ҳарбий баланс» деб номланувчи ҳисоботни тақдим қилган. Жумладан, ҳисоботдан давлатларнинг мудофаага ажратган харажатлари рейтинги ҳам ўрин олган. Рейтингга кўра, 1-ўринни АҚШ эгаллаган. Ушбу давлат 2019 йилда мудофаага 684,6 млрд доллар сарфлаган. 2-ўринни 181,1 млрд доллар билан Хитой, 3-ўринни 78,4 млрд доллар билан Саудия Арабистони эгаллаган. Бир йиллик мудофаа харажатлари 61,6 млрд долларни ташкил қилган Россия бу борада 4-ўринни, Ҳиндистон эса 60,5 млрд доллар билан 5-ўринни эгаллаган. Кейинги ўринларни Буюк Британия (54,8 млрд доллар), Франция (52,3 млрд доллар), Япония (48,6 млрд доллар), Германия (48,5 млрд доллар), Жанубий Корея (39,8 млрд доллар), Бразилия (27,5 млрд доллар), Италия (27,1 млрд доллар), Австралия (25,5 млрд доллар), Исроил (22,6 млрд доллар) ва Ироқ (20,5 млрд доллар) эгаллаган. Мутахассисларнинг айтишича, АҚШнинг мудофаага сарфлайдиган харажатлари 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 6,6 фоизга ўсган ва охирги 10 йил ичида энг максимал қийматни ташкил қилган. Хитойнинг сарф-харажатлари ҳам 6,6 фоизга ўсган. «Хитойнинг ҳарбий модернизацияси кўлами ва тезлиги ҳайратлантиради. Россия ҳам янада инновацион ва тезкор қурол ишлаб чиқармоқда ва уни Сурияда синамоқда», дейилган ҳисоботда. Шу нуқтаи назардан, бугун дунёни уммонда чайқалиб турган улкан кемага қиёслаш мумкин. Айниқса, йирик давлатларнинг у ёки бу минтақада таъсир доирасини кенгайтириш учун олиб бораётган курашлари, ядро қуролларини такомиллаштираётгани, ҳарбий харажатларнинг ошиб бораётгани кўпчиликни хавотирга солмоқда. 2019 йилнинг 2 август куни АҚШ ва Россиянинг «Ўрта ва қисқа масофага учувчи ракеталарни йўқ қилиш тўғрисида»ги шартномасидан расман чиқиши, айниқса, Европада кучли акс-садо берди. Чунки ўртада низо чиққудек бўлса, бундан биринчи навбатда, «кўҳна қитъа» азият чекади.

ЭЙНШТЕЙН НИМА ДЕГАН ЭДИ?

Албатта, ракеталар шартномасидан чиқиб кетиш қуролланиш пойгасига кўр-кўрона эргашиш маъносини англатмайди. Вашингтон ҳам, Москва ҳам «совуқ уруш» давридагидек қуролланишга зўр бермайди. Масалан, Кремль ўз хавфсизлигини таъминлашнинг арзон йўлларидан боришини ошкор қилди. Ахир, қуролланиш пойгасининг иқтисодий оқибатлари ҳар доим ҳам аянчли бўлганини Москва унутганича йўқ. Дунёни 70 йил давомида ўзининг «тинчликсевар» сиёсати ва ҳарбий қудрати билан зир-зир титратиб келган СССР парчаланиб кетишининг сабабларидан бири ҳам қуролланиш пойгаси бўлганди.

XX асрнинг буюк олими Альберт Эйнштейндан «III жаҳон урушида қандай қурол қўлланилади?» деб сўраганларида: «Билмадим, лекин IV жаҳон урушида ягона восита – тошдан ясалган болта бўлади», деб жавоб берган экан. Бу билан XX асрнинг буюк физиги агар ядро замонасида III жаҳон уруши содир бўлса, унинг оқибатида инсониятнинг ҳалокатга учраши ва Ерда ҳаётнинг сўниши образли қилиб айтилади.

Бу сўзлардан сўнг ўтган давр мобайнида оммавий қирғин қуроллари янада кўплаб ишлаб чиқарилди ва такомиллаштирилди. Натижада XX асрнинг 80-йиллари охирига келиб тўпланган ядро қуролларининг захираси 50 минг мегатон тринитритолдан ошиб кетдики, бу II жаҳон урушида қўлланган барча турдаги портловчи қуроллардан 10 минг марта кўп демакдир ёки бошқача айтганда, мавжуд бўлган 65 мингдан зиёд ядро портлагичлари билан Ер юзи аҳолисини 50 марта йўқ қилиб ташлаш мумкин. Ёки сайёрамиздаги ҳар бир киши бошига 3,5 тоннадан портловчи модда тўғри келади. Мухтасар айтганда, тарихдан аччиқ хулоса чиқариш, кўзни очиш вақти аллақачон етиб келган.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДА ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА

ГЕНЕРАЛНИ УШЛАГАН БОТИР

Азизқул Бобоевнинг болалик чоғлари Самарқанд областининг гўзал Панжакент қишлоғида ўтди. У шу ерда туғилиб ўсди ва вояга етди. Отаси Азизқулни саккиз ёшга тўлиши билан мактабга ўқишга беради. Азизқул зийрак, чаққон ва фаросатли бола бўлгани учун барча фанларни аъло даражада ўзлаштиради.



Кунлардан бирида унинг ўқитувчиси Азизқулнинг ишдан қайтиб келаётган отасини тўхтатиб, унга шундай дейди:

– Ота, ўғлингиз ё бир олим бўлиб чиқади, ё Рустам каби қаҳрамон бўлиб довруқ таратади.

Азизқул дарслардан ўзиб кетганлиги сабабли уни тез-тез синфдан синфга ўтказишарди. Кўчган сари келажакда ким бўлишини ўйлади ва охири инженер бўлишга қаттиқ қарор қилди.

Агар уруш бошланмаганида, у ўз мақсадига албатта эришган бўларди. Азизқул туғилиб ўсган қишлоғини, қуёшли Ўзбекистонини узоқларда қолдириб, ўз тенгқурлари қатори жанг майдонига қараб йўл олди.

Азизқул жангларда ўзининг ботир юрак ва эпчил йигит эканлигини бир неча маротаба кўрсатади. Шунинг учун дастлаб қизил аскар, сўнгра взвод командири, бориб-бориб рота командирлиги даражасигача кўтарилди.

Азизқул Бобоев ротаси ҳужумга энг олдинги қаторда бораётиб, бир қалин ўрмон чеккасига етганда, номаълум томондан немис автоматининг овози эшитилди. Бир неча жангчиларни ёнига олиб, ўрмон ичкарисига разведка қилишга боради ва бу ерда душман томонидан қолдирилган бир неча автоматчи-пистирмачиларнинг борлигини аниқлади.

Шундан сўнг Азизқул ўз ротасидаги жангчиларни учга бўлиб, душман пистирмачиларини уч томондан ўраб олади ва уларнинг деярли ҳаммасини асирга туширади.

Кечаси соат учлар чамаси эди. Азизқул разведкачиларни олиб, душманнинг орқа томонига ўтиш тўғрисида буйруқ олади. Қалин ўрмонга етиб келишганида унинг ичкарисида қандайдир машина турганлигини аниқлашади. Азизқул икки аскарни олиб, машина яқинига келганда унинг олдинги томонида букчайган ҳолда ҳаракат қилаётган кишини кўрди. Бу машинасини тузатаётган шофёр бўлса керак, деб ўйлади.

Уни тирик ушлаш учун машинага яқинлашганларида унинг ичида бир семиз немис хуррак тортиб ухлаб ётганини кўришди. Дастлаб аскарлар шофёрни ғиппа бўғишди. Азизқул эса ухлаб ётган немисни қўлидаги йўғон таёқ билан туртиб уйғотди. Чўчиб уйғонган немис дарҳол ёнидан тўппончасини чиқарди. Азизқул қараб турмай қўлидаги таёғи билан унинг қўлига урди. Тўппонча калтак зарбидан ерга тушди. Азизқул шу ондаёқ ерга тушган тўппончани олди. Немис Азизқулнинг биринчи буйруғи биланоқ қўлини кўтарди. Қўлини осмонга кўтариб, безрайиб турган бу лаънати немис генерал-майор экан.

Азизқул генерал ва шофёрни асирга олиб, қисм штабига топширди. Шундан кейин Азизқул Бобоевнинг довруғи ёйилиб кетди. Ҳамма немис генералини тирик олиб келган Бобоев тўғрисида сўзлар эди.

Орадан бир неча кун ўтгач, қисм командири келиб, кўпчилик олдида шундай деди:

– Ўзбек халқининг довюрак ўғли, ўртоқ Бобоев! Сизнинг қаҳрамонлик билан кўрсатган хизматларингизни тақдирлаб, қўмондонлик сизни ҳукумат олий мукофоти – «Қизил Байроқ» ордени билан мукофотлади. Сизни бу олий мукофот билан табриклайман ва келажакда Ватанимиз душманларига қарши яна ҳам мардона туриб курашишингизга ишонаман.

Ўзбек халқининг Азизқул Бобоев каби Ватан уруши майдонидаги ўғилларига минг маротаба шон ва шарафлар бўлсин!

Лейтенант Т. МУҚАНОВ

«Қизил аскар ҳақиқати» газетасининг 1945 йил 15 март, 17-сонидан

«ЎҚ ОВҚАТДАН АЗИЗРОҚ ЭДИ»

Иккинчи жаҳон урушининг қонли жанглари тошкентлик Акмал Акромовнинг кўз ўнгида худди кино тасмаларидек гавдаланади. Чунки урушда қозонилган буюк ғалабада унинг ҳам ҳиссаси бор. У 1941 йил ноябридан 1945 йилнинг августига қадар жанггоҳларда жасорат кўрсатган, жон олиб, жон бераёзган.

Фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги арафасида Республика Ҳарбий прокуратураси ва Қуролли Кучлар академияси вакиллари билан II жаҳон уруши қатнашчиси Акмал Акромовнинг хонадонида бўлдик. Машъум уруш воқеаларини 96 ёшли отахон шундай хотирлайди:

– Уруш аввалида ҳарбий хизматга чақирилганлар сафидан мени чиқариб юборишди, – дейди қаҳрамонимиз. – Она сути оғзидан кетмаган болакай экан, дейишган бўлса ҳам, яна қайтиб сафга қўшишларини илтимос қилдим. Розилик олдим. Сўнг Тошкентнинг собиқ Троян муюлишида жойлашган Ленин номидаги махсус билим юртида генерал Петров бошчилигида бизга 1 ой мобайнида жанговар билим ва амалий кўникмалар ўргатилди. Кейин Фарғонада, Қизилқиядаги кавалерия полкида махсус қарши ҳужум уюштириб, дезертир (қочоқ)ларни қўлга олдик. Менга «сержант» ҳарбий унвони берилди. Вақтинчалик тусдаги казармамиздан кечаси соат тўртда келган қизил поездларда Сталинград бўсағасидаги жангга жўнадик. Ундан сўнг Курск водийсини қамалдан озод этдик. Днепр дарёсини кечиб ўтиб, жангларда бирин-кетин ғалаба қилавердик, фақат олға бордик!

«Кекса жангчи»миз бир йилу олти ой қўшиннинг олдинги сафларида юриб, оғир ярадор бўлган. Жароҳати туфайли Красноярск госпиталида оёғи операция қилиниб, олти ой деганда яна қуролдошлари сафига қайтган. Турли госпиталларда даволаниш даврида ҳам у ҳарбий шаҳарчаларнинг хўжалик бошқаруви ишларини амалга оширган. Украинани озод этишдаги хизматлари учун жанговар медаль билан тақдирланган.

Муаллиф суратга олган

Урушдан қайтгач, Тошкент молия институтида таълим олиб, узоқ йиллар давомида Вазирлар Маҳкамасида юқори лавозимларда хизмат қилди. Ҳозир Акмал отанинг кўксини йигирмадан ортиқ жанговар орден ва медаллар безаб турибди. Мустақиллик даврининг дориломон кунларида Акмал бобонинг кечмишлари унутилмас тарихга айланди.

– Урушга борганимизда, ўқни овқатдан азиз кўриб, беркитиб юрар эдик. Чунки жон омон қолиши учун аввало ўқ муҳим эди. Ўқни сақламасанг, милтиқнинг кераги йўқ, – дейди бобо.

– Ўшанда қўшинлар таркибида бошқа давлатларнинг фуқаролари билан бирга жангга кириб, қуролдош бўлгансиз. Улар билан қандай тил топишгансиз? – сўрайман қизиқсиниб.

– Бизнинг ротада, бўлинма, взводимизда мен ягона ўзбек эдим. Аммо арман, қозоқ, рус... ҳаммамиз аҳил эдик. Жанговар турмуш тарзи ҳамжиҳатликка, осон тил топишимизга ундаган, мажбур қилган. Ҳатто ҳеч ким бир-бирига тескари қараб овқатланмасди. Аксинча, косамизга меъёридан кўпроқ сузилган луқмани атрофдагиларга бўлишиб, тенг баҳам кўрганмиз.

Академиянинг «Жисмоний тайёргарлик ва спорт» кафедраси ўқитувчиси майор Собир Ўрозов отахонга ярми ҳазил, ярми чин савол билан юзланди:

– Забардастлигингизга қараганда, ҳозир ҳам спорт билан шуғулланасизми, дейман-да?

– Бу сир эмас (кулади). Эрталаб соат олтида туриб, бадантарбияга алоҳида вақт ажратаман. Спорт инсонга яшовчанлик имкониятини беради.

– Келинойимиз билан қачон танишгансиз?

– Турмуш ўртоғим билан 1954 йилда танишиб, олтмиш йил бирга яшадик. 2014 йилда вафот этди, тўрт фарзандимиздан эса бир ўғил, бир қиз қолди. Ҳозир улар, 17 невара, 14 эвара ва 4 чевара ҳаётимга мазмун бағишламоқда.

Ўшанда мен билан урушга 16 киши кетган бўлса, атиги олтовлон Ватанга қайтдик, қолгани жанггоҳда жон берди. Мустақиллик даврида уруш қатнашчиларига иззат-икром, эътибор кучайди. Кўчалар урушда қатнашганлар шарафига номланмоқда. Турли байрам тадбирларида азиз меҳмон бўляпмиз. Айниқса, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан II жаҳон уруши қатнашчилари 18 кун давомида Макка ва Мадина шаҳарларини зиёрат қилиб қайтдик. Муборак шаҳар шайхлари Юртбошимиз ҳурмати учун бизни манзират билан меҳмон қилиб, шахсан кузатиб қўйди. Замонавий шароитларга эга санатория ва соғломлаштириш масканларидан қадамимиз узилгани йўқ. Бунга доим шукрона айтамиз. Бизни улуғлаётганлар ҳеч қачон кам бўлмасин!

Дилшод ШУҲРАТОВ

АЖДОДЛАР ЖАСОРАТИ – ЁШЛАРГА ЎРНАК

1944 йилнинг 23 декабри. Чехословакия ҳудудида олиб борилаётган жангларда катта лейтенант Амирали Саидбеков ротаси немис фашистлари билан юзма-юз келди. Ортга чекинаётган душман яраланган қашқир янглиғ ўзини ҳар томонга урар, жон-жаҳди билан ҳимоя қиларди. Жасур командир душман мудофаасини ёриб ўтишга қарор қилди. Бунинг учун нафақат жасорат, балки ўзига хос ҳийла ва тадбир керак, йўқса, қурбонлар сони ортиши мумкин. Командирнинг вазифаси – нафақат қўл остидаги аскарларни жангга йўллаш, балки ўз ўрнида ҳимоя қилиш ҳам. Душманнинг заиф нуқтаси аниқланди, жанг режаси ишлаб чиқилди. Рота аскарлари командирнинг буйруғига шай.

МУАЛЛИМ... КОМАНДИР... ҚАҲРАМОН

Қутилмаган ҳужумдан фашистлар эсанкираб қолди. Катта лейтенант Саидбеков душман мудофаасини ёриб ўтди. Рота жангчилари фашистлар эгаллаган қишлоққа бостириб кириб, душман аскарлари гуруҳини асосий кучлардан ажратиб қўйди ва қириб ташлади. Тирик қолганлари асирга олинди. Бешта тўп, 25 дан ортиқ автомат ва милтиқлар қўлга киритилди.

Навбатдаги режа – кейинги аҳоли пунктини ишғол қилиш. Душманнинг нафас ростлашига йўл қўймаслик керак, шундагина ғалаба таъминланади. Жангларда тобланган, ортга чекинмас командирнинг шахти сабаб, ротанинг бу галги ҳаракати ҳам самарали кечди. Фашистлар билан тўқнашув давомида у яраланди, бироқ жангни тарк этмади. Унинг иродаси ва даъвати боис, қишлоқ фашистлардан озод этилди. Асирлар, қўлга киритилган жанговар қуроллар катта лейтенант Саидбеков ротасининг жасорати ва ғалабаси самараси эди...

ҚАҲРАМОН УЛҒАЙГАН ГЎША

Маҳобатли тоғлар билан ўралган хушманзара Сўх туманининг Қалъа қишлоғидамиз. Бу ерга етиб келишнинг ўзи бўлмади. Чунки Фарғона вилоятининг Сўх туманига бориш учун Қирғизистон Республикаси чегара ҳудудидан ўтишга тўғри келади. Бир қатор расмиятчиликлардан сўнг, ниҳоят кўзланган манзилга етиб келдик.

Бизни бу ерга чорлаган асосий мақсад – Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамони Амирали Саидбеков ҳақида мақола тайёрлаш. Қалъа қишлоғидаги камтаргина хонадонда қаҳрамоннинг волидаи муҳтарамаси Шарифа ая умргузаронлик қилган. Жанггоҳга отланган икки ўғли – Бобожон ва Амиралининг йўлига кечаю кундуз дуолар ила кўз тутган. Бугун бу гўша Шарифа аянинг набираси Доҳиятхон опанинг фарзанди ва набиралари билан обод.

Ушбу табаррук хонадонда Совет Иттифоқи Қаҳрамони Амирали Саидбековнинг уй музейи ўрин олган. Йиллар давомида сарғайиб кетган, турли тилларда чоп этилган ўттизга яқин газета ва журналлар, китоблар орқали қаҳрамон йигитнинг жанглардаги жасоратига гувоҳ бўласиз. Абдулла Қодирий бобомиз «Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлидир», деганларидек, Амирали Саидбеков босиб ўтган йўллар кўз олдингизда беихтиёр намоён бўлад.

ЭЪТИРОФ ТОПГАН ЁШ МУАЛЛИМ

1920 йил, Сўхнинг Қалъа (баъзи манбаларда Равон) қишлоғида камбағал деҳқон Тош Саидбек оиласида иккинчи ўғил дунёга келди. Унинг туғилгандаги жарангдор «инга»си тоғларни уйғотган бўлса, ажабмас. Чунки баҳодирлар туғилганда, тоғ-тошларга қадар жон киради, дейишади. Амирали болалик чоғлариданоқ ўта зукколиги билан тенгқурларидан ажралиб турган. Сўҳдаги етти йиллик мактабни тугатган йигитча яна билим истади. Тожикистоннинг Кўлоб вилояти Балжувон туманида ўқитувчилик қилаётган акаси Бобожоннинг олдига борди. У ўқишини педагогика техникумининг кечки бўлимида давом эттириш баробарида, бошланғич синфларга дарс бера бошлади. Тиниб-тинчимас, ғайратли ва билимдон Амирали кўп ўтмай, мактабга директор этиб тайинланди. Аҳолини саводли, маърифатли этишдаги жонбозлиги учун Тожикистон Республикаси юқори органлари томонидан фахрий ёрлиқ билан тақдирланади. 1939 йили эса ўн тўққиз ёшга қадам қўйган Амирали армия сафига чақирилди. Хизмати давомида кичик офицерлар курсини тамомлаган йигит взвод командири вазифасида 1939-1940 йилларда Совет – Фин урушида иштирок этди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланганида Амирали хизмат қилаётган қисм мамлакатнинг ғарбий чегараларида турарди. Шу сабаб, уруш бошланган куннинг эртасигаёқ улар фашист босқинчиларига қарши жангга киришди. Дастлаб, 144-денгиз пиёда батальони таркибида рота командири бўлган катта лейтенант Саидбеков 1945 йил бошида 325-ўқчи полкининг (144-Украина фронти) рота командири этиб тайинланди. Чехословакия ва Польшани озод қилишдаги жангларда иштирок этиб, ўзининг жасоратга қодир, баҳодирлигини намоён қилди.

УНУТИЛМАС ЖАНГ ЛАВҲАЛАРИ

Дорогомисль районидаги қишлоқ уйларига пулемётлар ўрнатиб, ўз мудофаасини мустаҳкамлаб олган немис фашистлари 1945 йилнинг 8 март куни бизнинг қўшинларга қаттиқ қаршилик кўрсатди. Шунда моҳир командир Амирали Саидбеков ўз ротаси билан пулемёт нуқталарини аниқлаб, икки уйни эгаллади. Жон-жаҳди билан қарши ҳужумга ўтган душман Саидбеков ротасини айланиб ўтиб, қуршаб олди. Рота жангчилари моҳир командир бошчилигида душман ҳужумини қайтариш баробарида, стратегик жиҳатдан қулай бўлган яна бир неча уйларни эгаллади. Шунда аламзада фашистлар тўп ва миномётлар билан рота жойлашган уйларни вайрон қила бошлади. Қандай йўл тутиш керак? Қурбонларсиз душман қуршовини ёриб ўтиш мумкинми?! Журъат, матонат ва пухта режа ўз сўзини айтди... Амирали ротанинг бир взводи билан марказий нуқтада турган душман аскарлари устига ташланди. Худди шу вақтнинг ўзида бошқа икки взвод фашистларга икки томондан зарба берди. Қўққисдан мардона қилинган ҳаракат натижасида Саидбеков ротаси душман қуршовини ёриб ўтди, бир неча асир билан ўз қисмига келиб қўшилди ва ғалабага катта улуш қўшди.

Амирали Саидбеков Иккинчи жаҳон уруши давомида фақат ҳаракатдаги армияда, оловли нуқталарда жанг қилди. 1943 йили Новороссийск ҳимоячилари билан бир бўлди. Ушбу шаҳар жангчиларининг тилларда достон бўлган қаҳрамонлиги ҳақида Л.И. Брежнев «Кичик ер» номли асарида тўлиқ маълумот берган.

А. Саидбеков Сталинград, Шимолий Кавказ, Ғарбий ва Жанубий армия қўшинлари ҳамда Украинанинг 1 ва 4-фронтларида уруш бошланишидан охирига қадар душманга қарши мардларча жанг қилди ва номини мангуликка муҳрлади. Жанговар ҳаракатларда етти маротаба ярадор бўлган баҳодир жангчининг қаҳрамонликлари «Қизил Юлдуз», «I даражали Ватан уруши», «Александр Невский» ҳамда «II даражали Ватан уруши» орденлари билан эътироф топди.

Немис фашистларига қарши Польшада олиб борилаётган сўнгги жанглардан бирида, яъни 1945 йилнинг 8 апрелида Сўхнинг баҳодир ўғлони Амирали Саидбеков қаҳрамонларча ҳалок бўлади. Вафотидан сўнг унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилади.

ХОТИРАСИ, НОМИ ЭЪЗОЗДА

Қаҳрамон йигит – Амирали улғайган хонадонда бўлганимизда ҳарбий хизматчилар ва кўплаб ёши улуғлар жам бўлишди. Унинг жанглардаги жасорати тилларда тилларга кўчди. Сўхлик катта-ю кичикнинг тилида битта гап: «Амирали Саидбеков бизнинг фахримиз...» Сўх туманининг Сариканда қишлоғидаги 5-умумий ўрта таълим мактабида эса қаҳрамоннинг бюсти қад ростлаб турибди.

– Амирали амаким доимо хотирамизда яшайди, – дейди А. Саидбековнинг жияни Доҳиятхон опа. – Дадам Бобожон Саидбеков ҳам Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган ва оғир ярадор ҳолда юртга қайтган. Шарифа бувим умрларининг охиригача Амирали амакимдан қолган ҳар бир нарсани кўз ёши ила ардоқлаб ўтишган. Амакимнинг музейида урушдаги сафдош дўстлари томонидан бувимга юборилган хат ҳам сақланади. Амаким оила қурмай оламдан ўтган бўлса-да, табиатнинг инъомини қарангки, ўғлим Дилмурод Амирали амакимга жуда ўхшайди...

Амирали Саидбековнинг фронтдан, сафдошларидан Шарифа аяга юборилган мактубига кўз югуртираман: *«Ҳурматли онажон, биз Сизга баҳодир ўғлингиз Амирали тўғрисида ёзмоқдамиз. У рота командири эди. Фашист босқинчилари билан бўлган даҳшатли жангларда мард ва жасур жангчи эканлигини кўрсатди. Амирали жангда қўрқув нималигини билмайдиган азамат йигит эди. Биз Сизга Амирали командирлик қилган ротанинг бир жангда кўрсатган қаҳрамонлигини айтиб бермоқчимиз...*

Биз жанговар дўстимиз – ўзбек халқининг азамат ўғлони Амирали билан фахрланамиз, уни асло ёддан чиқармаймиз...»

Бир олам тасурот ила Совет Иттифоқи Қаҳрамони Амирали Саидбеков улғайган хонадонни тарк этдик. Аммо она замин кафтида баҳодирликка қодир, шон-шарафга муносиб бўлиб улғайган бундай ўғлонлар юракларни тарк этмайди. Уларнинг азиз номи, баҳодирлиги Ватан деб аталмиш муаззам Она бағрида мангу яшайди.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Vatanparvar»

«Ватанпарвар»нинг бугунги меҳмони – «Нуроний» газетаси. Қуйида меҳмон газетанинг ўтган сонларида эълон қилинган энг сара ва долзарб мақолалар билан танишишингиз мумкин.

Har bir nuroniy — hayot hikmati
Nuroniy
ИЖТИМОИЙ, МАЪРИФИЙ, ОММАБОП ГАЗЕТА

ТАШАББУСКОР НУРОНИЙ

ДАШТ БАҒРИДАГИ ДУРЛАР

Ер хазина, туганмас бойлик, инсонларнинг ризқу рўз манбаи ҳисобланади. Уни қадрлаган, ҳар қаричидан самарали фойдалана олган инсоннинг турмуши фаровон, дастурхони тўкин, ҳаёти мазмунли бўлади. Бу ҳаётий ҳақиқат жамиятда кўп бора ўз исботини топган. Бунга замин билан тиллашиб, ундан мўъжиза яратаётган, нафақат ўз оиласи, балки юртдошларимиз дастурхонига барака киритаётган отахонлардан бири Зоҳиржон Йўлдошевнинг ибратли ишлари ёққол мисолдир.

Зоҳиржон Йўлдошев Янгиқўрғон туманидаги Искавот қишлоғининг ҳурматли нуронийларидан. Ҳамқишлоқлар бу йил олтмиш беш баҳорни қарши олган оқсоқолнинг ибратли ҳаёт йўли, намунали оиласи, мазмунли турмуш тарзига ҳавас қилишади. Ўз умрини эл хизматига бағишлаган, шунингдек, эл корига камарбаста фарзандларни тарбиялаб юртга қўшган бу инсон бугун меҳнатининг роҳатини кўряпти.

Дарҳақиқат, Зоҳиржон аканинг роҳати ҳам Искавотнинг чексизликлар узра ястанган қир-адирлари билан боғлиқ. У бундан бир неча йил муқаддам қишлоқдан беш километр юқорида жойлашган Каттажар ўнқир-чўнқирлари тепасида, атрофи бийдай дашт бўлган адирда боғ яратишни ният қилди. Даставвал бунга кўпчилик, ҳатто отанинг ўғиллари ҳам ишонишмади. Негаки, адир тепасини қўятуринг, унинг қуйи қисмида, сувга яқин бўлган ҳудудларда ҳам кўчат парваришлаш, ундан кўзланган ҳосилни олиш муаммо ҳисобланган бир шароитда айни ҳаракат рўёдек эди. Аммо ота қатъий мақсад ва режа билан ўғилларини ёнига олиб, астойдил иш бошлади. Кўклам келиши билан сув бўлмайдиган қир чўққисида табиий усулда сув сақланадиган ёпиқ ҳовуз – сардоба барпо қилинди. Сардобага оиланинг дастёри ҳисобланган «Дамас» автомашинаси орқали сув ташиб тўлдирилди. Шундан сўнг адирга қатор мева кўчатлари экилди ва ҳар бирининг танасига алоҳида елим идиш маҳкамланиб, томчилатиб суғориш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, кўчатлар остига нам сақлаш ва яхши ривожланиши учун зарур миқдорда маҳаллий ўғит кўмиб чиқилди.

– Бугун ана шу ниҳоллар катта-катта дарахтларга айланган, – дейди отахон. – Табиий иқлимга мос ва серҳосил, муҳими, бозоргир, мазали олмалар нафақат водий, балки пойтахт бозорларида ҳам ўз харидорини топган. Ўғилларим – Шавкатбек ва Абдушукур боғдаги тадбирларни маромига етказиб бажаришади. Тўнғич ўғлим Қудратилла ва кенжамиз Алишер уни эл дастурхонига етказиш билан машғул. Ака-укаларнинг ўзаро бирдамлиги, ҳамжиҳатлиги баракада бош омил. Шу тариқа кейинги йилларда боғдан олган даромадимизга шинам уй қурдик, қўшалоқ автомашина сотиб олдик. Шундай қилиб дашт бағридан дур яратиш мумкинлигига нафақат ўзимиз, балки бошқаларни ҳам ишонтира олдик.

Қарангки, отанинг тажрибаси аввал бу ишга ишонқирамаган ҳамқишлоқлар кўнглига ҳам олов солди. Кейинги ўн йилда Каттажар қирлари искавотликлар томонидан аста-секин мевазорларга айлантириб бориляпти. Бир пайтлар сувсизликдан қақраб ётган, жазирамада оловдек ловуллайдиган қирлар бағри ям-яшил боғларга айланди. Лекин Йўлдошевлар боғи ўз кўркамлиги, ҳосил чўғидан ерга тегиб турган, шохларда тизилган неъматлар эса соҳибкор-боғбонлар меҳнати, она замин саховатидан дарак бериб турибди. Ҳа, ер ўзини қадрлаганни, пешона тери билан ишлаганни бенасиб қўймайди.

Бугун Зоҳир ота Йўлдошев хонадонида янги авлод – бўлғуси боғбонлар, ота ишининг давомчилари камол топяпти. Ота уларга ер билан тиллашиш, деҳқончилик ва боғдорчилик сабоқларини беришдан, ҳалол меҳнатнинг нони ширин бўлиши, табиатни севиш, уни асраб-авайлаш зарурлигини такрорлашдан чарчамайди.

Абдукарим ҚУВВАТОВ

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

НЕГА САВОДИМИЗ «ГУЛЛАГАН?!»

Шу кеча-кундузда аксарият «саводхон»ларимиз саводнинг айни «ғовлаб» кетган жойидан сурат олиб, «савод гуллаган» рукни остида ижтимоий тармоққа жойлаб, олқиш олиб, «лайк» йиғиб юрган бир паллада русчада икки оғиз жумлани эплаб тузолмайдиган ота-оналар боласини рус мактабига амаллаб тиқиштириш билан овора.

Ие, бу икки муаммонинг бир-бирига қандай алоқаси бор, дерсиз. Алоқаси бор, бўлгандаям чамбарчас! Ахир, ўзингиз ўйланг, уйида бир жумла русча гапирмайдиган бола эртага рус тилида ўқитиладиган мактабга боради, устозининг ўгитлари у қулоғидан кириб, бу қулоғига жойлашиб улгурмай, мактабни тамомлаш арафасига келиб қолади. Ҳафтада бор-йўғи бир марта ўзбек тили фанини ўқиган ўзбек боласи аросатда: на ўзбек тилини, на рус тилини яхши ўзлаштиролмай, «қўлимда» сўзини «қолимда», «ҳусайни» сўзини «Ху...сани» тарзида ёзади... Бу ёғи ўзингизга маълум, «любая бизнес хороша» бўлади?! Айрим саводхонлар эса улар устидан ҳукм чиқаришга, уларни саводсизликда айблаб, сазойи қилишга тайёр! Ҳукм чиқаришдан чекиниб, саводимизни ҳақиқатан гуллатмоқчи бўлсак, энг аввало, юртимизда ўзга тилнинг «яширин ҳукмронлиги»ни бартараф қилишимиз зарур. Бунинг учун тўртта одам йиғилган жойда битта русийзабон бўлса, билсак-билмасак, русча сайрамай, ўз она тилимизда сўзлашимиз, тилимизни ҳурмат қилган ҳолда, ўзгаларга ҳам ҳурмат қилдиришимиз керак. Ҳар қандай идора, ташкилот, корхонада иш, ҳисобот ва бошқа ҳужжатлар ўзбек тилида юритилиши шарт. Йўғ-е, бўлиши мумкинмас, ҳозир бизда ҳужжатлар фақат ўзбек тилида тайёрланади, дейишга шошилаётганлар, адашасиз!

Шу ўринда яна бир гап. Тил билган, эл билади. Қанча кўп тил билсанг, нур устига нур, аммо бу она тилимизни «йўқотиш» ҳисобига бўлса, ўрганганингга «ўт тушсин», демасмикан ўтган буюк аждодларимиз руҳи?

Орзугул РУСТАМОВА,
журналист

«NURONIY» БОНГ УРАДИ!

ЎЗГАРИШНИ ЎЗИМИЗДАН БОШЛАЙЛИК

Пойтахтимиз марказидаги Амир Темур хиёбони яқинида жойлашган «Баҳор» ресторанини кўпчилик яхши билади. Боиси, миллий руҳ ва дизайн асосида жиҳозланган ушбу тамаддихона ўзбек таомлари билан ҳатто хорижлик сайёҳларни ҳам ўзига жалб қилади. Айниқса, ушбу маскан сўлим боғ этагида жойлашгани хўрандалар сонини янада оширади.

Яқинда тамаддихонадан чиқиб, бироз тоза ҳавода сайр қилиш мақсадида дугоналар билан боғни кездик ва... тўғриси, қароримиздан пушаймон бўлдик. У ердаги ҳолат таъбимизни чандон хира қилди. Ўриндиқлар абгор аҳволда: баъзилари жойидан кўчиб ётибди, айримлари шундай дил изҳорига «бурканган»ки, беихтиёр «севги мактуби-ку», деб юбордик.

Йўлаклар, майсалар ширинлик қоғози-ю ичимлик қутиси, елим халта, тамаки қолдиғи, ҳатто спиртли ичимликдан бўшаган шишалар билан «зеб» берилган. Ҳайратланарлиси, боғдаги барча ахлат қутилари ағанаб ётибди. Табиийки, маиший чиқинди ён-атрофга сочилган.

Наҳотки, бир вақтлар шинам ва гавжум бўлган маскан шундай абгор аҳволга келиб қолди? Хаёлимиздан шу савол ўтиб улгурмаёқ, сал нарида, боғ марказидаги фаввора саҳни ва атрофидаги аянчли ҳолат кўрганларимиз «ҳолва» эканини кўрсатди. Ташландиқ билан тўлиб-тошган «манзара»дан ҳудуд чиқиндихонаси шу ерга кўчирилибдими, деган фикрга бордик. Йўлимизда ўтириб ҳордиқ чиқараётган, чақчақлашаётган суҳбатдошларни ёхуд бирор-бир ахлат ташлаётган кимсани учратмадик. Хулоса қилиш мумкин, қиш фасли бўлгани боис, кундузи бу ерга деярли дам олувчилар келмайди. Демак, асосий «базм» қоронғи тушгач, бошланади.

Атрофида юқори мавқе, кенг ваколатга эга қатор идора, ташкилотлар – Ташқи ишлар вазирлиги, ҳовлиси боғга туташ Халқ банки, маҳаллалар ободлигини таъминлашга масъул Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши (ҳозирги Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги), одамларнинг эстетик диди ва маданиятини ўстиришга хизмат қиладиган Тошкент фотосуратлар уйи, Тошкент Халқаро Вестминстер университети, Халқаро анжуманлар саройи жойлашган боғ шу аҳволда бўлгач, бошқа жойлардаги ҳолат қандай экан?

Афсуски, пойтахтимиз қиёфасига доғ бўлаётган бу манзара айрим ҳамюртларимизда экологик маданият етишмаслиги, уларнинг атроф-муҳит тозалигига мутлақо эътиборсизлиги, айниқса, мутасадди ташкилотлар вазифасига панжа орасидан қараётганига биргина мисол. Эътирозимиз бировга ёки қайсидир ташкилот, идора фаолиятига қаратилмаган. Мақсадимиз, тадбирларда рақамлардан иборат узундан-узоқ ҳисобот ўқишдан кўра, ҳар биримиз муаммоларни вақтида илғаб, ўзгаришни ўзимиздан, ён-атрофимиздан бошлашимиз маъқуллигини яна бир бор эслатиб қўйишдир.

Зебинисо ҲАЙИТОВА

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

ВАТАН УНУТМАЙДИ МАРД ЎҒЛОНЛАРНИ

Юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, Ватан равнақи йўлида хизмат қилган, ўз ҳаётини ана шу эзгу мақсадга бағишлаган фидойи инсонлар ҳақида гап кетганда, машҳур шоир Мақсуд Шайхзоданинг қуйидаги сатрлари беихтиёр ёдимизга келади: «Умрлар бўладики, ўлган одам тирикдир»...

Ҳа, бундай инсонлар Ватан ва халқ олдидаги буюк хизматлари билан тириклигидаёқ ўзларига ҳайкал қўя олган, хотираси мангу барҳаёт сиймолардир.

Ўзбекистон ўз эркини қўлга киритгач, мамлакат сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бири – мустақилликни, мустақил юртни муносиб ҳимоя қилишга қодир Қуролли Кучларни тузишга қаратилди. Ҳарбий соҳада амалга оширилган ислоҳотлар, ўтган қисқа даврда Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари ва қўллаб-қувватлашлари билан ўтказилган туб ўзгаришлар натижасида миллий армиямиз тезкор ва ихчам, ҳар қандай таҳдидларга муносиб зарба беришга қодир бўлган жанговар кучга айланди.

Муваффақиятлар замирида узоқ ва машаққатли меҳнат, кўплаб фидойи инсонларнинг тиним билмай амалга оширган хизматлари мужассам. Мустақилликнинг илк йилларидаги оғир бир шароитда ўз куч-қуввати, билими ва тажрибасини аямаган фидойи инсонларнинг айримлари бугун орамизда йўқ. Аммо уларнинг ёди ҳамиша дилларда, бошлаган хайрли ишларини эса издошлари муносиб давом эттириб келмоқда. Бугун муқаддас Ватанимизнинг ҳимоя қўрғони, яъни миллий армиямизни барпо этиш, ҳарбий мутахассис кадрларни шакллантириш, ҳарбий округларни тузиш, таъминот ва жанговар шайликни ошириш йўлида фидойиларча хизмат қилган генерал-лейтенант Владимир Маҳмудов, генерал-майор Исмаил Эргашев, генерал-майор Румиль Хадирбаев хотирасини ёдга олмоқчимиз.

Генерал-лейтенант Маҳмудов Владимир Носирович

Генерал-лейтенант Маҳмудов Владимир Носирович 1944 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Қуролли Кучлар сафига 1963 йилда қабул қилинган. 1967 йили Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртини тугатган. 1967 – 1970 йилларда курсантлар взводи командири, 1970 йилдан 1975 йилгача курсантлар ротаси командири бўлган. 1978 йилда Фрунзе номидаги Ҳарбий академияни тамомлаган.

Владимир Маҳмудов 1979 йил декабридан 1981 йил декабригача ҳарбий хизматни Афғонистоннинг Қобул шаҳридаги мотоўқчилар дивизиясининг мотоўқчилар полки командири лавозимида ўтади. Шундан сўнг Туркманистоннинг Кушка шаҳрида полк командири, Ашхобод шаҳридаги корпус командири ўринбосари бўлган.

1989 – 1992 йилларда Ўзбекистон ССР ҳарбий комиссари бўлиб хизмат қилган. 1992 йилдан бошлаб ҳарбий хизматни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида давом эттирди.

У 1992 – 1994 йилларда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти бошлиғи, 1994 – 1999 йилларда эса Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси бошлиғи бўлди. Шу тариқа ҳарбий хизматдаги фаолияти давомида взвод командирлигидан мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари – Қуролли Кучлар Бош штаби бошлиғи (1999 йилдан) лавозимигача бўлган узоқ ва шарафли йўлни босиб ўтди.

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Қуролли Кучлар академияси бошлиғи лавозимларида фаолият олиб борган даврда ёш офицерларга ўз билим ва тажрибасини ўргатди, офицерлик шарафи, инсоний камтаринлик намунасини намоён этди.

Мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари – Қуролли Кучлар Бош штаби бошлиғи лавозимидаги хизмати мобайнида ўзининг барча билим ва тажрибасини Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини мустаҳкамлаш, армиямиз жанговар шайлигини янада оширишга йўналтирди.

Истеъфога чиққан даврида ҳам ҳарбий ислоҳотларнинг муҳим йўналишларини ишлаб чиқишда бевосита иштирок этди.

Владимир Маҳмудов ҳарбий бурчни ўташда кўрсатган мардлиги ва жасорати, Қуролли Кучларнинг жанговар шайлигини оширишдаги улкан хизматлари учун СССР ва Ўзбекистон Республикасининг кўплаб орден ва медаллари билан тақдирланган. Жумладан, СССР Қуролли Кучлари сафида хизмат қилган даврда «Қизил Юлдуз» («Красной Звезды») ва «Ҳурмат белгиси» («Знак Почета») ордени билан мукофотланган.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ишига қўшган ҳиссаси учун II даражали «Шон-шараф» ордени ва «Жасорат» медали, шунингдек, бошқа давлат мукофотлари билан тақдирланган. Владимир Маҳмудов 2005 йилнинг 26 февралида бу ёруғ оламни тарк этди.

Генерал-майор Эргашев Исмаил Эргашевич

Генерал-майор Эргашев Исмаил Эргашевич 1945 йил 5 августда Самарқанд вилоятининг Челак туманида туғилган. Ёшлигидан ҳарбий касбга ҳавас қилиб улғайган ўғлон олий ҳарбий билим юртига ўқишга кирди. Ўз ҳаётини ҳарбий соҳага бағишлади.

Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришганидан кейин Қуролли Кучларимизни ташкил этиш ва ривожлантириш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш ва мудофаа қобилиятини юксалтириш йўлида фидокорона хизмат қилди.

Исмаил Эргашев 1992 – 1994 йилларда Мудофаа вазирлиги артиллерия бошқармаси бошлиғи, 1994 – 1997 йилларда Мудофаа вазирлиги артиллерия бошқармаси бошлиғи – артиллерия қўмондони, 1997 – 1999 йилларда мудофаа вазирининг фронт орти таъминоти ва капитал қурилиш бўйича ўринбосари, 1999 – 2000 йилларда мудофаа вазирининг жанговар тайёргарлик бўйича ўринбосари, 2000 – 2004 йилларда Марказий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони, 2004-2005 йилларда мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари – Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи лавозимларида фаолият юритди.

Мураккаб бир даврда ўтказилган ҳарбий ислоҳотлар жараёнида, ҳарбий округларни ташкил қилишда жонбозлик кўрсатган олий тоифали офицер кўплаб ҳарбий хизматчиларга устозлик қилди. Унинг эл-юрт тинчлиги йўлидаги фидокорона хизматлари муносиб эътироф этилиб, юксак давлат мукофотлари, жумладан, I ва II даражали «Шон-шараф» ҳамда «Жалолиддин Мангуберди» орденлари билан тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари фахрийси, истеъфодаги генерал-майор Эргашев Исмаил Эргашевич 2018 йилнинг 24 февраль куни 73 ёшида ҳаётдан кўз юмди.

Генерал-майор Хадирбаев Румиль Эргашевич

Генерал-майор Хадирбаев Румиль Эргашевич 1940 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1963 йилда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртини битирган. У чуқур билим ва катта тажрибага эга ҳарбий сифатида ҳарбий кадрлар тайёрлаш ишига улкан ҳисса қўшди. Генерал-майор Румиль Хадирбаев 1994 – 1998 йилларда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига раҳбарлик қилди. Шу даврда Р. Хадирбаев олий ҳарбий билим юрти моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, малакали ҳарбий кадрларни тайёрлаш, уларнинг салоҳиятини юксалтириш ҳамда таълимнинг янги услубларини жорий қилиш, курсантларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш каби масалаларни ҳал этишда фидойилик намуналарини кўрсатди. Айнан у раҳбарлик қилган йилларда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида қўшинларимиз учун бир неча йўналишда кадрлар тайёрланиб, жанговар сафлар маҳаллий кадрлар билан бутланди.

Бугун бу устозларнинг шогирдлари ҳарбий қисм ва муассасалар ва ҳарбий округларда масъулиятли лавозимларда хизмат қилиб, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинларининг жанговар шайлигини ошириш, мамлакат мудофаа қобилиятини юксалтириш, олий ҳарбий таълим соҳасида изланишлар олиб бориш жараёнларида фаол иштирок этмоқдалар.

Мустақил Ўзбекистон, хусусан, Қуролли Кучларимиз шаклланишида ўчмас из қолдирган ватандошларимиз ўзларининг жонкуярлиги, ташаббускорлиги ва юртга садоқати билан барчамизга ўрнак. Ҳарбий хизматчилар фаолиятидаги асосий ҳужжат саналмиш Умумҳарбий низомлар қабул қилиниши, Марказий Осиёдаги илк Қуролли Кучлар академияси ташкил этилишида, бир сўз билан айтганда, миллий армиямиз ривожланишида жонбозлик кўрсатган генералларимизнинг фидойи ва машаққатли хизматлари унутилмайди.

Подполковник Ё. ҲАКИМОВ тайёрлади.

ХАБАРЛАР

СЎХЛИК ЎҚУВЧИЛАР ҲАРБИЙ ҚИСМДА

Майор Равшан Қосимов командирлик қилаётган ҳарбий қисмдамиз. Қисм ҳовлиси ўқувчилар билан гавжум. Очиқ эшиклар куни муносабати билан Фарғона вилоятининг Сўх туманидаги 10, 11, 23-умумий ўрта таълим мактабларининг элликдан зиёд ўқувчилари ватанпарварлик тадбирида иштирок этишмоқда.

– Ўқувчиларимиз ҳарбий қисм ҳаётига, ҳарбий соҳага жуда қизиқишади. Бугун ҳам ҳарбий техника, қурол-аслаҳа, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда парашют қисмлари билан танишишди. Уларни қизиқтирган ҳар бир саволга ҳарбий хизматчилар шошилмай, батафсил жавоб қайтаришди. Айниқса, ўқувчиларимиз Ватан ҳимоячиларининг кўргазмали чиқишларини ҳар гал ҳаяжон билан кузатишади, – дейди 10-умумий ўрта таълим мактабининг чақириққа қадар бошлангич тайёргарлик фани ўқитувчиси истеъфодаги капитан Нусратулло Туттиев.

Ҳарбий хизматчилар ушбу тадбирга астойдил тайёргарлик кўришган. Ўқувчиларни таништириш учун тайёрланган қуроллар, муҳандислик анжомлари, ҳарбий техникалар, тиббий жиҳозлар тажрибали ҳарбий хизматчилар томонидан ўқувчиларга бирма-бир таништирилди ва тушунтирилди. Уларнинг шуғулланишларига шароит яратилиб, саволларига эътибор ила жавоб қайтарилди.

Ҳарбий қисмдан қайтаётган ўқувчиларга эътибор бераман. Ҳаммасининг кайфияти кўтаринки. Тадбирдан олган таассуротларини ўртоқлашиш билан овора. Уларнинг нигоҳларида бир ҳақиқатни уқиш мумкин, яъни келажакда бу ўғлонлар орасида ҳаётини ҳарбий соҳа билан боғлаган шижоатли Ватан ҳимоячилари чиқишига шубҳа йўқ.

З. ЮНУСОВА

АКАДЕМИЯ БУРЧАГИ

Мирзо Улуғбек туманидаги 18-умумтаълим мактабида «Қуролли Кучлар академияси бурчаги»нинг очилиши бўлиб ўтди.

Унда Қуролли Кучлар академияси профессор-ўқитувчилари, ҳарбий хизматчилар ва мактаб жамоаси қатнашди. Тадбирда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ғазал ва рубоийлари ўқилди. Шундан сўнг Қуролли Кучлар академияси катта ўқитувчиси подполковник М. Раҳматуллаев томонидан буюк саркарданинг жанговар юришлари ва жангда қўллаган тактикаси борасида маҳорат дарси ўтказилди.

«Қуролли Кучлар академияси бурчаги» очилиши ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, шубҳасиз муҳим аҳамиятга эга.

А. ЖОЛДАСБАЕВА

МОЗИЙ БИСОТИДАН

БИТИКТОШЛАРДА ВАТАН ТУЙҒУСИ

Коинот эврилишига қиёслаганда, инсон умри ниҳоятда қисқа. Шу қисқа умр давомида ўз ҳаётини Ватан тинчлиги, халқ осойишталиги, юрт равнақи йўлида сарф этган қаҳрамонларнинг номлари абадийликка муҳрланиб қолади. Устоз шоиримиз Мақсуд Шайхзода таъбири билан айтганда, «Умрлар бўладики, ўлган одам тирикдир»... Бундай одамларнинг қаҳрамонликлари, фидойилиги асрлар оша мадҳ этилади, улар ҳақида халқ орасида турли афсона ва ривоятлар тўқилади. Шундай аждодларимизнинг баъзилари ҳақидаги маълумотлар бизгача етиб келган.

Бу ўринда сизга афсона ва ривоят сўзламоқчи эмасмиз. Балки ота-боболаримизнинг мозий зарварақларида, тўғрироғи, тошбитикларда ёзиб қолдирилган тарихий қаҳрамонликлари хусусида сўз юритишни лозим кўрдик.

Кўҳна тарих саҳифаларини варақлаб кўрайлик-чи, у бизга нималарни сўзлайди, нималардандир огоҳлантиради ва сабоқ беради?..

«Эй турк халқи, тўкис ишонувчансан. Самимий, носамимийни ажратмайсан, ким қаттиқ гапирса, самимийликни ҳам танимайсан. Ўшандайлигинг учун тарбият қилган хоқонинг сўзини олмайин ҳар қаерга кетдинг... у ерларда бутунлай ғойиб бўлдинг. Ном-нишонсиз кетдинг».

Бу гапларнинг айтилганига минг йилдан ортди. Тошга ўйиб ёзилган бу қалб сўзлари VI-VII асрда битилган Энасой (Ўрхун-Енисей) ёдгорликларидан олинди. Мазкур ёдгорликларда VI аср ўрталарида ўрнатилган турк хоқонлигидаги тарихий қаҳрамонлар Билка хоқон (734 йилда вафот этган) ва унинг укаси Кул Тегиннинг (732 йилда вафот этган) жанговар ҳаракатлари акс этган.

Кул Тегиннинг қабр тошига унинг жияни Йўллуғ Тегин яна қуйидаги дил сўзларини абадийлаштиради: «Турк беклари, халқи буни эшитинг! Турк халқини тўплаб, давлат тузишингизни бу ерда тошга ўйиб ёздим. Адашиб айрилганингни ҳам бу ерда ёздим. Нимаики сўзим бўлса, мангу тошга ўйиб ёздим. Унга қараб билинг, туркнинг эндиги халқи, беклари. Уй, дунёгагина қарайдиган, кўзига фақат мол-мулк кўринадиган беклар, сизлар гумроҳсизлар» .

Кўҳна тарих қаъридан бизгача етиб келган бу огоҳлик кўп нарсани эслатади. Унда туркий халқларнинг бирлашишига, ягона давлат сифатида шаклланишига тўсиқ бўлган ҳолатнинг айбдори ким эди, деган саволга шундай жавоб берилади: «...Эй турк халқи, давлатингни, ҳукуматингни ким бузди?.. Ўзинг адашдинг, орага ёмон одамни киргиздинг. Қуролли қайдан келиб тарқатиб юборди, найзали қайдан келиб суриб кетди... Шарққа боролгунча бординг, ғарбга боролгунча бординг. Борган ерда яхшилик шу бўлди: қонинг сувдай оқди, суягинг тоғдай уюлиб ётди, бек бўладиган ўғил боланг қул бўлди, сулув қиз боланг чўри бўлди».



Бу сўзлар турк хоқони Элтаришнинг кичик ўғли Кул Тегиннинг қабр тошига ўйиб ёзилган. Ўз даврининг машҳур халқ қаҳрамони Кул Тегин 47 ёшида, 731 йил 23 февралда вафот этган бўлиб, тош битик 732 йилда ўрнатилган. Мазкур тошбитикнинг баландлиги 3 метр, 25 сантиметр. Қабр ёзувида қаҳрамоннинг зафарли юришлари, ғалаба ва мағлубиятлари, ички олами, юрак сўзлари, босқинчи душманларга нафрати очиқ-ойдин, содда ва халқона иборалар билан ифодаланган.

Чуқур лиризм, ички туғён билан суғорилган қалб сўзларида Йўллуғ Тегин туркий халқларни бирлашишга чақиради, очиғи, мурожаат қилади: «Сўзимни тугал эшитгин, кейинимдаги иним, жияним, ўғилларим, қон-қариндошим, халқим... бу сўзларимни яхшилаб эшит, диққат билан тингла!»

Йўллуғ Тегин Кул Тегин тилидан мамлакат пароканда бўлишига бош сабабчи қилиб ўзаро фисқу фасод, ҳукмдор билан халқ орасида зиддиятлар натижасида «орага ёмон кириб», «қўлдан кетган яхши давлатинг» учун «пушаймон бўл» деб огоҳликка чақиради. «Иним Кул Тегин вафот этди, вужудим алам чекди. Кўрар кўзим кўрмаётгандай, билар ақлим билмаётгандай жоним азобда қолди. Дунёни тангри ясайди, инсон болалари ҳаммаси ўладиган қилиб яратилган».

Бизга қадар етиб келган тошбитиклардан яна бири Тунюқуқ ёдгорлиги бўлиб, 712 – 716 йилларда ёзилган. Мазкур ёдгорлик ҳозир Мўғулистонда сақланади. Тунюқуқ битигида турк халқининг душманларга қарши олиб борган курашлари, қабилаларни бирлаштириб ягона давлат сифатида шакллантиришдаги роли ёзиб қолдирилган. Бугунги кунда йўқолган дунёнинг асл фарзанди Тунюқуқ қаҳрамонлигини кузатар экансиз, унинг лашкарбошилик маҳорати, жанг қилиш санъатини мукаммал эгаллаганлиги, шижоати, мардлиги, доно сиёсатчи эканлиги кўзга яққол ташланади.

Ўз халқига содиқ қолган, Ватан мустақиллиги учун курашган аждодимиз вакили – Тунюқуқ қаҳрамонлиги битилган ушбу сатрлардаги ватанпарварлик ва халқпарварлик ғоялари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди. Қуйидаги мангуликка дахлдор сатрларга эътибор беринг: «Элтариш хоқонга, Турк Бўгу хоқонга, Турк Билка хоқонга хизмат қилдим, тун ухламай, кундуз ўтирмай, қизил қонимни тугатиб, қора терим югуртиб, меҳнатни, кучни бердим... Бу турк халқига қуролли душманни келтирмадим, яловли отни югуртирмадим... Мен ўзим муваффақият қозонганим учун давлат ҳам давлат бўлди, халқ ҳам халқ бўлди...»

Кул Тегин, Йўллуғ Тегин, Тунюқуқ, Билка хоқон қаҳрамонликлари, уларнинг юрак қони билан битилган дил сўзлари бугунги ёш авлодимизни Ватан мустақиллигини асрашга, эъзозлашга чорлайди. Жумладан, Элегешдан топилган Енисей ёдномасида қуйидаги сўзлар ёзилган:

Давлатнинг чиройли байроғини, мен белимдаги олтин камаримга боғладим...

Мен жангчи бўлдим.

Қора халқим (қора меҳнаткаш демоқчи), маҳкам бўлинг.

Давлат қонун-қоидаларини қўлдан берманг, Йўқотманг сиз давлатимни.

Ҳозирги кунда Ватан туйғуси билан суғорилган, мозий сирларидан хабар берувчи икки юздан ортиқ шу мазмундаги битиклар Россиянинг Қизил, Абакан, Красноярск шаҳарларидаги музейларда сақланмоқда.

Бухориддин МАМЕДОВ,
филология фанлари доктори,
Қуролли Кучлар академияси профессори.
Азизхон КЎЧИМОВ,
мустақил тадқиқотчи

ИСЛОҲОТ

СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ ВА ХОЛИСЛИГИ – МУҲИМ ВАЗИФА

Муҳтарам Президентимизнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга тақдим этган тарихий Мурожаатномаси юртимизнинг ҳеч бир фуқаросини эътиборсиз қолдирмади.

Мурожаатномада мустақил Ўзбекистон тарихида биринчи марта мамлакатимиз аҳолиси ўртасидаги камбағаллик бўйича аниқ статистик маълумотлар эълон қилинди. Рақамларга яна бир бор жиддий эътибор қилинг: кам таъминланган, аниқроғи, аҳолининг камбағал қатлами ҳисоб-китобларга кўра, тахминан 12-15 фоизни ташкил этади. Президентимиз таъбири билан айтганда, «...бу ўринда гап кичкина рақамлар эмас, балки аҳолимизнинг 4-5 миллионлик вакиллари ҳақида бормоқда».

Энг муҳими, камбағалликни камайтириш бўйича амалий чора-тадбирлар белгилаш юзасидан аниқ вазифалар қўйилиб, унга барҳам бериш йўллари кўрсатиб берилди. Улар билан тизимли равишда иш олиб бориб, касбга-ҳунарга ўргатиш, тадбиркорликка жалб этиш орқали муносиб иш жойи билан таъминлаш учун 700 миллион доллар ажратиладиган бўлди.

Давлатимиз раҳбари ўзининг дастурий маърузаларида, кенг жамоатчилик вакиллари билан учрашув ва мулоқотларда, оммавий ахборот воситалари орқали чиқишларида жамият ва давлат ҳаётида АДОЛАТни қарор топтириш энг асосий вазифа эканлигини бот-бот такрорлаяптилар.

«Суд остонасига қадам қўйган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак. Акс ҳолда, буюк немис файласуфи Иммануил Кант айтганидек, «Адолат йўқолган пайтда, ҳаётнинг қадрини белгилайдиган бошқа ҳеч нарса қолмайди. Бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Ўзбекистонда судьялар қонунларнинг толмас ҳимоячилари, адолатнинг мустаҳкам устунлари бўлиши лозим».

Суд тизимида қарийб 54 йилдан буён ишлаб келаётган судья, қолаверса, судьялар ҳамжамиятининг олий органи бўлган Судьялар олий кенгаши раҳбари сифатида Президентимизнинг ушбу фикрлари менга жуда катта масъулият юклади, мамлакатимиздаги барча судьялар ва суд тизими ходимлари олдига залворли вазифалар қўйди.

Ҳозирги вақтда судларга келиб тушган барча ишлар компьютер дастурлари орқали судьяларга, шу жумладан, суд раисларига ҳам баробар тақсимланади. Энди ўйлаб кўринг, суд раиси ҳар куни иш кўриши керак, ишлар тайинланиб, фуқаролар (жабрланувчи, судланувчи, гувоҳлар ва бошқа тарафлар) судга чақирилган бўлади. Шундай бир ҳолатда ишни кейинга қолдириб, судья бошқа ишларга жалб қилинса, уларга нисбатан аҳолида ишонч йўқолмайдими? Минг афсуски, суд соҳасида бундай ҳолатлар ҳам учраб туради. Бу эса баъзи бир фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Шу ўринда яна бир жиддий масала. Конституциямизда фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказмасликлари, Конституция ва қонун талабларига риоя этишлари, бошқа кишиларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишлари шартлиги белгиланган.

Ҳар биримиз ижтимоий ҳаётда ушбу конституциявий мажбурият ва бурчларимизга тўла амал қиляпмизми, деб ўзимизга савол беришимиз керак. Айрим фуқароларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишда, бузилган ҳуқуқларини ҳимоялашда қонун талабларига риоя қилмасдан, айниқса, суд қарорларидан норози бўлганларида қонунларимиз талабига ва уларга берилган ҳуқуқлардан фойдаланиб, белгиланган тартибда юқори босқич судларига мурожаат қилганларида ҳаддан ташқари ҳис-ҳаяжонга берилиб, оғзига келган гапларни гапириб, беҳаёлик билан ўз мақсадларига етмоқчи бўлади, бу йўлда ҳатто бошқаларни, давлат хизматчиси ёки мансабдор шахсларни ҳақоратлаб, обрўсизлантиришга ҳаракат қилади. Шундайларни кўриб, уларнинг халқимизга хос бўлган юқори маданият, юксак маънавият ва одоб-ахлоқдан қанчалик йироқлашиб кетганига афсус қиласан киши.

Мамлакатимиз фуқаролари бугун қонун ва қонуности ҳужжатлари билан танишиш ва улардан фойдаланиш бўйича ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ имкониятга эга. Нега энди биз мавжуд қонун, қоидаларга эътибор бермасдан уни бузиб қўйиб, кейин сарсон-саргардон бўлишимиз керак. Аслини олганда, бунга ким сабабчи, ўзимиз эмасми? Айримларимиз қўлидан ҳеч иш келмайдиган, унинг ваколати доирасига кирмайдиган ишлар бўйича фирибгар-товламачиларга алданиб, сарсон-саргардон бўламиз, ҳаттоки, уларга «ишимни бажариб берар экан», деб пора берамиз. Кўзимизни очиб, ақл билан иш қилайлик, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчиларга ёки судга ишимиз тушганда нега пора бериш керак, у давлат одами-ку, етарли даражада ҳар ой иш ҳақи олади, буни тушуниб етишимиз лозим.

Қонун устуворлигини таъминлаш ва адолатни қарор топтиришда судларнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Суд Ўзбекистон давлати номидан қарор қабул қилади. Шундай экан, у белгиланган талабларга қатъий амал қилиши шарт.

Судьялик касбида ишчанлик, хушёрлик, ҳаёт тажрибасини мукаммал эгаллаган, тинимсиз ҳаракат, машаққатли меҳнат ва «Етти ўлчаб, бир кесиш» мақолига амал қилиш одат тусига айланмоғи зарур. Судьялар Президент ва халқнинг ишончига сазовор бўлишлари учун тегишли қонунларда кўрсатилган ваколати ва мажбурияти доирасида, масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда ўз фаолиятини самимият билан, беғараз бажариши керак.

Ҳар қандай ҳолатда ва шароитда ҳам ўз касб маданияти ва одобига риоя қилиш ҳар бир судья учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиб қолиши шарт. Президентимиз таъбири билан айтганда, «Судьянинг онгида – адолат, тилида – ҳақиқат, дилида – поклик устувор бўлиши лозим».

Адолат йўлида фидокорлик кўрсатмаган кишини ватанпарвар деб бўлмайди. Тўқликда очликни, улуғликда хорликни, шодликда ғурбатни эсдан чиқармаслик, ёмонликни заррача бўлса-да қилмаслик, яхшилик қилишдан эринмаслик керак экан. Ҳар биримиз кимлигимизни, қандай ваколатга эга эканлигимизни, халқимиз фаровонлиги учун масъул эканлигимизни бир зум бўлса-да, ёдимиздан чиқармаслигимиз лозим.

Убайдулла МИНГБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши раиси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

ХАБАРЛАР

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтида ўқув-услубий йиғин ўтказилди. Унда гарнизонлар маънавият ва маърифат марказлари бошлиқлари, ҳарбий қисм командирларининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича маслаҳатчилари ҳамда институт курсантлари қатнашди.

Тадбирни Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси бошлиғи полковник Акмал Ортиқов очди. Йиғилишда ҳарбий қисм ва муассасаларда маънавий-маърифий йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг бугунги ҳолати ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича маърузалар тингланди.

– Келгусида амалга ошириладиган устувор вазифаларни белгилаб олдик. Касбдошларимиз билан фикр алмашиб, соҳамиз бўйича ўзимизни қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олдик, – дейди сержант Аббос Сафаралиев.

Санам НИШОНОВА

«АТАЛГАН КУНЛАР» тўплами тақдимоти

Кўнгли ижодга ошуфта журналист, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Наргиза Асадованинг яқинда Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида «Аталган кунлар» номли илк ҳикоялар тўплами нашр этилган эди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ижодкор китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Унда уюшма раиси, халқ шоири Сирожиддин Саййид, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, филология фанлари номзоди, профессор Қозоқбой Йўлдошев, филология фанлари номзоди, доцент Адҳамбек Алимбеков, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи Луқмон Бўрихон ва бошқа қатор таниқли ижодкорлар, ёш қаламкашлар, адабиёт мухлислари иштирок этди. Тадбирда сўз олганлар адибанинг ўзига хос бадиий топилмалари, насрий ёндашувини эътироф этиш билан бирга, эътибор қаратиши лозим бўлган ўринлар хусусида фикр юритди.

Китобхон учун энг севимли машғулот бу – яхши асарни мутолаа қилиш. Асар унинг дилидаги гапларни айтса, дарду ситамларига даво берса, бу ижодкорнинг ҳам, китобхоннинг ҳам бахтидир. Наргиза Асадова битикларининг қаҳрамонлари ойдан тушган эмас – ёнимизда яшаб юрган, биз билан бирга умргузаронлик қилаётган инсонлардир. Шу вақтга қадар муаллифнинг турли йилларда «Ишқ остонаси», «Юрагимнинг сарҳадлари», «Настарин» номли шеърий тўпламлари чоп этилган.

Дилшод РЎЗИ

ҲУҚУҚ

ПРОКУРОР ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Термиз ҳарбий прокуратураси, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Жанубий операцион йўналиш бошқаруви гуруҳи, Ёшлар иттифоқи ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида вилоят Ёшлар марказида Термиз шаҳридаги академик лицей ва мактаб ўқувчилари, ҳарбий хизматга чақирилувчилар ҳамда йигитлик бурчини ўтаётган ёшлар иштирокида «Прокурор ва ёшлар учрашуви» бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус ижросини таъминлаш, шиддат билан ўзгараётган минтақалар ва давлатлар ўртасида сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий қарашлар тобора кескинлашаётган бир шароитда мамлакатимиз ёшларини, жумладан, армиядаги ёш авлод вакилларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимидаги маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш халқига, содиқ шунингдек, Ватанга хизмат қилишга камарбаста ёшларни тарбиялашдан иборат.

Тадбирда сенатор А. Соатов, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокурорининг ўринбосари адлия подполковниги Д. Раҳмонов, Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари Ч. Бегимқулов ва бошқалар сўзга чиқиб, давлатимиз томонидан ёшларимизга яратилаётган шарт-шароитлар, буюк сиймоларимизга муносиб авлод бўлиб вояга етишлари зарурлигини таъкидлади, уларнинг ўзларини қизиқтирган саволларига атрофлича жавоблар берилди.

Шунингдек, ёшлар тадбир давомида Термиз шаҳридаги ҳарбий қисмлардан бирида юрт посбонларига яратилган шарт-шароитлар билан таништирилди. Меҳмонлар учун замонавий ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар кўргазмаси ташкил этилди.

Бундан ташқари, ҳарбий прокуратура ва вилоят мудофаа ишлари бошқармаси ходимлари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Шерали Ҳайдаров хонадонида бўлдилар. Кўнгли чоғ отахон меҳмонларга олтинга тенг дуоси билан миннатдорлик билдирди.

Адлия подполковниги Собиржон АШРАПОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, хусусан, Қорақалпоғистонда ҳам катта бунёдкорлик ишлари кўтаринки руҳда амалга оширилмоқда. Айниқса, Мўйноқ туманидаги воқеликдан кенг жамоатчилик хабардор.

МЎЙНОҚ ҚАҲРАМОНЛАРИ ДАВРАСИДА

Туманнинг Қозоқдарё овули ҳудудида олиб борилаётган хайрли ишларда маҳаллий ёшлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳарбий хизматчилари жонбозлик кўрсатмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси раҳбариятининг ташаббуси билан Нукус, Урганч ҳарбий прокуратураси ходимлари ушбу овулда амалга оширилаётган ишлар билан бевосита танишиб, ҳашарчилар ҳолидан хабар олдилар.

Халқимиз анъанасига кўра, ҳашарчиларга тушлик учун ош дамланди. Энг илғор ҳарбий хизматчи ва техника ҳайдовчиларига совғалар берилди. Муддатли ҳарбий хизматчиларга эса дам олиш вақтларини мазмунли ўтказишлари ҳамда улар ўртасида китобхонликни тарғиб этиш учун китоблар тарқатилди.

Келгусида бундай тадбирлар қамровини кенгайтириш, уларга янада кўпроқ ёшларни жалб қилиш режалаштирилди.

Адлия полковниги Баҳодир ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Нукус ҳарбий прокурори

ФУҚАРОЛАРНИНГ БУЗИЛГАН ҲУҚУҚЛАРИ ТИКЛАНДИ

Қарши ҳарбий прокуратураси томонидан қонунчилик ижроси устидан назорат йўналишида жорий январь-февраль ойларида Қашқадарё вилояти мудофаа ишлари бошқармаси, унинг туман ва шаҳар бўлимларида фуқароларга ҳарбий гувоҳномалар расмийлаштириб берилиши юзасидан текшириш ўтказилди.

Текширувларда жами 336 нафар фуқаро ҳарбий гувоҳнома олишга ёзма равишда ариза билан мурожаат қилганига қарамай, масъулларнинг ўз ишига совуққонлиги оқибатида ушбу фуқароларга тегишли ҳужжатлар ўз вақтида расмийлаштирилмагани аниқланди. Натижада, барча фуқароларнинг аризалари қаноатлантирилиб, уларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Бугун Ўзбекистон ўз олдига қўйган мақсадларига эришиши учун юртимизнинг ҳар бир фуқароси ўз хизмат масъулиятини ҳис қилмас экан, биз бу йўлда оқсайверамиз. Зеро, Президентимиз Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳам бунга алоҳида тўхталиб: «Халқимиз шуни яхши билиши керак: олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукаммал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради», деган сўзлари маъносини чуқур англаб, ҳаётга татбиқ этишимиз лозим.

Адлия подполковниги
Жаҳонгир АШУРОВ,
Қарши ҳарбий прокурори

ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ - УСТУВОР ВАЗИФА

Мамлакатимиздаги турли миллат ва дин вакиллари ўртасида ўзаро тотувликни, диний бағрикенгликни таъминлаш жамият барқарорлигининг асосий шартларидан ҳисобланади. 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида бу соҳада белгиланган вазифалар ҳам жамиятда миллий тотувлик ва диний бағрикенгликни асраб-авайлаш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларнинг узвий қисми эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Фуқароларнинг диний эътиқоди ва диний ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ Конституция меъёрлари Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида ўз аксини топган. Таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтда мамлакатимизда тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтган 2 276 та диний ташкилот фаолият олиб боради.

Диний таълим

Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфида Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти, Мир Араб олий мадрасаси, «Ҳадис илми мактаби» каби олий диний таълим даргоҳлари, шунингдек, 10 дан ортиқ ўрта махсус диний билим юртлари фаолият юритади. Бу ўрта махсус диний билим юртларининг 2 таси аёллар учун ихтисослаштирилган. Тошкент православ семинарияси ва Тошкент христиан семинарияси христиан динига эътиқод қилувчи ватандошларимиз учун диний таълим олиш имкониятини беради.

Афсуски, ҳозирги кунда ҳам тегишли малакага эга бўлмаган шахслар томонидан ноқонуний ҳужралар, «мактаб»лар ташкил этилиб, «диний таълим» бериш баҳонасида вояга етмаган ёшларни тўғри йўлдан адаштириш ҳолатлари учраб турибди.

Унутманг, қонунчилигимизга кўра, нолегал диний фаолият билан шуғулланиш, диндорлар ва диний ташкилотлар аъзолари томонидан болалар ва ўсмирларнинг махсус йиғилишлари, шунингдек диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўгараклар ҳамда гуруҳларни ташкил этиш базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача бўлган миқдорда жарима ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади. Маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ҳам бу ноқонуний хатти-ҳаракатларни такрорлаган шахслар базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваригача миқдорда жаримага тортилиши ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиниши мумкин.

Миссионерлик ва прозелитизм

Бундай фаолият билан шуғулланган шахсларга «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 240-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоқ белгиланди. Шундай ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилгандан сўнг содир этилган ҳолатларда айбдор шахслар базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жаримага тортилишидан бошлаб, то уч йилгача бўлган муҳлатга озодликдан маҳрум қилиниши мумкин.

Бузғунчи ғояли материаллар

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, шунингдек қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликни келтириб чиқарувчи хатти-ҳаракатларни амалга оширишга ундовчи матбаа нашрлари, кино, фото, аудио, видео маҳсулотлари, интернет материаллари ва шу кабиларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ва сотиш қонун ҳужжатларига кўра жавобгарликка тортилишга олиб келади. Хусусан, Жиноят кодексининг тегишли моддасига асосан, бундай материалларни тайёрлаш ва тарқатиш мақсадида сақлаганлик учун уч йилгача, уларни тарқатганлик ва намойиш этганлик учун уч йилдан беш йилгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланиши мумкин. Агар юқорида кўрсатиб ўтилган ҳаракатлар олдиндан тил бириктириб ёки бир гуруҳ шахслар томонидан, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиб, диний ташкилотлардан, шунингдек чет эл давлатлари, ташкилотлари ва фуқароларидан олинган молиявий ёки бошқа моддий ёрдамдан фойдаланиб, оммавий ахборот воситаларидан ёхуд телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса, 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистонда диний бағрикенглик тарихий илдиз ва қонуний асосларга эга бўлиб, дунёвий давлат ва дин орасидаги муносабатларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган. Президентимизнинг 2018 йил 16 апрелдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 июндаги «Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори диний бағрикенглик борасидаги навбатдаги муҳим қадамлардан биридир. Буларнинг барчаси Ўзбекистон дунёвий демократик ривожланиш йўлини танлаган мамлакат эканидан, ўз навбатида, барча дин вакилларига бирдек эътибор қаратилаётганидан, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик мамлакатдаги тинчлик ва барқарорликка асос бўлаётганидан далолат беради.

Анвар ЭМИНОВ,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти
масъул ходими

ЮРТИМ БЎЙЛАБ

ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ЎҚИТУВЧИСИ

АЛИХОНТЎРА СОҒУНИЙНИНГ ЧЕВАРАСИ

> Халқимизда «Юрган дарё, ўтирган бўйра» деган гап бор. Бежиз эмас. Сафарлар, саёҳатлар инсон ҳаётига ижобий таъсир кўрсатади.

БАХТЛИ БИР ТАСОДИФ

Ҳар бир хизмат сафари ўзига хос. Бироқ қишнинг сўнгги ойи аввалида Қашқадарё вилоятида кечган хизмат сафарим кутилмаган воқеаларга бой бўлди. Ҳар бир инсон ўзи бир олам. Шундай бўлса-да, айримлар ҳаётингда из қолдирадилар. Ҳар бир сўзи, хатти-ҳаракатида акс этиб турган юртсеварлик, жамият ҳаёти билан уйғунлик, ўзгалар тақдирига қайғуриш, илмга муҳаббат, оилага муҳаббат... буларни бир кишида кўриш ҳайратланарли.

Ватан ҳимоячилари Алихонтўра Соғуний ҳақида яхши биладилар десам, муболаға қилмаган бўламан. Чунки тақдирини миллий армия билан боғлаган кўпдан-кўп шарафли касб эгалари «Темур тузуклари»ни ўз фаолиятлари дастуриламалига айлантирганлар. «Тузуклар» айнан Алихонтўра Соғуниймнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳақиқий эгаларига қайтарилди. Яъни туркийдан (асарнинг туркий тилдаги асли ҳозиргача топилмагани учун форс тилида ёзилган деган қараш мавжуд эди) форс тилига таржима қилинганлигини илмий жиҳатдан далиллаб, ўзбек ўқувчиларига тенгсиз туҳфа ҳадя этди.

Ҳурматли ўқувчиларимизни нега бу ерда дабдурустдан Алихонтўра Соғуний ҳақида сўз кетгани ажаблантирса керак, албатта. Шуни ишонч билан айта оламанки, фаолияти ниҳоятда серқирра бўлган бу тарихий шахс билан боғлиқ барча нарсалар ўқувчиларимиз учун қизиқарлидир.

Мен Қарши шаҳрида Алихонтўра Соғунийнинг чеваласи билан учрашдим ва суҳбатлашдим!

Аслида бундай учрашув хаёлимга ҳам келган эмас эди. Бахтли бир тасодиф. Бир-икки оғиз фикр алмашишнинг ўзидаёқ қаршимдаги аёл оддий суҳбатдош эмаслигини англадим. У ўзини Наргиза деб таништирди. Турмуш ўртоғи ҳам миллий армиямиз профессионал асосда шакллана бошлаган дастлабки йилларда ҳарбий хизматни бошлаган. Истеъфодаги подполковник ҳамон халқ хизматида. Қаранг-а, кўпроқ ҳарбий хизматчилар ҳақида ёзганим шу ерда билиниб қолай деди. Биз ахир ҳарбий хизматчининг олима аёли ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз-ку. Аммо ўзининг таъкидлашига қараганда, турмуш ўртоғининг илмни қадрлаши, қўллаб-қувватлаши ва энг муҳими – муҳаббат ва ишончи унга куч-қувват берар экан.

ИЛМ – БАМИСЛИ ҚУШ

Наргиза 2007 – 2009 йилларда Ўзбекистон Миллий университети Тарих-археология факультетининг магистратура бўлимида таҳсил олган. У ўша йилларни шундай эслайди:

– Ўқишни ҳар доим осон ўзлаштирганман. Чунки ўзим қизиқиб танлаган, севган йўналишда таҳсил олдим. Бироз қийинчилиги шунда эдики, Тошкентда оиламдан, фарзандларимдан узоқда эдим. Бунинг вақтинчалигини билсам-да, баъзан соғинч мендан устунлик қиларди. Шундай вақтда ўзим билан ўзим бўлиб, маъюсланиб қолсам керак, Рокия холам (уларникида яшаб, ўқирдим) олдиларига ўтқизиб, шундай насиҳат қилардилар: «Биласанми, илм бамисли қуш. У сенинг қўлингда. Учиб кетса, ундан майда-чуйда кераксиз пат-у ахлати қолади. Ўзинг танла, сенга қай бири керак? Илм олиш учун келдинг. Бу қушни силаб-сийпаб, авайлаб, ўзингга ўргатиб ол. У сендан кетиб қолмайди...» Бу менга сабоқ бўлди. Холамнинг олий маълумотлари йўқ эди. Бироқ бу илмсиз дегани эмас. Айнан уларнинг кўмагида мен эски ўзбек ёзувини ҳам ўрганиб олдим. Бошида: «Шу менга керакмикан» десам: «Сен ўрганиб қўявер, бир куни асқатиб қолади», дедилар. Тўғри айтган эканлар. Илмий изланишларимда асл манбалардан фойдаланишимга тўғри келди. Бунда эски ўзбек ёзувини билишим асқатди.

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ТАРИХ

Наргиза Самадованинг илмий изланишлари маҳсули бўлган «Алихонтўра Соғуний. Биз билган ва билмаган тарих» рисоласи 2014 йилда нашрдан чиқди. У танлаган мавзуси ҳақида шундай дейди:

– Тадқиқот ишларим учун Алихонтўра Соғуний фаолиятини танлаганимда, устозим Мамлакат Қодирова ажабланиб, сўрадилар: «Нега буни танладингиз, анчагина мураккаб мавзу? Эплай оласизми?» «Бу менинг бурчим. Алихонтўра Соғуний она томондан катта бобом бўладилар!»

Ҳа, у буни уддалади. Рисоланинг сўнгги саҳифасида Ватан ва халқ келажаги учун қайғурган халқпарвар, ватанпарвар инсон Соғунийнинг қуйидаги сўзлари келтирилади: «...ҳар бир миллатнинг ҳақиқий онаси – у миллатнинг туғилиб ўсган, ота-бобосидан мерос қолган Ватанидир. Она Ватанни бошқалар тасарруфида қолдирмоқ – Ватан авлодларининг кечирилмас оғир жиноятларидир, балки инсон ҳуқуқларига хиёнатидир». Алихонтўра шахси Ватанга бўлган бетакрор, туганмас муҳаббат тимсолидир. Наргиза Самадова буни ўз изланишларида имкон қадар ёритди. Ва бу ишлари билан ўз фаолиятида катта бобосига муносиб издош эканлигини намоён қилди.

«ХАЛҚ ТАЪЛИМИ АЪЛОЧИСИ»

Биласизми, бу унвонни олиш осон эмас. Буни, айниқса, ўқитувчилар ҳаммадан ҳам яхшироқ биладилар. Наргиза Самадова 2015 йилда «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишонига сазовор бўлди.

...Ўқитувчилардан олинган тест саволларининг натижалари эълон қилинди. Ўртамиёна, яхши натижалар... фақат бир кишида энг аъло натижа қайд этилган. Олдинда яна синовлар бор. Жараённи халқ таълими вазирининг ўзи кузатиб борди. Ниҳоят, энг-энг салоҳиятли ўқитувчининг исм-фамилияси эълон қилинди. Қарши шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг ижтимоий фанлар услубчиси Наргиза Самадова.

Ўшанда якуний тадбирда сўзга чиқиб, ўз фикрларини қуйидагича баён этди: «Мен бугунги натижаларни алоҳида бир ютуқ деб ўйламайман. Шундай аъло натижаларга эришишим шарт эди. Ўқитувчи мактабда ўқувчиларни ўқитади. Бу ундан чуқур билим, иқтидор, куч-қувват талаб этади. Эртамиз ўқитувчилар қўлида. Биз эса ана шу ўқитувчиларни ўқитамиз. Демак, билимли бўлишимиз, улардан ҳамиша бир қадам олдинда бўлишимиз лозим...»

Ўқитувчиларнинг ўқитувчиси Наргиза Самадова шу куннинг ўзидаёқ «Халқ таълими аълочиси» нишонига тавсия қилинди ва сазовор бўлди.

Айни кунда ҳам у изланишларини тўхтатгани йўқ. Жорий йил кузида докторлик ишини ёқламоқчи. Бу йўлда унга омад ёр бўлсин.

«ТУРКИСТОН ҚАЙҒУСИ»

Энди, Ватаним мени суймас экан, мен уни севганлигимдан, улусим мени танимас экан, мен уни таниганлигимдан, Ватан устида бўлаётган тарихий ўзгаришларни ва ҳам бунинг келажакдаги яхши-ёмон натижаларини кўрсатиб, Ватан болаларига улгу бўлгудек, бошқалар бундан ибрат олгудек тарихий бир асар ёзишга киришдим. Бироқ мен ёлғизгина исломпараст эмас эдим, балки яралишимдаёқ инсонпараст эдим. Халққа қайси йўллиқ яхшилик қила олгайман деб, ёшлик-йигитлик даврларимни ғам-ғусса кунлари билан ўтказдим. Энди эса соч-соқолим оқариб, қарилигим етди. Ёшим саксонга эришиб, ички-ташқи кучларим орқага чекинди, қарилик юки остида букула туриб, олдимизда кўрина бошлаган ҳалокат чуқури яқинлашаётганига чидаёлмай, келажак бўғин наслларимиз ғамхўрлиги учун, ҳар ёқлама қийинчиликлар бўлса ҳам, шу тарихни ёзишга бошладим. Қаламим тилидан дардлик сўзларим қонлик кўз ёшима қўшилиб, бу китоб варақлари юзига тўкилмиш эди. Шунинг учун бунинг отини «ТУРКИСТОН ҚАЙҒУСИ» қўйдим.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Vatanparvar»

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТ

– Ўзбекистон Республикаси фуқаросиман, лекин бошқа миллат вакили бўлганлигим сабабли муддатли ҳарбий хизматга чақирилишим мумкинми?

Аслиддин Абдуллажонов, *Фарғона вилояти*

Мазкур саволга Термиз ҳарбий прокуратураси терговчиси адлия лейтенанти Санъат Шодмонов жавоб беради:

– Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддасида «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар», дея баён этилган. Шунингдек, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида «Ҳарбий хизмат Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Қуролли Кучлар сафида умумий ҳарбий мажбуриятни бажариш борасидаги давлат хизматининг алоҳида туридир» дейилган.

Ушбу ҳуқуқий асослар шуни кўрсатадики, миллий армиямиз тизимида сиз муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли, деб топилсангиз, ҳарбий хизматни ўташингиз мумкин.

ОҒИР АТЛЕТИКА

ЗАФАРЖОНОВ ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

Пойтахтимиз оғир атлетика бўйича VI Халқаро бирдамлик мусобақасидан сўнг ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатига ҳам мезбонлик қилди. Унда қитъанинг 30 дан ортиқ мамлакати вакиллари қатнашди. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси таркибидан жой олган MVSK (Mudofaa vazirligi sport klubi) атлетлари ҳам қитъа биринчилиги совриндори бўлди.

«Ўзбекистон» спорт мажмуасида ўтказилган катталар ўртасидаги VI Халқаро бирдамлик мусобақасидаги каби ёшлар ўртасидаги қитъа биринчилигида ҳам Токио Олимпиадаси йўлланмаси учун қимматли рейтинг очколари тақдим этилгани боис, баҳслар жуда қизиқарли кечди. Хусусан, бир неча кун олдин айнан шу спорт мажмуасидаги катталар ўртасидаги мусобақада MVSK аъзоси Сарварбек Зафаржонов (-81 кг) 3 та олтин медални хотиржамлик билан қўлга киритганди. Ёшлар ўртасидаги рақобат эса янада кучли бўлди ва Зафаржонов битта олтин медални рақибларига бериб ҳам қўйди – MVSK аъзоси даст кўтариш бўйича 156 кг натижа қайд этиб, кумуш медаль билан кифояланди, олтин медаль 161 кг оғирликни ўзига бўйсундирган ҳамюртимиз Муҳаммадқодир Тоштемировга насиб қилди.

Икки спортчимиз ўртасидаги рақобат қитъа чемпионатининг силтаб кўтариш машқида ҳам давом этди ва бу борада Сарварбек устунлик қилиб, олтин медаллик бўлди – MVSK аъзоси 188 кг, Муҳаммадқодир эса 182 кг оғирликни кўтарди. Умумий 344 кг натижа қайд этган Зафаржонов ёшлар ўртасида Осиё чемпиони бўлди, Тоштемиров эса даст кўтариш бўйича олтин, силтаб кўтариш бўйича кумуш ва икки кураш (161+182=343 кг) ҳисобига ҳам кумуш медаль билан тақдирланди.

– Осиё чемпионатида илк бор ғолиб бўлишим, – деди Сарварбек Зафаржонов журналистлар билан суҳбатда. – «Ўзбекистон» спорт мажмуасида ўтказилган иккита нуфузли мусобақада юртимиз мадҳияси икки марта менинг муваффақиятим шарафига янгради. Бу ҳар бир спортчининг азалий орзуси. Келгусида жаҳон чемпионати ва Олимпия ўйинларида ҳам байроғимизнинг баланд кўтарилиши, мадҳиямиз янграши учун ҳаракат қиламан.

Ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси йигитлари 3 та олтин, 6 та кумуш, 7 та бронза, жами 16 та медални қўлга киритган бўлса, қизларимиз 13 та олтин, 5 та кумуш, 2 та бронза, жами 20 та медалга эгалик қилишди. Совриндорлар сафидан MVSKнинг яна бир вакили – Александр Ли ҳам ўрин олди.

Ўсмирлар ўртасидаги биринчилик давомида 6 марта жаҳон рекорди ўрнатилди. Ўғил болалар баҳсида вакилларимиз 7 та олтин, 11 та кумуш ва 6 та бронза медалга сазовор бўлди, қизларимиз эса 9 тадан олтин ва кумуш ҳамда 3 та бронза медални терма жамоамиз ҳисобига қўшиб қўйишди.

Қитъа биринчиликларининг тантанали ёпилиш маросимида анъанага мувофиқ, барча тоифаларда энг яхшилар аниқланди. Хусусан, Ўзбекистон ёшлар терма жамоалари (ҳам йигитлар, ҳам қизлар) «энг яхши жамоа»лар сифатида эътироф этилди.

Халқаро оғир атлетика федерацияси (ХОАФ) томонидан сўнгги бор (31 январда) эълон қилинган Олимпиада рейтингида уч нафар ҳамюртимиз – Адҳамжон Эргашев (-67 кг, 3.805 балл), Акбар Жўраев (-102 кг, 3.858 балл) ва Муаттар Набиева (-55 кг, 3.519 балл) кучли саккизликдан жой олган, яъни йўлланма зонасида. Тошкентда кечган VI Халқаро бирдамлик мусобақаси ва ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатидан сўнг мазкур рейтингда юртимизнинг бошқа атлетлари учун ҳам сезиларли даражада ижобий ўзгаришлар бўлиши тайин. Зеро, вакилларимиз икки мусобақада ҳам юқори натижаларга эришишди. Қитъа оғир атлетикачилари учун рейтинг очколарини йиғиш 30 апрелда якунланади.

Яна бир янгилик. Халқаро оғир атлетика федерацияси тақвим режасига кўра, катталар ўртасидаги Осиё чемпионати жорий йилнинг апрель ойида Қозоғистонда ўтказилиши керак эди. Лекин коронавирус сабаб ХОАФ уни бекор қилди ва қитъа биринчилигини Тошкент шаҳрига кўчирди. 16–25 апрель кунлари пойтахтимиз мезбонлик қиладиган Осиё чемпионати «Токио – 2020» учун очко берувчи сўнгги мусобақадир ва айнан ундан сўнг Олимпиадага йўлланма олган қитъа атлетлари номи маълум бўлади.

ФУТБОЛ

ЗАХИРАДАГИЛАР УЧУН КЎРИК

Ўзбекистон миллий терма жамоаси навбатдаги йиғинни БААда олиб борди ва Беларусь терма жамоаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказди. Тошкентнинг «Пахтакор» клуби эса Москвада «Спартак» билан куч синашди.

Жаҳон чемпионати («ЖЧ – 2022») саралаш баҳсларининг «Д» гуруҳида пешқадамлик қилаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси навбатдаги йиғинни 18 – 24 февраль кунлари БААнинг Шаржа шаҳрида ўтказди. Бош мураббий Вадим Абрамов бу гал фақат юртимиздаги ўйинчиларни ушбу йиғинга чақирди, хорижда тўп сураётган етакчи футболчиларимиз эса жалб этилмади. Бошқача айтганда, мазкур йиғин асосан захирадаги кучларни кўрикдан ўтказишга хизмат қилди.

Йиғин доирасида Шаржа шаҳридаги «Ал Ҳамрия» стадионида Беларусь терма жамоасига қарши ўртоқлик учрашуви ҳам ўтказилди. Ўйиннинг 26-дақиқасида Павел Нехайчик томонидан киритилган гол беларусликлар ғалабасини таъминлади. 58-дақиқада Станислав Драгун томонидан пенальтидан тепилган тўпни эса дарвозабонимиз Элдор Суюнов қайтарган.

ФИФА расмий сайтида терма жамоаларнинг янги рейтинги эълон қилинди. Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўтган ойдагидек 85-ўринни эгаллаб турибди, Осиё миқёсида эса ҳамон 12-ўринда. «ЖЧ – 2022» саралаш босқичидаги гуруҳдошларимизнинг рейтингдаги ҳолати эса қуйидагича: Саудия Арабистони – 67, Фаластин – 103, Яман – 144, Сингапур – 157-ўринда.

1991 йилнинг 19 октябрида Тошкентнинг «Пахтакор» ва Москванинг «Спартак» жамоалари пойтахтимизда собиқ Иттифоқ чемпионати доирасида ўзаро куч синашган ва Андрей Пятницкийнинг ягона голи эвазига вакилларимиз ғалаба қозонганди. 29 йиллик танаффусдан кейин бу жамоалар яна ўзаро тўқнаш келди, яъни Москвада ўртоқлик учрашуви доирасида майдонга тушишди. «Пахтакор» жамоасининг етакчиларидан ҳисобланган Элдор Суюнов, Егор Кримец, Умар Эшмуродов, Аброр Исмоилов ва Игорь Сергеев Ўзбекистон миллий терма жамоаси сафида БААда ўтаётган йиғинда иштирок этаётганлиги боис, Акром Комилов, Жавоҳир Сиддиқов ва Садриддин Абдуллаев эса энди жароҳатдан тикланаётгани туфайли ушбу баҳсда қатнашмади. Натижа ҳам шунга яраша бўлди – «Спартак» 4:0 (голлар: Александр Соболев 22, Эзекиль Понсе 27, Жордан Ларссон 83, Гус Тиль 86-дақиқа) ҳисобида ғалаба қозонди.

Саҳифани Расул ЖУМАЕВ тайёрлади.

ДЗЮДО

Дзюдо бўйича «Катта Дубулға» туркумига кирувчи ҳисоб бўйича йилнинг иккинчи йирик мусобақаси Германиянинг Дюссельдорф шаҳрида бўлиб ўтди. Унда юртимиз дзюдочилари, жумладан MVSK (Mudofaa vazirligi sport klubi) аъзолари ҳам қатнашиб, ғолиблик шоҳсупасига кўтарилишди.

ГЕРМАНИЯДАН ИККИТА ОЛТИН МЕДАЛЬ

Ўтган йилги «Düsseldorf Grand Slam-2019» татамиларига 10 нафар ўзбекистонлик полвон чиққан ва мусобақа вакилларимиз учун муваффақиятсиз кечганди. Энг юқори натижа MVSK аъзолари – «Рио-2016» Олимпиадаси совриндори, Осиё ўйинлари ғолиби Диёрбек Ўразбоев (-60 кг) ва Бекмурод Олтибоевга (+100 кг) тегишли бўлиб, улар бронза медаль йўлидаги ўтиш баҳсида имкониятни бой берган ва иштирокларини 7-ўринда якунлаганди. Дунёнинг 115 давлатидан 700 нафарга яқин етакчи, хусусан 15 нафар дзюдочимизни ўзида жамлаган. «Düsseldorf Grand Slam-2020» баҳслари ҳам спортчиларимиз учун худди ўтган йилгидек омадсиз бошланди. Мусобақанинг биринчи куни татамига чиққан 5 нафар вакилимиздан фақат рейтинги энг юқори дзюдочимиз, жаҳон чемпионатининг кумуш медали совриндори Шарофиддин Лутфуллаев (-60 кг) чорак финалга қадар етиб борди. Иштирокини тўғридан-тўғри иккинчи даврадан бошлаган полвонимиз дастлаб грузиялик Жаба Папинашвилини «иппон», яъни соф ғалаба эвазига мағлуб этди, сўнг тунислик Фраж Доубидан устун келди. Чорак финалда нидерландиялик Торнике Цакадоеага ютқазиб қўйган вакилимиз бронза медаль йўлидаги ўтиш беллашувида бельгиялик Хорре Верстраетендан енгилди ва иштирокини 7-ўринда якунлаб, 260 рейтинг очкоси билан кифояланди.

Ушбу вазнда татамига чиққан иккинчи вакилимиз Кемран Нуриллаев эса чорак финал остонасида жаҳон чемпиони, японияликнинг Наохиса Такато томонидан тўхтатилди. Таъкидлаш жоиз, айнан Такато якунда мусобақанинг олтин медалини қўлга киритди. Кемран нимчорак финалга қадар нигериялик Соломон Ога, молдовалик Николай Фокадан устун келган эди.

-66 кг вазн тоифасида ҳам юртимиз спорт шарафини икки нафар дзюдочимиз – Муҳриддин Тиловов ва MVSK аъзоси Диёрбек Ўразбоев ҳимоя қилди. Муҳриддин сербиялик Страхинжа Бунчич, словакиялик Адриан Гомбок, германиялик Себастьян Сейдлни мағлубиятга учратди. Чорак финалга ўтиш учун кечган беллашувда озарбайжонлик Орхан Сафаровга ютқазиб қўйди. Яқиндагина вазнини ўзгартирган Диёрбек эса баҳсларга тўғридан-тўғри иккинчи босқичдан киришиб, беларуслик Дмитрий Шершандан устун келди, аммо иккинчи рақиби болгариялик Божидар Темелковга имкониятни бой бериб қўйди. Ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони Диёра Келдиёрова (-52 кг, MVSK) илк давра беллашувида ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони, «Düsseldorf Grand Slam-2019»нинг кумуш медали соҳибаси мўғулистонлик Сосорбарам Лхагвасурендан енгилди.

Иккинчи куни татамига чиққан ўрта вазнли дзюдочиларимизнинг натижаси биринчи кунги енгил вазнлиларникидан ҳам пастроқ бўлди. Яхшироқ натижа Шаҳрам Аҳадов (-73 кг) ва MVSK аъзоси Ғиёсжон Бобоевга (-73 кг) тегишли бўлиб, улар турнирнинг учинчи босқичигача муваффақиятли беллашишди. Аҳадов чорак финалга ўтиш баҳсида грузиялик Лаша Шавдатуашвилига, Бобоев эса кореялик жаҳон чемпиони Ан Чангримга имкониятни бой берди. Гулноза Матниязова (-70 кг, MVSK) ва Камолиддин Расулов (-81 кг) илк учрашувидаёқ ютқазган бўлса, тўғридан-тўғри иккинчи даврадан баҳсларга қўшилган Шарофиддин Болтабоев (-81 кг) венгриялик Атилла Унгварини қўшимча бўлимда мағлуб этишнинг уддасидан чиқди. Болтабоев ўзига хос Марказий Осиё дербисида Осиё ўйинлари ҳамда қитъа чемпионатининг бронза медали соҳиби қирғизистонлик Владимир Золоевга ютқазиб қўйди. Ўзбекистон терма жамоаси дзюдочиларининг Дюссельдорф турнири иккинчи кунги беллашувлардаги иштироки шу тариқа якунланди, энг яхши натижамиз учинчи босқич бўлди.

Мусобақанинг сўнгги – учинчи куни оғир вазнлилар ғолиблик учун татамига чиқишди ва ниҳоят вакилларимизнинг омади юришиб, якунда икки нафар дзюдочимиз шоҳсупага кўтарилди. Ораликда уч нафар вакилимиз муваффақиятсизликка учради. Нодира Йўлдошева (-78 кг) ва Алишер Юсупов (+100 кг) илк учрашувидаёқ мағлубият аламини тотган бўлса, тўғридан-тўғри иккинчи даврадан курашга қўшилган полвонимиз Бекмурод Олтибоев (+100 кг, MVSK) дастлаб грузиялик Онисе Бугадзени мағлуб этди, аммо кейинги босқичда чехиялик Масей Сарначкига ютқазди.

Шанба ва якшанба кунлари ойнаи жаҳон қаршисида кўнгли чўкиб ўтирган юртимиз дзюдо мухлисларига MVSK аъзоси Давлат Бобонов умид бағишлади. -90 кг вазн тоифасида беллашган MVSK аъзоси илк даврада тожикистонлик Сиротулло Икромовни «иппон» баҳоси эвазига таслим этди. У иккинчи босқичда бир қатор «Катта Дубулға» турнирлари ғолиб ҳамда совриндори, қозоғистонлик тажрибали полвон Ислам Бозбаевдан устун келди. Кейинги босқичда MVSK аъзосини яна бир ўзига хос синов кутиб турганди, яъни у ёшлар ўртасида икки карра жаҳон чемпиони грузиялик Лаша Бекаурига қарши татамига чиқди. Бу ерда, барибир, тажриба ўз сўзини айтди – энди катталар ўртасидаги йирик турнирларда ўз иштирокини бошлаган Бекаурини ҳамюртимиз соф ғалаба эвазига мағлубиятга учратди. Бобоновнинг чорак финалдаги рақиби яна бир грузиялик полвон, ўтган йилги Осака «Катта Дубулға»си ғолиби Бека Гвиниашвили бўлди. Давлат бу рақибини муддатидан аввал таслим этди.

Халқаро дзюдо федерацияси (ХДФ) «Düsseldorf Grand Slam-2020»дан олдин дзюдочиларнинг янгиланган Олимпиада рейтингини эълон қилган, унда Давлат Бобонов 1701 очко билан 28-поғонада қайд этилганди. MVSK аъзосининг ярим финалдаги рақиби ушбу рейтингда 4-поғонани эгаллаб турган кубалик Иван Фелипе Моралес Сильва бўлди. Дзюдочимиз бу рақибини ҳам муддатидан аввал мағлубиятга учратиб, финалга чиқди ва турнирнинг камида кумуш медалини нақд қилди. Давлат Бобонов финалда украиналик Куеджау Набалига қарши татамига чиқди ва уни «иппон» баҳоси эвазига мағлуб этиб, Дюссельдорф турнирининг олтин медали билан тақдирланди.

Дзюдочиларимиз орасида учинчи кунги баҳсларни аслида MVSKнинг яна бир аъзоси Муҳаммадкарим Хуррамов (-100 кг) бошлаб берган ва илк даврада франциялик Седрич Оливарни соф ғалаба эвазига мағлубиятга учратганди. Вакилларимизнинг Дюссельдорф турниридаги қатнашувига айнан Хуррамов ўз муваффақияти билан якун ясади. У иккинчи давра беллашувида латвиялик Евгениюс Бородавкони учта «шидо» баҳоси эвазига мағлуб этди. Шундан сўнг Муҳаммадкарим мўғулистонлик Отгонбаатар Лхагвасурендан, чорак финалда озарбайжонлик Зелим Коцоевдан, ярим финалда ХДФ рейтингида 17-поғонадан жой олган бразилиялик Рафаэль Бузакаридан устун келди. ХДФ рейтингида 22-ўринни эгаллаб турган MVSK аъзоси Муҳаммадкарим Хуррамов ҳал қилувчи жангда озарбайжонлик Елмар Гасимовни мағлубиятга учратди ва мусобақа ғолибига айланди. Шундай қилиб, дзюдочиларимиз «Düsseldorf Grand Slam-2020»дан 2 та олтин медаль билан қайтишди.

Р. ЭРМУҲАММАД

ШОҲСУПА

(хабарлар)

АКАДЕМИК ЭШКАК ЭШИШ. Навбатдаги жаҳон чемпионати 50 дан ортиқ мамлакат вакиллари иштирокида Францияда ўтказилди. Унинг механик эшкак эшиш йўналиши бўйича баҳсларида илк бор Ўзбекистон терма жамоаси ҳам қатнашди. Ёшлар ўртасидаги «JM 1X» йўналиш бўйича баҳсларда иштирок этган ҳамюртимиз Мерож Маматқулов якунда шоҳсупага кўтарилиб, кумуш медаль билан тақдирланди ва юртимиз спорти тарихидан дунё биринчилиги 1-совриндори сифатида жой олди.

ТЕННИС. Қозоғистонда ўтказилган мукофот жамғармаси 25 000 АҚШ долларини ташкил этувчи турнирда MVSK аъзоси Жўрабек Каримов беларуслик Иван Луитаревични 3:6, 6:4, 7:6, қозоғистонлик Григорий Ломакинни 7:6, 6:2 ҳисобида мағлуб этди. Рейтингда 602-ўринни эгаллаб турган вакилимизнинг россиялик Сарвиан Даниловга қарши чорак финал баҳси ҳам қизиқарли кечаётган (6:7) бир пайтда тўхтатилди – теннисчимизга аввалдан олган жароҳати панд бериб, иккинчи сетда кортга чиқа олмади.

ПАРАДЗЮДО. Тбилиси шаҳри мезбонлик қилган Жаҳон кубоги баҳсларида ҳамюртларимиз 2 та олтин, битта кумуш ва 4 та бронза медални қўлга киритишди ва Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади. Барча рақибларини мағлуб этган ҳамюртларимиз Учқун Қуранбоев (-66 кг) ва Ширин Шарипов (+100 кг) чемпионлик шарафига муяссар бўлди.

БОКС. Ёшлар ўртасида Беларусда ўтказилган халқаро турнирда 7 нафар вакилимиз шоҳсупага кўтарилди – барча рақибларидан устун келган Файзулло Худойбердиев (-52 кг), Нурислом Исмоилов (-75 кг), Шоҳжаҳон Абдуллаев (-81 кг) ва Жаҳонгир Зокировга (+91 кг) олтин, фақат финалда мағлуб бўлган Сирожиддин Ҳожиаҳметов (-69 кг) ва Логин Петровга (-75 кг) кумуш, ярим финалгача етиб борган Умид Қадамбоевга (-64 кг) бронза медаль топширилди. Ҳамид Тангрибергенов бош мураббийлигидаги терма жамоамиз умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади, учликни Беларусь ва Россия ёшлари тўлдирди.

СПОРТ КУРАШЛАРИ. Ҳиндистонда бўлиб ўтган қитъа биринчилигининг юнон-рум кураши бўйича баҳсларида олтин медални қўлга киритган полвонимиз Элмурат Тасмурадов (-63 кг) фаолияти давомида 5-марта Осиё чемпиони бўлди! Жасурбек Ортиқбоев (-55 кг), Маҳмуд Бахшуллоев (-67 кг) кумуш, Исломжон Баҳромов (-60 кг), Жалгасбай Бердимуратов (-82 кг) ва Муҳаммадали Шамсиддинов (-97 кг) бронза медаль билан тақдирланди. Умумжамоа ҳисобида терма жамоамиз худди ўтган йилги Осиё ва жаҳон чемпионатларидаги каби яна 2-ўринни эгаллади. Эркин кураш беллашувларида эса вакилларимиздан Ильяс Бекбулатов (-70 кг) олтин, Иса Шапиев (-86 кг) бронза медални қўлга киритди. Аёллар кураши бўйича қитъа биринчилиги якунида икки нафар ҳамюртимиз – Даулетбике Яхшимуратова (-50 кг) ва Актенге Кеунимжаева (-53 кг) бронза медалга сазовор бўлди.

ГИМНАСТИКА. Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Минск шаҳридаги халқаро турнирда муваффақиятли қатнашди. Гимнастикачи қизларимиз битта кумуш, 2 та бронза медални қўлга киритган бўлса, эркаклар ўртасидаги баҳсларда вакилларимиз 5 та олтин, 3 та кумуш, 4 та бронза медалга эгалик қилишди.

ҲАРБИЙ ТЕХНИКА

ЎЗИГА ХОС КЎРИНИШГА ЭГА

Франциянинг «Некстер системз» компанияси мутахассислари томонидан яратилган «Титус» русумли зирҳли жанговар машина 2013 йилда Лондонда ўтказилган қурол-яроғ ва жанговар техника кўргазмасида илк марта ҳарбий мутахассислар эътиборига ҳавола этилган. Мазкур янги машина учун асос сифатида Чехиянинг «Татра» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган тўлиқ узатмали уч ўқли шасси танланган. Корпус конструкцияси ва ғилдираклар жойлашуви ўзига хос кўринишга эга бўлиб, ўрта ўқ машинанинг ўрта қисмида жойлашган.

Бунинг натижасида машинанинг оғирлиги барча ғилдиракларга (6 та) тенг тақсимланади, бу эса паст-баланд жойларда ҳаракатланишда унинг турғунлиги ва ўтувчанлигига ижобий таъсир кўрсатади.

«Титус»га 20 мм.ли автоматик тўп ва у билан жуфтлаштирилган 7,62 мм.ли пулемётга эга бўлган ARX-10 типидаги масофадан бошқарилувчи қурол модули ўрнатилган. Машинанинг жанговар оғирлиги 17 тонна, қўшимча зирҳланганда эса 27 тоннагача етиши мумкин. «Камминз» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган, умумий қуввати 440 от кучига тенг бўлган олти цилиндрли дизель двигатели билан жиҳозланган. «Титус»нинг узунлиги 7,5 метр, баландлиги 2,7 метр, эни 2,5 метр, шоссе бўйлаб максимал ҳаракатланиш тезлиги соатига 110 км, ёқилғи бўйича юриш захираси 700 км.ни ташкил этади. Машинага командир, ўқчи ва механик-ҳайдовчидан ташқари, 10 нафар пиёда аскар жойлашиши мумкин.

АВТОМАТИК ТИЗИМ БИЛАН ЖИҲОЗЛАНГАН

Сербия ҳарбий-техник институти мутахассислари томонидан яратилган «Сора» (Sora) типидаги 12 мм.ли ўзиюрар гаубица ўта қийин йўллардан ҳам юра оладиган FAR 2026 русумли автомобиль (ғилдираклар формуласи 6х6) шассисига ўрнатилган.

Автоматик ўқлаш тизимига эга бўлган мазкур гаубица ўқ солинадиган қисмнинг ҳар икки томонидаги 2 та барабанга жойлаштирилган олтита снаряд ва заряддан фойдаланади (снаряд – ўнг томонда, заряд – чап томонда). Ўқлаш тизимининг автоматлаштирилгани сабабли тўп ҳисоби икки кишигача қисқартирилган (стандарт ҳолатда уч кишидан иборат бўлади). Ўт очишни бошқариш тизими ўқ узишни 3-4 дақиқа оралиқдаги цикл билан олиб бориш имконини беради: машинани тўхтатиш ва тўпни поход ҳолатидан жанговар ҳолатга ўтказиш учун 90 сония, олтита снарядни отиш учун 60 сония ва тўпни қайта поход ҳолатига ўтказиш учун яна 60 сония талаб этилади. Гаубицанинг жанговар комплекти 40 та снаряддан иборат бўлиб, улар кузовда жиҳозланган стеллажларга жойлаштирилган. «Сора» инерциал ва йўлдош орқали навигация тизимига эга. Муайян позицияда ўт очишни бошқариш масофадан (машинадан 200 метр узоқликдан) амалга оширилиши мумкин. Ўзиюрар гаубицанинг жанговар оғирлиги 18 тонна (жанговар комплект билан биргаликда), ёқилғи бўйича юриш захираси 50 км.ни ташкил этади. «Сора» биринчи марта 2013 йилда Белград шаҳрида бўлиб ўтган «Партнёр – 2013» номли халқаро қурол-яроғ ва ҳарбий техника кўргазмасида ҳарбий мутахассислар эътиборига ҳавола этилган.

В ЧЕСТЬ ПЕРВОГО КАНЦЛЕРА

Специализированный самолёт А.340-313Х VIP «Конрад Аденауэр» Военно-воздушных сил Германии (бортовой опознавательный номер 16 + 01), разработанный специалистами компании «Эрбас», предназначен для перевозки высшего политического руководства страны. Вошёл в состав отряда обслуживания правительственных перевозок в 2011 году.

Машина получила своё название в честь первого канцлера Германии. На борту имеются апартаменты для первого лица государства со спальней, душем и оборудованным видеосвязью рабочим кабинетом, а также конференц-зал и специальное звукоизолированное помещение для конфиденциальных переговоров. Самолёт также оборудован системой госопознавания «свой-чужой» и оптоэлектронным комплексом защиты от атак зенитных управляемых ракет с инфракрасными головками самонаведения.

Основные технико-тактические характеристики специализированного самолёта: длина 64 метра, высота 17 метров, размах крыла 60 метров, крейсерская скорость 870 км/ч, максимальная – 913 км/ч, дальность полёта 13 700 км. Версия 313Х отличается увеличенной взлетной массой. В составе отряда имеются две такие машины – вторая «Теодор Хайс» (16 + 02).

В ИНТЕРЕСАХ ВОЕННО-МОРСКИХ СИЛ

Гидрографическое судно «Эхо» ВМС Великобритании (бортовой номер H87) было спущено на воду 4 марта 2002 года на верфи «Эпплдор шипбилдинг» в г. Байдфорд, и вошел в состав военного флота страны 7 марта 2003 года.

Корабль предназначен для проведения научно-исследовательских и гидрографических работ в интересах военно-морских сил страны, а также для информационного обеспечения десантных и противоминных операций. В некоторых средствах массовой информации позиционируется как разведывательный корабль.

Полное водоизмещение судна 3 600 т, длина 90 м, ширина 16,8 м, осадка 5,5 м. Суммарная мощность дизель-электрической энергетической установки (три дизель-генератора) 6 436 л.с. Наибольшая скорость хода 15 узлов, дальность плавания 9 000 миль при скорости 12 узлов. Экипаж 72 человека. Дежурство личного состава на борту организовано на ротационной основе, что позволяет судну в течение продолжительного времени находиться в различных частях Мирового океана. Вооружение: две 20-мм артиллерийские установки, три 7,62-мм шестиствольные пулеметные установки Mk 44 и четыре пулемёта калибра 7,62 мм. На борту корабля имеется спасательный катер, а также оборудована вертолетная площадка.

П. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

ЖАҲОНДА

СИНОВЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Тяньцзин университетининг бир гуруҳ олимлари томонидан янги коронавирусга қарши перорал вакцина ишлаб чиқилди, деб хабар беради «Хуаньцю шибао» газетаси. Бу вакцинани тайёрлаш учун асос сифатида новвойлар хамиртурушидан, коронавируснинг S-оқсилидан эса – антижисмларни генерация қилиш учун нишон сифатида фойдаланилган. Ҳозирда профессор Хуан Цзиньхай бошчилигидаги мутахассислар вакцинани токсикологик баҳолаш, унинг самарадорлигини таҳлил қилиш ва ишлаб чиқаришни бошлаш имкониятлари устидаги ишларни изчил давом эттирмоқда.

МИНАЛАРДАН ТОЗАЛАНМОҚДА

Сурия армияси сапёрлари яқинда жангарилардан озод қилинган Алеппо шаҳри яқинидаги Захра посёлкасини қўлбола миналар, портламай қолган снарядлар ва портловчи мосламалардан тозалаш ишларини давом эттирмоқда.

– Асосий вазифамиз Захрадаги барча йўлларни миналардан тозалаш ва транспорт ҳаракати учун очишдан иборат. Ҳозиргача асосан хорижда ишлаб чиқарилган юзлаб фугас ва кўплаб портловчи мосламалар зарарсизлантирилди, – деди муҳандислик хизмати командири Воҳид Диаб.

РЕКОРДЧИ ДУНЁДАН КЎЗ ЮМДИ

Жорий йилнинг 12 февраль куни сайёрамиздаги энг кекса инсон сифатида Гиннесснинг рекордлар китобига киритилган японияли Ватанабэ Титэцу орадан 11 кун ўтиб, яъни 23 февраль куни 112 ёшида Ниигата префектурасидаги қариялар уйида вафот этди, деб хабар қилади Киодо агентлиги. Ватанабэ 1907 йилнинг 5 март куни деҳқон оиласида дунёга келган. Унгача 2019 йилда 113 ёшида вафот этган Масадо Нонака дунёдаги энг кекса инсон деб ҳисобланар эди. Маълумотларга кўра, Японияда 80 ёшдан ошган фуқаролар сони 2015 йилда 10 миллион кишидан ошганлиги қайд этилган эди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ИЗЛАНИШ

ЕР ОСТИ ҲАРБИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАРИ

Замонавий шароитларда фан ва техника ривожланиб, инсоният барча соҳаларда ютуқларга эришиб келмоқда. Шундай ривожланиш ер ости коммуникациялари ва фортификацияларида ҳам кўзга ташланмоқда.

1968 йилда Шимолий Вьетнам армияси қўшининг ҳаракатланиши учун мамлакат ҳудудида тахминан 200 квадрат километр майдонга эга бўлган кенг туннеллар тармоғи қурилган. Ўтиш туннеллари, бункерлар ва узоқ муддатли отиш нуқталарида жангчилар ер ости жанговар ҳаракатларини олиб борган ва кутилган натижаларга эришган. Туннель деярли ҳар бир қишлоқ остидан ўтиб, ер ости лагерлари, омборларини бир-бири билан боғлаган.

2011 йилдан бошлаб Сурияда олиб борилган жанговар ҳаракатларда ер ости урушлари ривожланди ва бу масала ҳарбий илмий тадқиқотнинг асосий мавзуларидан бирига айланди. Мазкур ҳудудда террористик гуруҳлар томонидан тайёрланган ер ости туннеллари ва коммуникацияларида фаол жанговар ҳаракатлар олиб борилган. Бунинг натижасида ҳукумат қўшинларининг зирҳли техникалари, ҳаво ва артиллерия қўшинларининг жанговар имкониятлари пасайган. Натижада улар жангларда устунликка эриша олмай, кўпгина талафотларга дуч келди.

Шундан сўнг Сурия ҳарбий мутахассислари томонидан ер ости уруши тактикасининг самарали усули ишлаб чиқилиб, у қўшинларга татбиқ қилинди. Оқибатда ҳукумат қўшинлари туннеллар орқали душманнинг жойлашув жойига ҳаракатланиб, унинг позицияларига ҳеч қандай талафотларсиз 100 фоиз бутлик билан жанговар вазифаларни бажаришга шай ҳолда етиб боришга ва душман лагерларини эгаллашга ҳамда йўқ қилишга эришилди.

Кейинги йилларда дунёда ер ости иншоотлари қурилиши жадаллашди. Бу қуйидагиларда кўзга ташланди:

– тоғ-кон саноати фаолияти тўхтатилган конларга ишлаб чиқариш корхоналари жойлаштирилди;

– ер ости иншоотларига ҳарбий объектлар – ер ости коммуникациялари, узоқ муддатли қўмондонлик постлари, бошпаналар, ҳарбий омборлар, ҳарбий техника ва қурол-яроғларни таъмирлаш каби объектларни жойлаштириш ишлари амалга оширилди;

– шаҳар лойиҳаси учун қурилган ер ости иншоотлари (савдо марказлари, поезд станциялари, гаражлар, пиёдалар ўтиш жойлари, ресторанлар, кинотеатрлар, телефон станциялари)дан ҳарбий соҳада, душман ҳаводан зарба берганда ёки оммавий қирғин қуролларини қўллаган шароитларда, шаҳар аҳолиси ва ҳарбийларни эвакуация қилиш, уларни бошпана, тураржой билан таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш учун фойдаланиш кўзда тутилди;

– транспорт коммуникациялари учун қурилган метролар, темир йўллар, автомобиль ва гидротехник туннелларидан қўшинларнинг бир жойдан бошқа жойга кўчиши учун фойдаланиш режалаштирилди.

Жанговар ҳаракатларни ер остида олиб бориш кўп меҳнатни талаб қилишига ва ҳарбий техникалар тезкор ривожланишига қарамай, асрлар давомида ундан фойдаланиш даражаси ошиб бормоқда. Бу эса Қуролли Кучларимизда ҳам ер ости коммуникация ва иншоотлари бўйича жиддий изланишлар олиб боришни тақозо қилади.

Капитан Акбар МУЛЛАЖОНОВ,
Қуролли Кучлар академияси
илмий взвод командири.
Шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар
Рамазон НОРҚУЛОВ, илмий взвод тадқиқотчиси

ТАЪМИНОТГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ – ЗАМОН ТАЛАБИ

Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги қўшинлари жаҳоннинг илғор мамлакатлари, хусусан Россия, Франция, Хитой, Туркия ва бошқа давлатлар билан ҳарбий техникавий ҳамкорлик доирасида қатор замонавий ҳарбий техника ва қуроллар билан таъминланмоқда.

Охирги ўн йилликда жаҳонда юз берган ҳарбий можаролар тажрибаси шуни кўрсатдики, техник таъминот катта урушлар талабига мос тарзда олиб борилмоқда. Яна бир муҳим жиҳати, жанговар ҳаракатларнинг тури, қўлланаётган ҳарбий-тактик усуллар, унда иштирок этаётган қўшин ва тузилмалар таркибига қараб, техник таъминот ўзига хос тарзда кечади. Масалан, кенг майдонга ёйилиб ҳаракатланаётган бирлашма ва бўлинмаларни ўз вақтида ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар билан таъминлаш учун қайси қурол, ўқ-дори қай даражада қўлланилаётгани ҳисобга олинади. Шунга қараб, техник таъминотга масъул қўшинлар, блокпостлардаги ҳарбий хизматчилар моддий воситалар захираси юкланган колонналарни кузатиб бориш билан бир вақтда бошқа жанговар вазифаларни ҳам бажарадилар. Масалан, Афғонистонда 120 – 700 км, Чечнистонда 160 – 200 км масофа ораликларида ҳарбий техник таъминотчилар ўта ҳушёрликда ҳаракат қилдилар. Бунда моддий воситалар захираси ортилган колонналарга доимий ҳужум хавф солиб турди.

Бундан ташқари, ҳарбий техника замон талаблари асосида мунтазам такомиллашиб боришини унутмаслик керак. Юқори самарали янги қурол-аслаҳалар эскираётган ҳарбий техникаларни сафдан чиқаришни тақозо этади. Ички қуролли можароларда техник таъминот жараёнида иштирок этаётган турли вазирлик ва кучларнинг ҳарбий воситалари келишув асосида амалга оширилади.

Ҳозирда техник таъминот вазифаларининг асосий қисми Мудофаа вазирлигининг бирлашма, қўшилма ва қисмларига юклатилади. Бу бежиз эмас. Ҳақиқатан, кўп сонли қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларнинг оператив захираси бошқа тузилмаларга нисбатан бу тизимда мустаҳкам. Шунга кўра, қўшинларнинг техник таъминоти тизимида оператив захирани бошқа куч ва вазирликларга тегишли бўлинмаларда ҳам юксак даражага етказиш борасида янги қадамлар қўйилмоқда. Зеро, ҳарбий техник таъминот ва қурол-яроғ жанговар техникаларга техник хизмат кўрсатишда янгича ёндашиш замон талабидир.

Майор Э. ТЎЛАГАНОВ,
Қуролли Кучлар академияси тингловчиси

ХАБАРЛАР

СПОРТИВНЫЙ ДЕНЬ С КОМАНДУЮЩИМ

На одной из спортивных баз Спортивного клуба Министерства обороны прошел спортивный фестиваль. На фестивале, организованном командованием войск охраны категорированных объектов (КВОКО) и Спортивным клубом МО РУ, приняли участие свыше 200 учащихся школ, лицеев и «Темурбеклар мактаби», а также выдающиеся спортсмены нашей страны. В рамках фестиваля состоялся турнир, в котором приняли участие команды: «Ватанпарварлар», «Лочинлар», «Фидойилар», «Жасурлар», «Мард ўғлонлар», «Шунқорлар», «Юрт посбонлари», «Бургутлар».

В ходе спортивного мероприятия участники соревновались по таким видам спорта как армрестлинг, перетягивание каната, стрельба из пневматической винтовки, подтягивание на перекладине, шахматы, а также военизированной эстафете.

По итогам соревнований команда «Фидойилар» стала лучшей в дисциплинах армрестлинг и перетягивание каната, участники команды «Жасурлар» лучше всех стреляли из пневматической винтовки. По подтягиванию на перекладине парням из «Мард ўғлонлар» не было равных. Быстрее всех на военизированной эстафете были участники команды «Юрт посбонлари».

В завершении соревнований командующий ВОКО полковник Журъат Якубов вручил участникам подарки – литературные произведения узбекских писателей и поэтов, а также кубок победителю в общекомандном зачете команде «Фидойилар».

— — — — —

ВЫСОКИЕ РЕЗУЛЬТАТЫ В ЧЕМПИОНАТЕ УЗБЕКИСТАНА

В Фергане завершился чемпионат Узбекистана по стрельбе из лука. Отличную выучку и высокие результаты показали спортсмены Спортивного клуба Министерства обороны (СКМО).

Чемпионат Узбекистана по стрельбе из лука проводится четыре раза в год. Зимний этап соревнований отличается тем, что расстояние между спортсменом и мишенью сокращается. Как показал турнир, данный вид спорта стал набирать обороты – популяризировался среди молодежи.

В данном соревновании из СК приняли участие семь спортсменов и в разных упражнениях завоевали двенадцать медалей. Юнус Сармамбетов завоевал две золотые медали, Дильноза Ахмеджанова одно золотое и три серебряных медалей. Чен Ля Юн принес в копилку СК МО три золотых и две серебряных медалей.

Чингиз РАИМБЕРДИЕВ

МИНТАҚАДА

АФҒОНИСТОНДА ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВЛАРИ

Афғонистоннинг амалдаги Президенти, мамлакатни 2014 йилдан бери бошқариб келаётган Ашраф Ғани мамлакатда ўтган президентлик сайловларида ғолиб деб топилди. Бу ҳақда 1TV телеканали мамлакат сайлов комиссияси маълумотига таянган ҳолда хабар берди. Шу тариқа Ғани Президент лавозимини иккинчи муддатга эгаллайди. Эълон қилинган дастлабки натижаларга кўра, 71 ёшли Ғани учун 923 мингдан кўпроқ сайловчи (50,64 фоиз) овоз берган. 2-ўринни мамлакат Бош вазири Абдулла Абдулла 39,52 фоиз, 3-ўринни собиқ Бош вазир, «Ҳизб-а-Исломий» (Афғонистон Ислом партияси) етакчиси Гулбиддин Ҳикматиёр 3,85 фоиз овоз билан эгаллаган.

ҲАРБИЙЛАР ЎРТАСИДА ТАНЛОВ

Туркманистон Қуролли Кучларининг барча ҳарбий қисмларида «Gerçek yigit, goç yigit» танловининг навбатдаги босқичи ўтказилди. Чақирув бўйича хизмат ўтаётган ҳарбийлар ўртасида ўтказиладиган мазкур танлов уларнинг ижодий салоҳиятини очиш, жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш, ҳарбий жамоалардаги уюшқоқликни мустаҳкамлашга йўналтирилган. Танлов иштирокчилари ҳарбий ҳаёт ҳақида инсценировка ва ижодий ҳикояларни тайёрлаш, жанговар тайёргарлик ва ҳарбий низомлар борасидаги билимлари, спорт турлари бўйича маҳоратларини намойиш этдилар. Ғолибларга фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

АМАЛДОРЛАР ЎРНАК БЎЛАДИ

Тожикистон Қуролли Кучлари куни муносабати билан ўтказилган тантаналар йиғилишда сўзга чиққан мамлакат Президенти Эмомали Раҳмон армияда хизмат бурчини ўтаган ёшларни рағбатлантириш, уларга имтиёзлар бериш ва иш билан таъминлашнинг турли йўл ва усулларини топиш бўйича кўрсатмалар берди. Шунингдек, ҳукумат аъзолари ва парламент депутатлари, юқори лавозимдаги барча амалдорлар Конституция ва қонунларга сўзсиз риоя этишда барчага ўрнак бўлишлари, айнан уларнинг фарзандлари биринчи навбатда ва мажбурий тартибда Қуролли Кучлар сафида хизмат қилишга шай бўлишлари лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ХАБАРЛАР

УМИДЖОНДАН УМИД КАТТА

Мактаб ўқувчилари дарсдан кейинги бўш вақтидан унумли фойдаланяптими? Бошқаларни билмадим-у, мирободлик ўқувчиларнинг Қуролли Кучлар академиясига экскурсияси ҳар лаҳза қадрига етиш, ҳатто ўз олдига аниқ мақсад қўйишида муҳим тадбир бўлди.

Республика Ҳарбий прокуратураси, Миробод тумани прокуратураси ҳамкорлигида «Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати!» шиори остида ўтказилган тадбирда дастлаб 200 нафардан ортиқ мирободлик ёшлар ҳарбий оркестр садолари остида кутиб олинди.

«Ватан – муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!» мавзуида ўтган давра суҳбатида Республика ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси адлия полковниги Шуҳрат Зоиров, Тошкент ҳарбий прокурори адлия полковниги Фахриддин Бегашев, Қуролли Кучлар академияси бошлиғининг ўринбосари полковник Даврон Усмонов, Миробод тумани прокурори адлия маслаҳатчиси Аҳрор Аҳунов ўз касбининг масъулияти, ҳарбий хизмат муқаддас бурч эканини таъкидлади. Мухтасар видеоролик академия фаолиятига доир таассуротни жонлантирди.

Бу тадбир Миробод туманидаги 218-мактаб ўқувчиси Умиджон Ҳакимов учун ҳам эсда қоларли бўлди. Чунки унга тумандаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг «Таэквондо» тўгарагида бепул шуғулланиш учун йўлланма тақдим этилди. Бу жараён суратларга муҳрланди.

– Мен учун спорт ва мутолаадан ўзга севимли машғулот йўқ, – дейди Умиджон. – Чунки у инсоннинг онгу иродасини тоблар экан. Бугунги тадбирда менга билдирилган умид ва ишончдан кўксим тоғдек кўтарилди. Энди уни катта ареналарда чемпионлик билан оқламасам бўлмас.

Яна тадбирда жанговар техника ва қурол-аслаҳалар намойиши, стадионда курсантларнинг қўл жанги ва кўргазмали чиқишлари бўлди. Академия тарихи музейида бой ва нодир экспонатлар ўтмиш воқеаларидан гувоҳлик берди.

Жажжи меҳмонлар курсантлар билан ҳамсуҳбат бўлди, уларнинг ўқиш ва яшаш шароитлари билан яқиндан танишди. Ахборот-ресурс маркази, сузиш ҳавзаси, жанговар машиналарни ҳайдаш бўйича тренажёр хонаси ёшлар эътиборини тортди. Эсдалик учун умумий суратга тушиш ҳам ёддан чиқмади.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ

БЕКАЛИК МАҲОРАТИ

Қуролли Кучлар академиясида «Балли, аёллар!» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Тадбир Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари кенгаши, «Соғлом авлод учун» халқаро ҳайрия фонди ва яқиндагина ташкил этилган Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилди. Унда ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари қатнашди.

Кўрик-танловда ҳарбий хизматчиларнинг рафиқалари Дилдора Бозорова, Юлдуз Норова, Моҳира Шерова, Малоҳат Йўлдошева, Мухлиса Бойманова тўрт шарт бўйича беллашди.

«Аёл дунё тебратар» шартида иштирокчилар миллий рақс, қўшиқ ва халқ ўйинларини маҳорат билан ижро этишди. «Фарзандим – кўзмунчоғим» шартини залда ўтирганлар ўзгача ҳаяжон билан кутиб олишди, яъни мазкур шартда алла ижро этилди. «Тадбиркорлик – аёл талқинида» ва «Баҳру байт» мушоира шартларида устунликни бой бермаган Юлдуз Норова ғолибликни қўлга киритди.

Айжамал ЖОЛДАСБАЕВА

БУГУННИНГ ГАПИ

ЧИҚИНДИ ПОЛИЦИЯСИ КЕРАК(МИ?)

Барака топкур япондан дунё аҳли ҳайратда

Ўтган асрнинг охирларида футбол бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ғалати ҳолат кузатилган. Дунёнинг турли давлатларидан келган «миллионлар ўйини» ишқибозларига мусобақаларни томоша қилиши учун стадионда алоҳида-алоҳида ўриндиқлар қатори белгиланади. Ҳар бир ўйин тугаганидан кейин ўриндиқлар оралиғини супуриб-сидириб, тартибга келтирадиган фаррошлар келиб, япониялик томошабинлар ўтирган жой топ-тоза, ерга ҳатто чўп ташланмаганига гувоҳ бўлишади. Шу ҳолат то футбол мусобақалари якунига етгунча такрорланади. Ва ниҳоят футбол бўйича қайси мамлакат жамоаси жаҳон чемпиони бўлиши аниқланадиган финал ўйини бошланишига саноқли дақиқалар қолади. Ана шундай ҳаяжонли лаҳзада микрофон орқали япониялик томошабинларга стадионда тозаликни сақлагани учун ФИФА раҳбарияти ва жаҳон чемпионатига мезбонлик қилган мамлакат номидан миннатдорлик билдирилади.

Тасаввур қилинг: ўша пайтда стадионнинг ўзида саксон мингга яқин томошабин бўлган, дунё бўйича юз миллионлаб футбол ихлосмандлари финал ўйинини кўриш учун ойнаи жаҳонга кўз тикиб ўтиришган ва уларнинг барчаси японияликларнинг жаҳон чемпионатидаги ибратидан воқиф бўлишган. Кунчиқар мамлакат нуфузини шу биргина ўрнак олишга арзигулик ҳолат янада оширган бўлса, ажабмас.

Чиқинди масаласига келганда... бегона

Одатда, биз чет элга тижорат, сайру саёҳат ёки хизмат вазифаси юзасидан бориб, қайтган таниш-билишларимиз билан суҳбатлашиб қолсак, улар хориждаги шаҳар кўчалари тоза ва озодалиги, ҳаттоки ерда ётган бир дона сигарет қолдиғи учрамаслигини айтишади.

...Йўловчилар учун ҳар томонлама қулай бўлган Тошкент метрополитенининг «Новза» бекатидан чиқсангиз, чорраҳадаги замонавий кўприк, муҳташам «Олтин маркази» ва кўп қаватли тураржой биносидан узоқлашмай туриб, автомобиль йўли билан пиёдалар учун мўлжалланган йўлак оралиғида уюлиб ётган чиқиндиларни кўриб, таъбингиз хира бўлади.

Наҳотки шу теварак-атрофда чиқиндилар тўпланадиган, кейин ташиб кетиладиган махсус жой бўлмаса? Борликка бор, лекин уйидан чиққан чиқиндини елим халтага жойлаб, ташлаб келишга эринадиган ва «биров мени кўриб ўтирибдими» қабилида иш тутадиганлар йўқ эмас. Ҳойнаҳой, кўп қаватли уйда яшайдиган шундай кимсаларнинг «иши» бу: тонг қоронғисида олиб чиқиб қўйишган. Энди то кўчани тозалайдиган фаррошлар йиғиштириб олгунча, устма-уст қалашиб, сочилиб ётаверади. Ачинарли томони, ҳар куни шу ҳолат такрорланади.

Эслаймизми, бир пайтлар шаҳар ичидаги автобус бекати дейилса, ўриндиққа ҳам, соябонга ҳам ёлчиган, устига-устак, оёқ остида писта пўчоғи, музқаймоқ қоғози, сигарета қолдиқлари сочилиб ётадиган жой тушунилади. Ҳозир эса шаҳримиздаги автобус йўналишлари бўйлаб белгиланган бекатлар замонавий кўриниш, қулайликка эга бўлиши билан бирга, енгинасида аҳолига хизмат кўрсатиш объектлари жойлаштирилган. Тадбиркор ўз қарамоғидаги бекатнинг тозалигига жавобгар экан, йўловчиларнинг белгиланмаган жойга чиқинди ташлашига асло йўл қўймайди. Шу тариқа бу масала оқилона ечим топди. Йўловчи ҳам бекатда тозаликка риоя этишга кўникди.

Яқин ўтмишдаги яна бир ҳолатни ҳеч ҳам унутиб бўлмайди: шаҳар аҳолиси маиший чиқиндиларни ташлаши учун белгиланган махсус жойлар ҳам хароб аҳволда эди. Хўш, бу муаммо қандай ҳал этилди? Намунавий лойиҳалар асосида чиқинди тўплаш пунктлари ташкил қилинди, чиқиндиларни турига қараб ажратиб ташлаш учун алоҳида-алоҳида контейнерлар ўрнатилди. Назорат қилиб борадиган ишчи-ходим ҳам қўйилди. Чиқиндихоналар саранжом-саришта ҳолатга келтирилди.

Сўнгги чора – катта миқдордаги жарима

Келинг, дунёнинг турли мамлакатларида чиқиндилар белгиланмаган жойга ташланганда қўлланиладиган жазо чораларини кўриб чиқамиз.

Австрияда жамоат жойида бўш шишани қолдирган киши 90 евро жарима тўлайди. Қоидалар билан таниш эмаслигини айтиш бефойда. Чет эллик сайёҳ ҳам тартибни бузса, жаримага тортилади. Кўчада ахлат ташлаш тақиқланган, гап тамом!

Ирландияда чиқинди билан боғлиқ қоидаларга риоя этмаган фуқаро 5 000 евро ёки ундан кўп миқдорда жаримага тортилади, ҳатто 12 ойгача қамоққа олиниши мумкин.

Буюк Британиянинг Лондон ва бошқа баъзи шаҳарлари кўчасига шунчаки конфет қоғозини ташласангиз, жаримаси 80 фунт стерлингни ташкил этади. Агар нисбатан катта миқдордаги ахлатни ташласангиз ва чиқинди уюми пайдо бўлса, жарима жисмоний шахслар учун 400 фунт стерлингдан бошланади. Бундан ташқари, жаримани 14 кун ичида тўлаш керак, акс ҳолда устига катта миқдорда устама (пеня) қўшилади.

Швейцариянинг ҳар бир фуқароси аввал чиқиндини алоҳида турларга ажратиб, кейин махсус контейнерларга ташлашга мажбур. Бунга риоя этилишини чиқинди полициясин кузатиб боради. У ҳатто автомобилнинг деразасидан тамаки қутисини улоқтирган одамни топиб, жавобгарликка тортишни уддалайди.

Сингапур ахлатни белгиланмаган жойга ташлагани учун жарималар фуқароларнинг менталитетини тубдан ўзгартириши мумкинлигининг яққол намунаси бўла олади. Бу мамлакат кўчаларида каптарларни озиқлантириш, тупуриш, сақич чайнаш ва йўл-йўлакай нимадир еб кетиш тақиқланган. Ушбу ҳаракат-

ларнинг ҳар бири учун 1 000 Сингапур долларигача жарима солинади. Қайтадан қоидабузарлик содир этган кишини қамоқ жазоси кутади.

Испанияда машина деразасидан чиқиндини улоқтириш 200 евро, сигарет қолдиғини йўлакка ташлаш эса 90 евро миқдорида жарима солишга асос бўлади.

Германияда чиқиндини махсус қутига ташламагани кўчага ўрнатилган видеокамера орқали аниқланган қонунбузарга 100 еврогача миқдорда жарима солинади. Сигарет қолдиғи, музқаймоқ ёки конфет қоғозини, чанқовбосди ичимликлар идишини ерга ташлаш 200 евро, овқат қолдиғини дуч келган жойга улоқтириш 35 евро миқдорда жарима жазоси тайинланишига олиб келади.

Ҳеч ким чўнтагига зиён келтиришни истамайди

Албатта, бизнинг қонун-қоидаларимизда ҳам чиқиндини белгиланмаган жойга ташлаганлар учун жарима белгиланган. «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 91(1)-моддасига эътибор қаратинг: белгиланмаган жойларга қаттиқ маиший чиқиндиларни ва қурилиш чиқиндиларини ташлаш, шунингдек, суюқ маиший чиқиндиларни тўкиш – фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмидан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса, уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса, беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Афсуски, шу пайтгача фалончи чиқиндини белгиланмаган жойга ташлагани учун жазоланибди, жаримага тортилибди, деган гапни эшитмадик. Демак, чиқинди бўйича назорат ҳаминқадар.

Хабарингиз бор, Тошкентда сайёҳлик полициясининг фаолияти йўлга қўйилди. Чиқинди масаласида ҳам «Инсофни ҳар кимнинг ўзига берсин», демасдан, чиқинди полициясини шакллантириш вақти келди, назаримизда. Назорат кучайтирилса, ҳар бир киши чиқиндини дуч келган жойга ташлашдан олдин чиндан ҳам жаримага тортилиши ҳақида ўйлайди, ҳеч ким чўнтагига зиён келтиришни истамайди. Балки шунда ҳар қадамда чиқиндига дуч келмасдик, ҳар куни тонгда транспорт қатнови бошланмасдан чор-атроф – йўлу йўлаклар, кўчалар, бекатлар атрофини супуриб-сидириб, саранжом-саришта қилиб қўядиган фаррошларнинг юмуши ҳам енгиллашармиди...

Суюндик МАМИРОВ

МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

РЕКЛАМА ЎРНИДА

МАҚСАДЛИ ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Самарқанд вилояти кенгаши тасарруфидаги Булунғур тумани ўқув-спорт техника клуби жамоаси томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш ҳамда уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларни ватанпарварлик руҳида ва жисмоний тарбиялаш ҳамда чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.

– Чақирувгача бўлган ёшларни ҳарбий хизматга чақириш даврида олиб бориладиган ташкилий, оммавий ҳамда сиёсий-тарбиявий ишларнинг аниқ режаси ишлаб чиқилган, – дейди туман ўқув-спорт техника клуби бошлиғи Шокиржон Худойбердиев. – Меҳнат фахрийлари, аскарлар билан чақирилувчиларнинг учрашувларини ташкил этиш ҳам анъана тусини олган.

Ўтган йил мобайнида клуб жамоаси ҳайдовчилар тайёрлаш борасида ҳам яхши натижаларни қўлга киритди. Ҳозир бу ерда «А», «В», «ВС», «D», «Е» тоифали ҳайдовчилар тайёрланмоқда.

Албатта, ўқув-спорт техника клуби фаолиятини спортнинг техник ва амалий турларисиз тасаввур этиш қийин. Шу боис, ҳаво милтиғидан ўқ отиш ҳамда авиамодель каби секцияларда ўттиз нафарга яқин ёшлар мунтазам шуғулланмоқда. Спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш режасига асосан туман миқёсида кўплаб спорт мусобақалари ўтказилди. Унда тумандаги мактаблардан беш юз нафардан зиёд ўқувчилар иштирок этди.

Шу кунларда ҳам ташкилот фаолиятини янада жонлантириш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш борасида мақсадли тадбирлар ишлаб чиқилиб, белгиланган режа асосида амалга оширилмоқда.

Акбар АЛЛАМУРОДОВ

BOLAJON

LABIRINT

Olmaxonning yong'oqqa olib boradigan yo'lini toping

CHOL BILAN BO'RI

Bir bor ekan, bir yo'q ekan, bir bo'ri bo'lgan ekan. Bo'ri qo'ylarga hujum qilaverib, cho'ponlarning joniga tegibdi. Ular ovchiga arz qilibdilar. Ovchi bo'ri izidan tushib, o'rmonga kiribdi. Bo'ri qo'rqib, o'rmondan qochib ketibdi. Ovchi uni tirqiratib quvibdi.

Quvaveribdi, quvaveribdi, bo'rining tinkasi quribdi. Bo'ri oxiri qochadigan joy topolmay qolibdi. Shu vaqt to'satdan qop ko'targan bir chol uchrab qolibdi.

– Assalomu alaykum, chol bobo, – debdi bo'ri. – Menga rahmingiz kelsin, ovchining qo'lidan qutqaring. U meni otib tashlaydi. Yosh jonimga rahm qiling.

Uning ko'z yoshini ko'rib, cholning rahmi kelibdi.

– Kel, qopga kir, – debdi chol.

Bo'ri qopga kiribdi. Chol qopni orqalab ketaveribdi.

Chol oldidan ovchi chiqibdi.

– Bobo, shu yerdan bo'ri o'tmadimi? Ko'rmadingizmi? – deb so'rabdi ovchi.

– Yo'q, ko'rmadim, – debdi chol.

Ovchi oshiqib chopganicha nari ketibdi.

– Qopdan chiq, qutulding, – debdi chol bo'riga. Bo'ri qopdan chiqibdi.

– Endi ortingga qayt, o'rmonga ketaver, – debdi chol.

– Nimaga? – debdi bo'ri. – Men ochman, seni yeyman.

– Voy noinsof! Men seni o'limdan qutqarib qolib, yaxshilik qilsam-u, sen meni yeysanmi?

– Ha, ishim yomonlik, – debdi bo'ri. Ular janjallashib turgan ekanlar, birdan tulki kelib qolibdi.

– Ha, nima gap? – deb so'rabdi tulki.

– Yaxshilikka bo'ridan yomonlik qaytyapti, – deb ko'z yoshi qilibdi chol. Bo'ri voqeani aytib beribdi.

Tulki debdi:

– Gapingga ishonmayman, bo'ri. Nahotki bo'ri shu kichkina qopga sig'sa...

– Ha, sig'aman, – debdi bo'ri.

– Bo'lmasa qopga kirib ko'rchi, men o'z ko'zim bilan ko'rib ishonay. Keyin cholni yesang, mayli, haqqing bor, – debdi u.

Bo'ri darrov qopga kiribdi.

– Qopning og'zini bog'lang, bobo, – debdi tulki.

Chol darrov qopning og'zini bog'labdi.

Bo'ri endi ming yalinsa ham, chol uni qopdan chiqarmabdi.

БУ ҚИЗИҚ!

НИМА, ҚАЧОН, ҚАЕРДА

биринчи марта содир бўлган?

Илк даврий нашрлар

Нашр 1609 йилда Германияда пайдо бўлган. «Авизо Релацион одер Цайтунг» номли дастлабки газета 15 январдан бошлаб ҳафтада бир марта Қуйи Саксонияда ношир Юлиус Адольф фон Зене томонидан чоп этила бошланган. «Релацион: Аллер Фюрнемен унд Генденквюрдиген Историн» номли иккинчи газета эса Страсбургда чоп этилган. Мазкур газетанинг 37-сонида (1609 йилнинг сентябрь ойида) Галилей яратган телескоп ҳақида хабар берилган.

Avisa
Relation oder Zeitung.
Was sich begeben vnd
zugetragen hat / in Teutsch: vnd Welsch-
land/ Spanien/ Niederlandt/ Engellandt/ Frankr

Газетадаги биринчи сурат

Сурат 1873 йилнинг 2 декабрида «Нью-Йорк Дейли График» газетасида берилган. У Стейнвей Холл томонидан тақдим этилган. Лондонда чоп этилган «Дейли Иллюстрейтед Миррор» фотосуратчилар штатига эга бўлган биринчи газета ҳисобланади. Дастлабки рангли суратни эса Эдди Шахнинг «Тудэй» газетаси 1986 йилнинг 4 мартида босиб чиқарган. Мазкур суратда Австралияга ташриф буюрган Англия қироличаси акс эттирилган. Ўша даврларда рангли суратларнинг сифати жуда паст даражада бўлган, шунга қарамай, 80-йиллар охирига келиб, Англиядаги барча газеталар шундай суратларни бера бошлаган.

New-York Daily Times.

Санъат асарларининг биринчи кўргазмаси

У Париж санъат академияси томонидан ташкил этилган бўлиб, у 1667 йилнинг 9 – 23 апрель кунлари Палас-Рояль шаҳрида ўтказилган. 1671 йилда бундай кўргазма ўша даврда Қирол саройи бўлган Лувврнинг катта галереясига кўчирилган ва ҳар икки йилда бир марта ўтказиб келинмоқда.

Дастлабки савдо кўргазмаси

Кўргазма 1789 йилда Женева шаҳрида ташкил этилган. Бунга ўхшаш тадбирлар 1790 йилда Гамбургда ва 1791 йилда Прагада бўлиб ўтган. Махсус тайёрланган бинода ўтказилган биринчи миллий

кўргазма 1798 йилнинг 17 сентябрида Парижда очилган. Тўрт кун давом этган мазкур кўргазмада 110 нафар ишлаб чиқарувчи томонидан яратилган турли товарлар, яъни соатлар, керамика, шиша, текстиль ва кимёвий маҳсулотлар, тери, мебель, жанговар ва спорт қуроллари, полиграфия ускуналари, илмий ва жарроҳлик жиҳозлари намойиш этилган.

Кейинчалик болаларнинг, айниқса қизчаларнинг севимли ўйинчоқларидан бирига айланган.

Биринчи Барби қўғирчоғи

1959 йилнинг 13 февралида Калифорнияда сотувга чиқарилган. У Жейк Райан томонидан катталар кўринишига эга бўлган Лилли исмли немис қўғирчоғи асосида яратилган. Америкалаштирилган Лиллига ана шу қўғирчоқни ишлаб чиқарган «Маттель» фирмаси асосчисининг

17 ёшли қизи Барбара Хондлер шарафига Барби номи берилган. Барбининг қаллиғи эса Барбаранинг акаси шарафига Кен деб номланган. Ҳозирга келиб, ҳар йили 20 миллиондан ортиқ Барби қўғирчоқлари сотилмоқда.

Энг биринчи метро ва ер ости йўли

Дунёда илк ер ости йўллари Лондон шаҳрида жойлашган. Лондон метрополитени 1983 йилда ишга туширилган. Бироқ 1986 йили фаолияти йўлга қўйилган Будапешт метрополитени дунёдаги биринчи электрлаштирилган метро тизими ҳисобланади.

Темза туннели дарё остида қурилган дунёдаги биринчи туннель бўлиб, у дунёнинг «саккизинчи мўъжизаси» деб таърифланган. Унинг номи ҳам Темза дарёси номига атаб қўйилган.

У сер Марк Брунел ҳамда унинг ўғли Исамбард исмли муҳандислар томонидан Темза дарёси остида юкларни ташишда қулайлик туғдириш мақсадида қурилган.

Қурилиш бошланганида ажратилган пул тугаб қолгани сабаб ушбу мажмуа аҳолига ўзига хос бир аттракцион сифатида хизмат қилган. Маълумотларга қараганда, дастлабки уч ой мобайнида бу туннелдан бир миллион киши фойдаланган. Темза ер ости йўли дунёдаги одамлар энг кўп ташриф буюрувчи аттракционга айланди. Мана, қарийб икки асрга яқин вақтдан бери ушбу метрополитен нафақат лондонликларга, балки бутун дунё аҳолисига хизмат қилиб келмоқда.

П. СОБИТОВ тайёрлади.

БИР ЧИМДИМ

Аввало одам бўлишга ҳаракат қил, ортиқча вақт топсанг, олим бўлаверасан.

ПИФАГОР

БИЛАСИЗМИ?

Кайковус 12 ёшга тўлганда, от миниш, қилич чопиш, найза ва камон отиш каби ҳарбий ишларни ўрганиб, отасига маҳоратини намойиш этади. Ота эса унинг устозларига: «Сизлар ўғлим учун зарур вақтда бошқа киши унинг ўрнига қила олмайдиган ҳунарни ўргатмабсизлар», деб эътироз билдиради. Бу қайси ҳунар эди?

Жавоб: сўзиш.

БИЛАСИЗМИ?

Армияда аскарлар, офицерлар, ҳатто қўмондонлар ҳам қадам ташлашда чап оёқдан бошлашади. Бироқ фақат бир тоифа ҳарбий хизматчиларга қайси оёқдан қадам ташлаб юришнинг фарқи йўқ. Улар кимлар?

Жавоб: оркестр дирижёри.

КЕЛГУСИ СОНДА:

Қайси машҳур ёзувчимиз ҳарбийлар ҳақида роман ёзиш ниятида?

Озод Шарафутдиновнинг таърифича, унда етти мўъжизага тенг улуғворлик мужассам.

VATANPARVAR

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
www.mudofaa.uz

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи:
подполковник Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ

Навбатчи:
Дилшод РЎЗИҚУЛОВ

Саҳифаловчилар:
Рамиз ВАЛИЕВ
Олим БЕРДИЕВ

Мусаҳҳиҳлар:
Зебо САРИЕВА
Сайёра МЕЛИҚЎЗИЕВА

Телефонлар:
71-260-36-50
Факс: 71-260-32-29.

ISSN 2010-5541

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририятининг компьютер марказида саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Буюртма: г-262
Ҳажми: 6 босма табоқ.
Бичими: А3.
Адади: 37 637 нусха.
Босишга топшириш вақти: 14:00.
Топширилди: 14:30.

Газета жума куни чиқади.
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
Нашр кўрсаткичи: 114.
Баҳоси: келишилган нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5

Манзилимиз:
100164, Тошкент, Университет кўчаси, 1-уй.